



Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Фискал институт



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ

www.soliqvahayot.uz



**“СОЛИҚ ВА ҲАЁТ” ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛИ
ТАҲРИРИЯТИ ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ**

Таҳририят кенгаши раиси: и.ф.д. Юсупов Кахрамон Ахмедович

Бош муҳаррир: и.ф.д. проф. Курбанов Зият Ниязович

Таҳририят аъзолари:

и.ф.д. Қудбиев Шерзод Давлатович

и.ф.д. проф. Засько Вадим Николаевич (Россия Федерацияси)

и.ф.д. проф. Роздольская Ирина Владимировна (Россия Федерацияси)

ю. ф. д. проф. Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович

т.ф.д.доц. Акбаралиев Бахтиёр Бакирович

и.ф.ф.д. PhD Вассилис Полименис (Греция)

и.ф.н. доц. Эргашев Зафар Тоштургунович

и.ф.д. проф. Тошматов Шухрат Аманович

и.ф.д. проф. Ҳотамов Комил Раббимович

и.ф.д. проф. Қўзиева Наргиза Рамазановна

и.ф.д. проф. Худойкулов Садриддин Каримович

и.ф.д. проф. Исманов Иброҳим Набиевич

и.ф.д. проф. Ўрманов Жаҳонгир Жалолиддинович

и.ф.д. проф. Уразов Комил Бахрамович

и.ф.д. доц. Исаев Фахриддин Икромович

Маъсул муҳаррир: Назаров Абдукарим Кушарович

Веб администратор: Қуйлиев Улуғбек Рашидович



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

www.soliqvahayot.uz

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ



Djurayeva I.B. Holiqov R.A.	<i>Moliyaviy hisobotlarda xalqaro standartlarga o'tishning ahamiyati, zarurati va istiqbolli yo'nalishlari</i>	5
Farmanov E.A.	<i>Transport xizmatlari sifatini oshirishda raqamli iqtisodiyotning mohiyati va roli</i>	10
Giyasov S.A.	<i>Effective use of tax mechanism in the development of innovation economy</i>	21
Mamatqulova Sh.J.	<i>O'zbekistonda sifatli va xavfsiz yangi turdagi qurilish materiallari ishlab chiqarishning afzalliklari</i>	30
Niyozova Sh.N.	<i>Milliy iqtisodiyotda internet xizmatini rivojlantirishning xorijiy tajribalari</i>	37
Qurbonova D.A.	<i>Total quality management-raqobatbardoshlik omili sifatida</i>	44
Razzaqov J.H.	<i>Biznes loyihalarini bank kreditlari va sindikatlashgan kreditlar orqali moliyalashtirish amaliyoti tahlili</i>	49
Temirov M.X.	<i>Davlat moliyaviy nazoratini takomillashtirishning asosiy yo'nalishlari</i>	56
Yangiyeva N.S.	<i>Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida foydani aniqlash va moliyaviy hisobotlarni tuzish</i>	66
Абдурахманов К.А.	<i>Бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг ҳуқуқий-ахлоқий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш</i>	72
Алимардонов Ғ.Н.	<i>Норасмий иқтисодиётга қарши кураш бўйича халқаро тажриба</i>	82
Бобобеков Ф.Р.	<i>Тижорат банкларида факторингни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари</i>	91
Ғаффоров Ш.Н.	<i>Қўшилган қиймат солиғи механизмини такомиллаштириш йўналишлари</i>	100
Исаев Ф.И.	<i>Солиқ таҳлилининг фискал сиёсат самарадорлигига таъсири</i>	106
Курбанов З.Н.	<i>Рақамли молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисоби</i>	113
Машарипова Г.К.	<i>Развития человеческого капитала в сфере образования</i>	121
Муйдинов Э.Дж.	<i>Аудитнинг халқаро стандартлари асосида муҳимлик кўрсаткичини аниқлаш услуги</i>	129



Мустафаев Б.Р.	Худудий ва тармоқ тузилмаларига эга минтақавий иқтисодиётларнинг стратегик режаларини ишлаб чиқишга услубий ёндашувлар	141
Муҳитдинова К.А.	Саноат корхоналарида инвестицион салоҳиятини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси	151
Набиев Ф.Н.	Ўзбекистон Республикасининг хуфийёна иқтисодиёт улушини қисқартиришда рақамли технологияларнинг ўрни	157
Норбаева М.А.	Давлатлар валюта сиёсатларининг халқаро савдо операцияларига таъсири	165
Очилов А.М.	Солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш	177
Расулов А.А.	Таълим сифати: кучли иқтисодиётнинг тамал тоши	186
Рахмонова Ю.	Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида инвестициявий кўчмас мулк таърифи ва таснифини такомиллаштириш	194
Рузиев Ғ.У.	Аҳоли даромадларини солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш масалалари	206
Саттаров И.А.	Бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолаш ва оптималлаштириш йўллари	218
Содиқов Н.С.	Ўзбекистонда профессионал таълим харажатларини халқаро таснифлагичларга мослаштириш масалалари	227
Сувонов Б.Б.	Хўжалик юритувчи субъектларда меҳнат самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар	235
Тошназарова Н.С.	Иқтисодий самарадорлик тушунчаси таърифи ва ўзига хос хусусиятлари	242
Тўлаев У.И. Болтаев А.С.	Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг фундаментал масалалари	250
Тураев А.А.	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига солиқ юки даражаси таъсирини баҳолаш усуллари	260
Шарипова З.Б.	Корхоналарнинг молиявий аҳволини баҳолаш амалиёти ва уни такомиллаштириш	267
Эгамбердиева М.О.	Роль и место экономической дипломатии на различных уровнях мировой экономики	272



MOLIYAVIY HISOBOTLARDA XALQARO STANDARTLARGA O'TISHNING AHAMIYATI, ZARURATI VA ISTIQBOLLI YO'NALISHLARI

Djurayeva I.B., Holiqov R.A.

International School of Finance Technology and Science

Annotatsiya. Ushbu maqolada moliyaviy hisobotlarning mazmuni, ularning mamlakat iqtisodiyotidagi ahamiyatining ortib borishi va buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan asosiy farqlari o'rganildi. Shuningdek, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishda mamlakat iqtisodiyotida investitsiyalar oqimining oshish ehtimoli, tadbirkorlik subyektlarining hisobotlarida umumiy aniqlik ma'lumotlariga ega bo'lishi, hisobot tayyorlashda bir qancha yengilliklar yaratilish jarayonlari ko'rib chiqildi. Xulosa qismida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishdagi istiqbolli yo'nalishlar bo'yicha takliflar ishlab chiqildi.

Kalit so'zlar: Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, Buxgalteriya hisobining milliy standartlari, investitsiya, tadbirkorlik subyektlari, moliyaviy holat hisoboti.

Аннотация. В данной статье изучено содержание финансовой отчетности, ее возрастающее значение в экономике страны, а также основные отличия от национальных стандартов бухгалтерского учета. Также рассмотрена возможность увеличения притока инвестиций в экономику страны при переходе на международные стандарты финансовой отчетности, отчетности субъектов хозяйствования с общей достоверностью информационного процесса, создание ряда упрощений при составлении отчетов. В заключительной части разрабатываются предложения по перспективным направлениям перехода на международные стандарты финансовой отчетности.

Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты бухгалтерского учета, инвестиции, субъекты хозяйствования, отчет о финансовом состоянии.

Abstract. In this article, the content about of financial reports, their increasing importance in the economy of the country, and the main differences from national standards of accounting are studied. Also, the possibility of increasing the flow of investments in the country's economy during the transition to international standards of financial reporting, the reports of business entities with general accuracy information process of creation of several simplifications in report preparation is considered. In the conclusion part, proposals are developed on promising directions for the transition to international standards of financial reporting.

Keywords: international standards of financial reporting, national accounting standards, investment, business entities, financial status report

1. Kirish.

Hozirda jahon iqtisodiyotidagi keskin o'zgarishlar axborot oqiminig tez sur'atlarda almashinuv jarayonlari barcha mamlakatlarning o'z iqtisodiyotida tub islohotlarni amalga oshirish zaruriyatini keltirib chiqarmoqda. O'zbekiston xalqaro iqtisodiyotning globallashuv jarayonlaridagi ishtirokchisi sifatida bu jarayonlarda bevosita ishtirok etadi. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bu mamlakat buxgalteriya hisobining davlat tomonidan markazlashtirilgan holda tartibga solinishining bozordagi barcha ishtirokchilarining investorlar, kreditorlar va boshqa buxgalteriya hisobi ma'lumotlaridan foydalanuvchilar manfaatlarini birday himoya qilish va kafolatlash, shuningdek hisob va audit sohasida faoliyat ko'rsatayotgan professional buxgalterlar hamda auditorlar manfaatini himoya qilishni kafolatlash hisoblanadi. Buxgalteriya hisobini markazlashtirgan holda tartibga solish muammolaridan biri moliyaviy hisobot ma'lumotlaridan foydalanuvchilar manfaatini himoya qilish bilan bog'liqdir. Chunki xo'jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy hisoboti ma'lumotlaridan foydalanuvchilar barcha ma'lumotlarga bo'lgan talabi mazmuni va hajmi jihatidan turlicha bo'lib, hatto ular bir-biridan keskin farq qilishi hamda zid bo'lishi mumkin. Shuning uchun ham buxgalteriya hisobini markazlashtirilgan holda tartibga solishda asosiy e'tibor shunday guruh foydalanuvchilarining manfaatlariga qaratiladi va hal qiluvchi hisoblanadi.

O'zbekiston respublikasi prezidenti Mirziyoyev SH.M.ning 2020-yil 24-fevralda PQ-4611 son "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi[1] qarori qonuniy kuchga kirgan bo'lib unda respublikada ilg'or xalqaro tajribani hisobga olgan holda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini va mazkur sohada kadrlar tayyorlashning zamonaviy usullarini bosqichma-bosqich joriy etish bo'yicha "Yo'l xaritasi" belgilangan. Bundan tashqari moliyaviy hisobotni ixtiyoriy ravishda MHXSga muvofiq tayyorlaydigan tadbirkorlik subyektlari buxgalteriya hisobining milliy standartlari bo'yicha moliyaviy hisobot taqdim etishdan ozod etilishi belgilab qo'yilgan bo'lib, unga muvofiq tadbirkorlik subyektlarini qo'shimcha hisobot tayyorlash zaruriyati bo'lmaydi. Buxgalteriya hisobining xalqaro standartining maqsadi jahonda buxgalteriya hisobining yagona me'yoriy –huquqiy hujjatlar asosida tashkil etish, tartibga solish va takomillashtirishdir. Buxgalteriya hisobining milliy standartining vazifasi esa xalqaro standart asosida respublika hisob siyosatini takomillashtirib borishga qaratilgan. Mulkdorlar, kreditorlar va boshqa buxgalteriya hisobi ma'lumotlaridan foydalanuvchilarning manfaatlarini to'laroq qondirish uchun buxgalteriya hisobini markazlashtirilgan holda tartibga solish jarayonida emas, balki xo'jalik subyektlarining hisob siyosatini shakllantirishi jarayonida e'tiborga olinishi zarur. Sababi moliyaviy hisobotlarni ochib berish jarayonida tashqi foydalanuvchilar uchun zarur ma'lumotlar yoritiladi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida mazkur soha yuzasidan ko'plab xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlar o'z asarlarida keng qamrovli ta'rif va fikrlar berib o'tishganligi o'rganildi. Xorijiy iqtisodchi olimlarning faoliyatini o'rganish asnosida buxgalteriya hisobini tashkil qilish va takomillashtirish borasida to'rt yirik: italyan, nemis, fransuz va angliya-amerika maktablari mavjudligi aniqlandi. Bu maktablarning turkumlanishi ularning buxgalteriya hisobi moliyaviy, boshqaruv, hamda ishlab chiqarish hisoblari borasidagi qarashlari turlicha bo'lganligi sabab bir to'xtamga kelinmagan.

Italiyan maktabining namoyondalaridan biri Djuzeppe Cherboni "Amaliy moliyaviy hisob –bu buxgalteriya hisobidir, boshqaruv hisobi esa birinchi navbatda analitik hisobdir" deb fikr bildirib o'tgan (Д.А.Львова, 2021).

Angliya-amerika maktabining vakili Charlz Xorngren (2001) buxgalteriya hisobini boshqaruv va moliyaviy hisoblarga bo'lib, ularning farqini yetti ko'rinishda ko'rsatib

o'tgan. Shuningdek, u o'z asarlarida "Boshqaruv hisobi ishlab chiqarish hisobining ko'pgina kamchiliklarini tugatdi" deb yozib qoldiradi.

T.A. Polshukning (2012) keltirishicha, xalqaro standartlarga o'tish boshqaruv va buxgalteriya hisobini jahon standartlariga moslashtirish bilan birga, tizimni to'g'ri yo'lga qo'yish va investitsiya jalb qilishda muhimdir.

X. Tekeyeva va I. Djanibekovaning (2021) keltirishicha, MHXS-xalqaro biznes bo'lib, ishbilarmonlik muhitini yaratishda muhim hisoblanadi.

Respublikamiz iqtisodchi olimlari ham bu borada o'z fikr va mulohazalarini bildirib o'tishgan bo'lib, B. Xasanov (2005) o'z asarlarida ishlab chiqarish hisobini moliyaviy va boshqaruv hisoblari kabi alohida hisob turi sifatida ko'rsatib uni hisobning bir obyekti sifatida mulohazalaydi.

Xolbekov R.O. (2021) ham ishlab chiqarish hisobini buxgalteriya hisobining bir qismi sifatida izoh beradilar. Bu boradagi qarashlar o'z navbatida hali bu sohada yechimi topilmagan muammolar borligi va ilmiy izlanishlar olib borish zaruriyatini taqozo etadi.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolada mamlakatda tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga muvofiq hisobot tayyorlashning ahamiyati va istiqbolli yo'nalishlarini yoritishga qaratilgan bir qancha tadqiqot usullaridan, jumladan sharhlash, statistik kuzatuv, solishtirish, taqqoslash, induksiya va deduksiya, monografik tadqiqot, klasterlash kabi usullardan keng foydalanilgan.

4. Tahlil va natijalar.

Jahon tajribasi iqtisodiyotni integratsiyalashuvi sharoitida har bir mamlakat buxgalteriya hisobining asosiy qoida va tamoyillarini yangilanib borayotgan iqtisodiy jarayonlarga muvofiqlashtirish uchun tegishli qonuniy, me'yoriy hujjatlar va yo'riqnomalarni ishlab chiqishi, ushbu hujjatlar asosida esa har bir xo'jalik subyekti o'zining boshqaruv va tashkiliy-texnologik xususiyatlardan kelib chiqib, ularni aniqlashtirishi kerak. Bugunga kelib mamlakat iqtisodiyotini yangi bosqichga olib o'tish va yanada ochiq siyosatni yuritish, shaffoflikni ta'minlash maqsadida xo'jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy hisobotlari xalqaro standartlarga muvofiq kelishi ta'minlanishi amalga oshirilmoqda.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishni jadallashtirish orqali xorijiy investorlarni zarur axborot muhiti bilan ta'minlash va xalqaro moliya bozorlariga kirish imkoniyatlarini kengaytirish, shuningdek, hisob va audit sohalari mutaxassislarini xalqaro standartlar bo'yicha tayyorlash tizimini takomillashtirishdan iborat.


MHXS-bu kompaniyalarning moliyaviy hisobotlarini qanday yuritishini, unda amalga oshirilayotgan xo'jalik operatsiyalarini aks ettirishini va hisobotlarini qanday tayyorlashni belgilaydigan qoidalar to'plami. Moliyaviy hisobotlarni yuritish va tayyorlash usullarini qat'iy tartibga soluvchi milliy buxgalteriya hisobi standartlaridan farqli, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari faqat uni tuzish tamoyillarini tavsiflaydi. MHXS aniq hisoblar rejasini o'z ichiga olmaydi, ularda birlamchi operatsiyalar ro'yxati yoki moliyaviy hisobotlarni yuritishning qat'iy qoidalari mavjud emas. MHXSning afzalligi unda buxgalterlar, menejerlar ishini sezilarli darajada osonlashtiradi va standartlarini butun dunyoda qo'llash imkonini beradi.

MHXS dagi hujjatlar tizimi		
Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari (IFRS)	Xalqaro buxgalteriya standartlari (IAS)	MHXS talqinlari (IIAS)

1-rasm. MHXS dagi hujjatlar tizimi

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarining talqinlarini qo'llashdan maqsad ular standartlarning mohiyatini ochib beradi va ularni qo'llashda bir xillikni ta'minlaydi. Yana bir muhim hujjat bu moliyaviy hisobotning konseptual asoslari. Ular MHXSning bir qismi emas, lekin ularni ishlab chiqishda foydalaniladi. Konseptual asos moliyaviy hisobotning maqsadini, uning elementlarini aniqlashni va moliyaviy axborot sifatiga qo'yiladigan talablarni tavsiflaydi. Konseptual asos, birinchi navbatda, yangi standartlarni yaratish va mavjudlarini yangilashda IASga rahbarlik qiladi. Shuningdek, standartlarda aniq ko'rsatmalar bo'lmasa, buxgalteriya usullarini aniqlash uchun xususiy kompaniyalar tomonidan qo'llaniladi. MHXS butun jahon kompaniyalari Yevropa, Osiyo va Janubiy Amerikaning aksariyat mamlakatlarida qo'llanilib kelmoqda [6]. Ba'zi mamlakatlar xalqaro standartlarni milliy buxgalteriya hisobi talablari sifatida majburiy ravishda qo'llaydi. Buxgalteriya hisobining o'z standartlariga ega bo'lgan boshqa davlatlar moliyaviy hisobotga universal yondashuv sifatida MHXSdan foydalanib kelinmoqda.

Hozirda Xalqaro buxgalteriya hisobi standartini qabul qilinganligi to'g'risida 167 ta profil ma'lumotlari mavjud. Xo'sh bundan nechtasida buxgalteriya hisobi standarti talab qilinadi yoki ruxsat etilgan?



2-rasm. Yurisdiksiyalar soni

Umumjahon standartlari xalqaro biznes yurituvchi yoki unga sarmoya kirituvchi kompaniyalar tomonidan qo'llaniladi. Kompaniyalar egalari va rahbariyati uchun MHXS hisobotidan olingan ma'lumotlar ularga biznesning holatini "skanerlash" va asoslangan moliyaviy hamda boshqaruv qarorlarini qabul qilish imkonini beradi. Investorlar uchun IFRS hisoboti tashkilotdagi biznes amaliyotining shaffofligini baholashga, investitsiyalar qiymatini va investitsiya loyihasining mumkin bo'lgan xatarlarini hisoblashga yordam beradi.

5. Xulosa.

Hozirga qadar faoliyat ko'rsatgan va bugungi buxgalteriya hisobining tashkil qilish muammolarini milliy va xalqaro darajadagi muammolarga ajratish mumkin. Xalqaro darajadagi muammo-bu jahon miqiyosida hisob tizimini yagona standartlar asosida tashkil qilish va takomillashtirish bo'lsa, milliy darajadagi buxgalteriya hisobini tashkil qilish

muammolariga davlat miqyosda amalga oshiriladigan ishlar va vazifalar kiradi. Davlat miqyosida buxgalteriya hisobini tashkil qilish va uni tartibga solib turuvchi qonun-qoida, nizom va milliy standartlarni yaratish, ishlab chiqish hamda amaliyotga joriy qilish bu boradagi qilingan va qilinishi zarur bo'lgan vazifalarga kiradi.

Har bir mamlakatda IFRSni qo'llashi kerak bo'lgan xo'jalik yurituvchi subyektlarning o'z ro'yxati mavjud. Asosan, bularga moliya sektoridagi ishtirokchilar (banklar, sug'urta tashkilotlari), OAJlar, yirik kompaniyalar, nodavlat pensiya jamgarmalari va boshqalar kiradi. O'zbekistonda ham qabul qilingan qonunchilikka muvofiq aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug'urta tashkilotlari va yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar 2021-yil 1-yanvardan boshlab, MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etadi va 2021-yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni MHXS asosida tayyorlaydi, qonun hujjatlarida MHXSga o'tishning ertaroq muddatlari nazarda tutilgan yuridik shaxslar bundan mustasno[8] deb belgilab qo'yilgan.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartiga o'tishda tadbirkorlik subyektlari quyidagi afzalliklarga ega bo'lishi mumkin:

- ✓ Xalqaro fond bozorlariga kirib borish va xorijiy banklardan arzonroq kreditlar olish imkoniyati;

- ✓ Kapitalni jalb etishdagi xarajatlarning kamayishi;

- ✓ Hisobotlarni tayyorlash xarajatlari kamayishi. Xususan, turli mamlakatlar xo'jalik subyektlarining bayonotlarini konsolidatsiya qilishda yanada shaffof, ochiq va sodda taqqoslanadigan hisobot kompaniyaning moliyaviy holati to'g'risidagi ishonchli ma'lumotlarni o'z ichiga oladi, bunda u foydalanuvchilar (biznes egalari, investorlar, kreditorlar nazorat qiluvchi organlar va boshqalar) tomonidan yuqori baholanadi.

- ✓ Menejment(rahbariyat) uchun hisobotdagi ma'lumotlar va real voqealar o'rtasidagi bog'liqlikni kuzatish va ular asosida samarali qarorlar qabul qilish osonroq.

IFRS ko'plab bozor iqtisodiyoti mamlakatlaridagi buxgalteriya hisobi va hisobot tajribasini umumlashtiradi. Ular asosida yangi milliy hisobot standartlarini tezroq va arzonroq ishlab chiqish imkonini beradi.

Adabiyotlar:

Hongren Charles T. (2001) "Management Accounting"

Hasanov B.A. (2005) "Boshqaruv hisobi", 260 bet

Xolbekov R.O. (2021) Xalqaro Buxgalteriya hisobi 138 bet

Львова Д.А. (2021) "Идеи Джузеппе Чербони в российской бухгалтерии"

Полещук Татьяна Александровна (2012) Международные стандарты финансовой отчетности: проблемы внедрения // Территория новых возможностей. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnye-standarty-finansovoy-otchetnosti-problemy-vnedreniya> (дата обращения: 08.09.2023).

Текеева Халимат Эльмурзаевна, Джанибекова Индира Альбертовна (2021) Международные стандарты финансовой отчетности // Московский экономический журнал. №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnye-standarty-finansovoy-otchetnosti-5> (дата обращения: 08.09.2023).



TRANSPORT XIZMATLARI SIFATINI OSHIRISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA ROLI

Farmanov E.A.

Buxoro davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya. Ushbu maqolada transport xizmatlar sifatini oshirishda raqamli iqtisodiyot vositalaridan foydalanishning ilmiy asoslari tahlil qilingan, transport xizmatlarining raqamli iqtisodiyotdagi o'рни o'rganilgan, shuningdek, raqamli iqtisodiyotning kelib chiqishi, xorij va mahalliy olimlarning raqamli iqtisodiyotga berilgan ta'riflari, xorij mamlakatlarning raqamli iqtisodiyotining YAIMdagi ulushi keltirilgan.

Kalit so'zlar: Transport xizmatlari, raqamli iqtisodiyot, raqamli iqtisodiyot vositalari, Yalpi ichki mahsulot (YalM).

Аннотация. В данной статье анализируются научные основы использования инструментов цифровой экономики для повышения качества транспортных услуг, а также рассматривается роль транспортных услуг в цифровой экономике. Также представлены происхождение цифровой экономики, определения, данные цифровой экономике зарубежными и отечественными учеными, доля цифровой экономики зарубежных стран в ВВП.

Ключевые слова: Транспортные услуги, цифровая экономика, инструменты цифровой экономики, Валовой внутренний продукт (ВВП).

Abstract. This article analyzes the scientific basis of using digital economy tools to improve the quality of transport services, and examines the role of transport services in the digital economy. Also, the origin of the digital economy, the definitions given to the digital economy by foreign and local scientists, the share of the digital economy of foreign countries in the GDP are presented.

Keywords: Transport services, digital economy, digital economy tools, Gross domestic product (GDP).

1.Kirish.

O'tgan bir necha o'n yillar davomida iqtisodiyot tarmoqlardagi o'zgarishlar, jarayonlarning raqamlashuvi sohalarga sun'iy intellektning joriy etilishi raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga keng yo'l ochdi. Bundan tashqari, kundalik hayotimizda raqamli texnologiyalarning kirib kelishi oddiy holga aylanib, ulardan samarali foydalanish asosida raqamlashtirish deb nomlanuvchi asosiy tendensiya kirib keldi. Raqamli iqtisodiyot nafaqat transport industriyasini, balkim barcha mamlakatlarning ichkarisidagi jarayonlarni raqamlashtirish va integratsiyalashuv qamrovini kengaytirmoqda. O'zbekistonda, xorijiy mamlakatlar singari raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga keng

imkoniyatlarning yaratilishi bilan bir qatorda barcha tarmoq sohalari singari raqamlashuv jarayonlari muhitini yanada kengaytirish ustida ish olib borilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Parlamentga har yilgi murojaatnomasida (2020) "taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart" va shu bilan birga, "raqamlashtirishsiz natija, rivojlanish bo'lmashligini tushunib yetishi", hamda, "barcha darajadagi rahbarlar buni o'ziga kundalik vazifa sifatida belgilab, raqamlashtirish sohasini alifbosidan boshlab chuqur o'rganishi kerakligi va raqamli iqtisodiyotsiz mamlakat iqtisodiyotining kelajagi yo'q"¹ - deb ta'kidlaydi.

Haqiqatdan, mamlakatning kelajagi raqamlashtirish asosida rivojlanishi yaqqol misol sifatida rivojlangan mamlakatlarning iqtisodiy ko'rsatkichlaridan ko'rishimiz mumkin. Rivojlanayotgan Yangi O'zbekistonda, raqamli iqtisodiyot insonlar kundalik hayotini tubdan o'zgartirish, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy tuzilishi va infratuzilmasi yaxshilashi, aloqa-kommunikatsiya va axborot xizmatlari sifati oshirish, xizmatlarning yangi talablari paydo bo'lishiga turtki bermoqda. Albatta, bunday natijalarga erishishda mamlakatda amalga oshirilayotgan islohotlar belgilab beradi.

Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 3-iyulda "O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3832 sonli va 2020-yil 28-apreldagi "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4699 sonli qarorlari, hamda 2020-yil 5-oktabrdagi "Raqamli O'zbekiston - 2030" strategiyani tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida PF-6079 sonli farmonlari belgilab bermoqda. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 31-avgustda raqamli iqtisodiyotning maqsad va vazifalarini belgilab beradigan "O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy qilish va yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" qarorlarini keltirib o'tishimiz mumkin.

Ushbu qaror va farmonlarda, O'zbekistonda transport-logistika xizmatlari eksportini oshirish, transport sohasida real iqtisodiyot sektori korxonalarida boshqaruv, ishlab chiqarish va logistika jarayonlarini avtomatlashtirish, transport tizimida "raqamli yo'llaklar" va tranzit imkoniyatlarni kengaytirish, viloyat markazlarida jamoat transportlarida yo'l haqi to'lashning avtomatlashtirilgan tizimini joriy etish, transport tizimini kompleks rivojlantirish uchun dasturiy modellashtirish tizimlaridan foydalanish mexanizmlarini ishlab chiqish, 2025-yilgacha mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravarga ko'paytirish, hamda xizmatlar hajmini 3 baravarga oshirish va ularning eksportini 100 million dollarga yetkazish kabi eng muhim vazifalar yuklatilgan. Aynan, raqamli iqtisodiyot vositalari asosida transport xizmatlari sifatini oshirish dolzarb muammolari bo'lib qolmoqda.

2.Adabiyotlar sharhi.

Jahonning rivojlangan mamlakatlari o'zining xizmatlar bozorini raqamli texnologiyalar asosida mavjud iqtisodiy muhitini shakllantirmoqda, raqamli iqtisodiyotni qo'llash hisobidan esa mamlakatning YaIM hajmini oshirishiga erishilmoqda. Bilamizki, transport xizmatlari iqtisodiyotning asosiy tarmoqlaridan biri sifatida qayd etiladi. Yalpi ichki mahsulot (YaIM) – bu mamlakat iqtisodiyot miqyosini belgilab beruvchi eng keng qamrovli o'lchov sifatida tan olinadi. Transport, iqtisodiyotning tarkibiy qismi sifatida, odatda, yalpi ichki mahsulotga nisbatan o'lchanadi (B.Fang, X.Han, 2000). Transport – bugungi iqtisodiyot va jamiyatda muhim rol o'ynaydi hamda o'sish va bandlikka katta ta'sir ko'rsatmoqda.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev raisligidagi "Tarmoq va hududlarda raqamli iqtisodiyot hamda elektron hukumatni joriy qilish" masalalari bo'yicha 2020-yil 22 sentabrda o'tkazilgan videoselekt yig'ilishi

Jahon miqyosida transport xizmatlari sifatini raqamli iqtisodiyot vositalaridan foydalanib oshirishga qaratilgan ilmiy va amaliy ishlar, hamda dasturiy loyihalar amalga oshirilib kelinmoqda. Xususan, mamlakatimizda transport xizmatlar sifatini raqamli iqtisodiyot vositalaridan foydalanib oshirishga qaratilgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasi tomonidan yuqorida sanab o'tilgan farmon va qarorlar misolida keltirildi, hamda, xorijiy va mahalliy oliy ta'lim muassasalari olimlari tomonidan atroflicha o'rganildi.

Xususan, Dastlab terminni Yaponiyada iqtisodiy tanazzul boshdan kechirayotgan davrda yaponiyalik iqtisodchi professor tomonidan tilga olinadi (D.Kumar, 2020) hamda 1995-yilda ushbu atama amerikalik dasturchi Nikolas Negroponte (1995) tomonidan o'zining "Raqamli dunyodagi hayot" nomli asarida amaliyotga kiritadi. Keyinchalik, 1997-yilda texnologiya va iqtisodiyot sohasida jamiyatning kundalik hayotidagi katta o'zgarishlariga hissa qo'shgan Kanadalik professor Don Tapskott (1997) asarida alohida tushuncha sifatida qayd etadi. Olimning ta'kidlashicha, raqamli iqtisodiyot innovatsiyalar, hamkorlik va iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish salohiyatiga ega. Bu yangi biznes modellarini yaratishga imkon beradi, jismoniy shaxslarga imkoniyatlar beradi va global miqyosda ma'lumot va g'oyalar almashinuvini osonlashtiradi. Asarda kompaniya va tarmoqlar raqamli iqtisodiyotning kuchidan raqobatdosh ustunlikka erishish va tarmoq dunyosida gullab-yashnashi yo'llarini o'rganadi. Professor raqamli texnologiyalar global iqtisodiyotni qanday qayta shakllantirayotgani haqida o'ylantiradigan tahlilni taklif etadi va jismoniy shaxslar, biznes va siyosatchilar uchun raqamli asrni boshqarish bo'yicha ko'rsatmalar beradi. Biroq, olimning o'z asarida asosan iqtisodiy modellar evolyutsiyasini, raqamli texnologiyalarning biznes va boshqaruvga ta'sirini o'rganadi va iqtisodiyotdagi kelajak o'zgarishlarning prognozlarini beradi (N.Puzina, 2021).

Umuman olganda, raqamli iqtisodiyot atamasiga ilk bor G'arb olimlari o'z tadqiqot ishlarida tilga olingan bo'lsada, biroq ularning asarlari, buni ochib bermaydi, balki uning xususiyatlarini tasvirlaydi. Jahonda raqamli iqtisodiyot fenomen sifatida ancha oldin kirib kelgan, ya'ni AQSHda XX asr o'rtalarida paydo bo'la boshlagan, hamda, 1960-yilga kelib jahonda raqamli innovatsiyalar faollik bilan tarqalishni boshlagan.

"Raqamli iqtisodiyot" terminiga jahonning yirik xalqaro tashkilotlari tomonidan turlicha izohlaydilar, shulardan Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki ya'ni Jahon banki tomonidan "Raqamli iqtisodiyot raqamli axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishga asoslangan iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy munosabatlar tizimidir". Bunda raqamli iqtisodiyot – bu bilim va raqamli texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyotning yangi usuli bo'lib, uning doirasida jamiyat, biznes va davlat uchun yangi raqamli ko'nikma va imkoniyatlar shakllanadi (N.Puzina, 2021). Shuningdek, yana bir yirik jahon tashkiloti Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) tomonidan "Raqamli iqtisodiyot - bu raqamli boshqariladigan bozorlarni tavsiflash uchun ishlatiladigan umumiy atama" ya'ni boshqacha qilib aytganda, bu termin internet va unga tegishli axborot kommunikatsiya texnologiyalar tomonidan qo'llab-quvvatlovchi iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy tadbirlarning butun bir majmuasidir. Oksford lug'atida esa "raqamli iqtisodiyot, ayniqsa internetdagi elektron tranzaksiyalar" deb keltirgan. Umuman olganda, Raqamli iqtisodiyot raqamli texnologiyalar, internet va raqamli ma'lumotlarga asoslangan iqtisodiy faoliyatni bo'lib, unda raqamli texnologiyalar yordamida tovarlar va xizmatlarni ishlab chiqarish, tarqatish va iste'mol qilishni o'z ichiga olgan iqtisodiy o'zaro ta'sirlar, tranzaksiyalar va jarayonlarning keng doirasini aks ettiradi.

Aynan "raqamli iqtisodiyot" tarkibiy qismlar va uning komponentlari bo'yicha statistika va iqtisod sohasida ilmiy-tadqiqot olib borgan amerikalik olim Tomas Mesenburg (2001) birinchi marta raqamli iqtisodiyotga xos bo'lgan komponentlarni aniq shakllantiradi hamda quyidagi beshta asosiy komponentini keltirib o'tadi, ya'ni elektron tijorat infratuzilmasi, elektron tijorat, raqamli texnologiyalarni qo'llash asosida an'anaviy

tarmoqlar narxini oshirish, raqamli iqtisodiyotda an'anaviy iqtisodiyotga nisbatan mehnat narxining farqi, raqamli iqtisodiyot mahsulotlari va xizmatlarining qo'shilgan qiymatining evolyutsiyasi kabilardir. Olim asosiy e'tiborini raqamli iqtisodiyotning tarkibiy qismlari va elektron biznes fenomenini o'lchash qobiliyatiga qaratgan.

Mashhur olimlar R.Buxt va R.Xikslar (2017) ham raqamli iqtisodiyotni uch darajada ajratib, quyidagicha e'tirof etadilar ya'ni raqamli sektor, raqamli iqtisodiyotning o'zi va raqamli iqtisodiyot. Taqdim etilgan tadqiqotlar asosida raqamlashgan iqtisodiyotning tarkibiy qismlari va atributlariga, raqamli texnologiyalardan foydalanishga, iqtisodiyotni raqamlashtirishni davlat tomonidan tartibga solishga qaratilgan.

Keyingi yillarda tadqiqotchilar asosiy e'tiborini iqtisodiyotning turli sohalari, ya'ni transport xizmatlarini joriy etishdagi ta'siri hamda raqamli iqtisodiyotning tarkibiy qismlaridagi sodir bo'lgan transformatsiya jarayonlariga qaratishdi (T.L.Mesenbourg, 2001; C.Dahlman, 2016).

Iqtisodiyotning barcha tarmoq sohalarni qamrab olishini hisobga olgan holda, PricewaterhouseCoopers (PwC) strategiya va innovatsiyalar bo'yicha maslahat guruhining biznes rahbari John Svioklaning fikricha, raqamli iqtisodiyot jahon bo'ylab "Biznes va hukumatni o'zgartiradigan, hamda favqulodda boylik yaratishga olib keladigan kapitalizmning uchinchi to'lqinini ishga tushirish" deb ta'kidlaydi (O.Economics, 2011).

Mahalliy olimlardan B.Alliyevning (2022) fikricha "raqamli iqtisodiyot-bu iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo'llash asosida amalga oshirish tizimidir" deb aytadi.

Yana bir hammuallif tadqiqotchilar B.X.Xaydarov va S.A.Saitovlar (2022) "raqamli iqtisodiyot"ni jarayonlarni tahlil qilish natijalaridan foydalanish va katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash asosida turli xildagi, texnologiyalar, asbob-uskunalar, tovar va xizmatlarni saqlash, sotish va yetkazib berish samaradorligini jiddiy ravishda oshirishga imkon beradigan, raqamli texnologiyalarga asoslangan elektron biznes va elektron tijorat bilan chambarchas bog'liq iqtisodiy faoliyat, hamda shu faoliyat natijasida ishlab chiqariladigan va sotiladigan raqamli tovarlar, xizmatlar yig'indisidir deb yuritadi.

Xullas, yuqoridagi olimlarning fikr mulohazalaridan kelib chiqib, raqamli iqtisodiyotdagi transport xizmatlari texnologiyaning rivojlanishi, ulanish va iste'molchilarning xohish-istaklarining o'zgarishi tufayli sezilarli o'zgarishlarga duch keldi. Raqamli texnologiyalarning integratsiyasi transport sohasida samaradorlik, foydalanish imkoniyati va foydalanuvchi tajribasini yaxshilashga erishish hamda, raqamli texnologiyalarning transport xizmatlariga integratsiyalashuvi yanada qulaylik, foydalanish imkoniyatini yaxshilash, atrof-muhitga ta'sirni kamaytirish va sektorda umumiy samaradorlikni oshirishdir.

3.Tahlil va natijalar

Raqamli iqtisodiyot axborot jamiyat taraqqiyotining mahsuli bo'lib, o'tgan 30 yil ichida uch bosqichni bosib o'tgan. Ulardan birinchi bosqichi: 1990-yillarda raqamli iqtisodiyotning asosiga aylangan ishlab chiqarish va boshqaruvdagi sifat o'zgarishlari bilan bog'liq bo'lgan internetning paydo bo'lishi va rivojlanishi sifatida muxrlangan bo'lsa², ikkinchi bosqichi: 2000-yillarining boshlarida internet va mobil aloqa global miqyosda tarqalayotgan bir paytda raqamlashtirishning internetga asoslangan tadbirkorlik faoliyati va raqamli iqtisodiyot atamasi, ta'rifiga xos bosqichdir. Hamda, uchinchi bosqichi: bugungi kunga kelib, jahonda raqamli iqtisodiyotning axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlanishi va raqamli sensorlar (buyumlar interneti (internet of things)) joriy etish bilan birgalikda, biznes jarayonlar, korxonalarning iqtisodiy tizimlarni raqamlashuvi, raqamli

² <https://theconversation.com/the-digital-economy-is-becoming-ordinary-best-we-understand-it-130398>

valyutalar va blokcheyn texnologiyasining keng tarqalishi sifatida ettirof etmoqda (O.Балазюк, В.Пилявец, 2022; Б.Паньшин, 2019).

Aslida, raqamli iqtisodiyot uchinchi sanoat inqilobidan to'rtinchi sanoat inqilobiga o'tishni aks ettiradi. Ya'ni uchinchi sanoat inqilobida gohida raqamli inqilob deb nomlansa, XX asr oxirlarida analog sifatida elektron va mexanik qurilmalardan raqamli texnologiyalarga o'tishini anglatadi. To'rtinchi sanoat inqilobi esa raqamli inqilobga asoslanadi, chunki bugungi kunda texnologiyalar jismoniy va kiberdunyolarni bog'lashda davom etmoqda³.

1-jadval

Raqamli iqtisodiyotning iqtisodiy va ijtimoiy manfaatlari (A.Aptekman and V.Kalabin, 2017)

Iqtisodiy manfaati	Ijtimoiy manfaati
Mamlakatning iqtisodiy o'sishiga hissa qo'shish	Inklyuzivlikni oshirish va kambag'allikni qisqartirish
Turdosh tarmoqlarning yangi ish o'rinlarni 3-4 barobar ko'paytirishga keng yo'l ochib berish	Aholiga ko'rsatiladigan tibbiy yordam sifatini oshirish
Mehnat unumdorlik darajasini oshirish	Narx-navoni kamaytiradi va ta'lim sifatini oshirish
Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning iqtisodiy ko'rsatkichlarini jadal rivojlantirish	Atrof-muhitga salbiy ta'sirlarni kamaytirish

Ko'pgina rivojlangan mamlakatlarda axborot texnologiyalari tarmog'i iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy "drayveri" hisoblanadi. Jahon bankining hisob kitoblariga ko'ra, hozirgi kunda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotga (YaIM) nisbati 15 %dan ortig'ini tashkil etadi va keying o'n yilda ushbu ko'rsatkich 2,5 baravar o'sishini taxmin qilmoqda⁴. Mamlakatimizda oxirgi olti yilda raqamlashtirishni rivojlantirishning asosiy ko'rsatkichlari, shu jumladan 2022-yil yakunlariga ko'ra AKT xizmatlari hajmi 25,5 foiz oshib, 22,9 trln so'mni tashkil etdi. Raqamli iqtisodiyotning O'zbekiston YAIMidagi ulushi 2020-yilga nisbatan 1,99 foizdan 2,77 foizga o'sdi⁵.

XXI asrni axborotlashtirish va kommunikatsiya ya'ni boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, axborot jamiyati va axborot asri deb bejizga e'tirof etilmagan. 2022-yil, noyabr oyida Indoneziyaning Bali orolida Katta yigirmatalik (G20) mamlakatlari ya'ni jahon yalpi ichki mahsulotining 85 foizidan ortig'ini, xalqaro savdoning 75 foizini, va dunyo aholisining 60 foizini tashkil etuvchi yetakchilarning sammiti o'tkazildi, hamda, sammitda 2021-yilda jahonning 47 ta yirik davlatlarining raqamli iqtisodiyoti 38,1 trillion dollarga yetgani va bu o'tgan yilga nisbatdan 15,6%ga ko'p ekanligidan dalolat berganligi⁶ - ta'kidlandi.


Jahonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi tahliliga nazar solsak, ushbu ko'rsatkichlar 2010-2021 yillar mobaynida keskin o'sish darajasini qayd etgan. Quyidagi G20 (Katta yigirmatalik) davlatlarda raqamli iqtisodiyotni o'sish darajasini tahlili 1-chizma keltirilgan.

³<https://www.techtarget.com/searchcio/definition/digital-economy#:~:text=Don%20Tapscott%20first%20coined%20the,the%20Age%20of%20Networked%20Intelligence>

⁴ <https://www.weforum.org/agenda/2022/08/digital-trust-how-to-unleash-the-trillion-dollar-opportunity-for-our-global-economy/>

⁵ <https://review.uz/en/journals/view/1-2023#dfliip-flipbookContainer/41/>

⁶ <https://www.prnewswire.com/in/news-releases/cgtn-digital-economy-becomes-new-growth-engine-for-china-and-other-g20-members-301677317.html#:~:text=Among%20them%2C%20the%20G20%20members,ranked%20first%20in%20the%20world>



1-rasm. Rivojlangan G20 (Katta yigirmatalik) davlatlarning raqamli iqtisodiyotning YaIMga ulushining o'sish darajasi tahlili⁷

1-rasmda keltirilgan G20 (Katta yigirmatalik) davlatlarning raqamli iqtisodiyotining YaIMga nisbati o'sish darajasini tahliliga ko'ra yuqori va o'rtadan yuqori daromad oluvchi davlatlarda raqamli iqtisodiyotni o'sish darajasi ijobiy tendensiyaga ega bo'lgan⁸. Ma'lumot tahliliga nazar solsak, 2010-2021 yillar mobaynida rivojlangan mamlakatlarning raqamli iqtisodiyotning YaIMga ulushi 1,9 foizga, rivojlanayotgan mamlakatlarning YaIMga ulushi esa 1,5 foizga oshganini ko'rsatmoqda. Shuningdek, 2021-yilda raqamlashtirish darajasi bo'yicha eng yuqori Janubiy Koreya (12%) reytingda yetakchilik qilmoqda, undan keyingi o'rinlarda Buyuk Britaniya (11%) va Xitoy (9,7%) qayd etgan. Boston Consulting Group tahlilchilarning hisob kitoblariga ko'ra, 2035 yilda borib, raqamli iqtisodiyot hisobidan 16 trillion dollarga yetishi taxmin qilinmoqda (И.Б.Боромазова, 2019). Raqamli iqtisodiyotning ortib borayotgani davlatlarning YaIMdagi ulushi har yili 20 foizga, yuqori daromadli davlatlarda esa o'rtacha 7 foizga oshib borayotganidan dalolat bermoqda.

Bilamizki, sifatning o'zgarishlari bilan iqtisodiyotda raqamli segment mavzusi dolzarb bo'lib qolmoqda, hamda yangi texnologiya va platformalarning yaratilishi tadbirkorlik subyektlari va davlat o'rtasida aloqalarni yanada qulayroq aloqa o'rnatishiga imkon yaratishmoqda. Natijada, iqtisodiyotning tarmoq xizmatlariga asoslangan raqamli va elektron ko'rinishlari shakllanmoqda.


So'ngi yillarda raqamli, raqamlashuv, raqamlashtirish va shunga mos tushunchalar turli tarmoq sohalarda, xususan raqamli iqtisodiyot, raqamli moliya, raqamli transport va boshqa sohalarga qo'llanilmoqda. Umuman olganda, "raqamli" odatda ma'lumotlarni ifodalash uchun birliklar va nollar tizimi bo'lgan ikkilik koddan foydalanadigan elektron

⁷ Muallif tomonidan Boston Consulting Group <https://journals.bsu.by/index.php/economy/article/download> ma'lumotlari asosida shakllantirildi

⁸ Jahon banki ma'lumotlari asosida <https://data.worldbank.org/country>

texnologiyaga ishora qiladi. Ushbu ma'lumotlarni kompyuterlar, smartfonlar va boshqa raqamli qurilmalar kabi elektron qurilmalar yordamida boshqarish, qayta ishlash, uzatish va saqlash mumkin. Raqamli iqtisodiyot esa mana shunday raqamli texnologiyalar yordamida amalga oshiriladigan iqtisodiy faoliyat tushuniladi. U elektron tijorat, raqamli media, dasturiy ta'minotni ishlab chiqish, telekommunikatsiya va moliyaviy texnologiyalarni o'z ichiga olgan keng tarmoq va tarmoqlarni o'z ichiga oladi. Iqtisodiyot ijtimoiy-tarixiy rivojlanishning har bir bosqichida tom ma'noda o'ziga xos raqamli makon bo'lib kelgan. Har qanday biznesning samaradorlik ko'rsatkichlari, shuningdek, iqtisodiy atamalar raqamlar bilan ifodalanadi. Raqamli iqtisodiyot internet yordamida elektron tijorat orqali tovarlar va xizmatlar savdosini amalga oshirish jarayonlar ifodasidir.

Jahonda kuzatilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy tizimning transformatsiyasi raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi va joriy etilishi bilan uzviy bog'liq bo'lmoqda. Bundan tashqari, raqamli iqtisodiyot vositasi yordami transport xizmatlari sifatini oshirish, sun'iy intellektni va raqamli texnologiyalar sanoatini rivojlantirish hisobidan esa sohada biznes jarayonlarining samaradorligini oshishiga va davlatning ijtimoiy-iqtisodiy muammolarini bartaraf etishiga erishilmoqda. Raqamli iqtisodiyot transport xizmatlari sifatini sezilarli darajada yaxshilagan bir qator vositalar va texnologiyalarni joriy etmoqda. Ushbu vositalar transport sohasida samaradorlik, qulaylik, xavfsizlik va umumiy foydalanuvchi tajribasini oshirish uchun raqamli innovatsiyalardan foydalanadi. Quydagi 2-rasmda raqamli iqtisodiyot vositalari aks etirilgan bo'lib, bunda zamonaviy jamiyat, biznes va iqtisodiy rivojlanishning turli jihatlarini shakllantirish va boshqarishda hal qiluvchi rol o'ynaydi.



2-rasm. Raqamli iqtisodiyot vositalari komponentlari⁹

Raqamli vositalarning ahamiyati bir nechta domenlarda tarqaladi va biz qanday aloqa qilishimiz, ishlashimiz, o'zaro aloqalarimiz va tranzaksiyalarni amalga oshirishimizga o'zgartiruvchi ta'sir ko'rsatadi. Raqamli iqtisodiyot vositalarining muhimligining bir necha asosiy sabablari yuqoridagi 2-rasmda aks etirilgan bo'lib, bunda inkluziv iqtisodiy o'sishi, kambag'allikni kamaytirish, yangi ish o'rinlarni yaratish va iqtisodiy-ijtimoiy

⁹ muallif tomonidan tuzilgan

samaradorlikni oshirish orqali raqamli hukumat, fuqaro va xususiy sektorlarni rivojlantirish asosida shakllanadi.


Elektron hukumat yoki raqamli boshqaruv deb yuritiladigan raqamli hukumat davlat organlari tomonidan xizmatlar ko'rsatish, fuqarolar bilan muloqot qilish va operatsiyalarni yanada samarali boshqarish uchun raqamli texnologiyalar va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan (AKT) foydalanishni anglatadi. Bu shaffoflik, qulaylik va sezgirlikni oshirish uchun hukumat jarayonlari, o'zaro aloqalari va xizmatlarini raqamlashtirishni o'z ichiga oladi. Raqamli hukumat keng ko'lamli tashabbuslarni o'z ichiga oladi, jumladan, davlat xizmatlari uchun onlayn portallar, raqamli ID tizimlari, elektron ovoz berish, ochiq ma'lumotlar platformalari va boshqalar. Raqamli hukumatning maqsadi fuqarolarning ishtirokini yaxshilash, ma'muriy jarayonlarni soddalashtirish va samarali boshqaruvni rag'batlantirishdan iborat.

Shuningdek, raqamli fuqarolarda kundalik hayotining bir qismi sifatida raqamli texnologiyalar, internet va onlayn platformalar bilan faol shug'ullanadigan shaxslar. Raqamli fuqaro bo'lish aloqa uchun raqamli vositalardan foydalanish, ma'lumotlarga kirish, onlayn hamjamiyatlarda ishtirok etish va raqamli tarkibga hissa qo'shishni o'z ichiga oladi. Raqamli fuqarolar raqamli sohadagi huquq va majburiyatlarini, jumladan, onlayn maxfiylik, xavfsizlik va axloqiy xulq-atvor bilan bog'liq masalalarni bilishadi. Ular raqamli madaniyatni shakllantirishda, raqamli huquqlarni himoya qilishda va raqamli hukumat tashabbuslari va onlayn fuqarolik faoliyati bilan shug'ullanish orqali raqamli demokratiyada ishtirok etishda rol o'ynaydi.

Raqamli xususiy sektor o'z faoliyatining turli jihatlarini uchun raqamli texnologiyalar va onlayn platformalardan foydalangan holda raqamli iqtisodiyot doirasida faoliyat yurituvchi biznes va korxonalarni nazarda tutadi. Bunga elektron tijorat kompaniyalari, texnologik startuplar, raqamli marketing agentliklari, dasturiy ta'minot ishlab chiqish firmalari va raqamli mahsulotlar yoki xizmatlarni taqdim etuvchi har qanday biznes kiradi. Raqamli xususiy sektor aloqa, marketing, mijozlarni jalb qilish, ma'lumotlarni tahlil qilish va boshqalar uchun raqamli vositalarga tayanishi bilan ajralib turadi. U tez-tez chaqqon va innovatsion tarzda ishlaydi, raqamli landshaftdagi texnologiya va iste'molchilarning afzalliklaridagi o'zgarishlarga tezda moslashadi.

Yuqorida keltirilgan uchta asosiy komponentlar bir-biri bilan uzviy bog'liq va zamonaviy jamiyatlarni shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Raqamli hukumat raqamli fuqarolarga raqamli huquqlarini himoya qilgan holda samarali va qulay davlat xizmatlarini taqdim etishga qaratilgan. Shu bilan birga, raqamli xususiy sektor raqamli boshqaruv doirasida raqamli fuqarolarning ehtiyojlari va afzalliklarini qondiradigan mahsulot va xizmatlarni taklif qilish orqali iqtisodiy o'sish va innovatsiyalarga hissa qo'shadi.

Raqamli iqtisodiyot vositalarining transport xizmatlariga bog'liqligi texnologiyaning transport sektoriga transformativ ta'siri tufayli tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Raqamli vositalar transport xizmatlariga kirish, boshqarish va optimallashtirish usullarini inqilob qildi. Quyidagi 3-rasmda transport xizmatlarida raqamli iqtisodiyot vositalarining ko'rinishlari aks etirilgan bo'lib, bunda transport xizmatlar yaxshilash va sifatini oshirishga qaratilgan.



3-rasm. Transport xizmatlarida raqamli iqtisodiyot vositalari kategoriyasi¹⁰

Transport xizmatlari sifatini raqamli iqtisodiyot vositalaridan foydalanib oshirish kategoriyasi tadqiq qilish natijasida quyidagi xulosalarga kelindi. Ushbu kategoriyalar har biri transport xizmatlari sifatini oshirishda raqamli iqtisodiyot vositalarining kuchidan foydalangan holda, transport xizmatlarini ko'rsatuvchi provayderlar yo'lovchilarning o'zgaruvchan ehtiyojlarini qondiradigan yanada samarali, foydalanuvchilarga qulay va barqaror transport ekotizimini yaratishi va shahar harakatlanishining umumiy rivojlanishiga hissa qo'shadi.

Mobil ilovalar: Mobil ilovalar foydalanuvchilarga real vaqt rejimida marshrutlar, jadvallar, transport sharoitlari va mavjud transport imkoniyatlari haqida ma'lumot beradi. Yo'lovchilar sayohatlarini rejalashtirishlari, bron qilishlari va yo'lda yangiliklar olishlari mumkin.

Onlayn bron qilish platformalari: Raqamli bronlash platformalari foydalanuvchilarga turli transport turlari, jumladan avtobuslar, avia va poyezdlarning reyslar va sayohatlar uchun o'z qurilmalari qulayligidan turib chiptalarni bron qilish va sotib olish imkonini beradi.

Ride-hailing va Ride-Sharing ilovalari: Bu ilovalar yo'lovchilarni haydovchilar bilan bog'lab, uyma-uy tashish xizmatlarini taqdim etadi. Yo'lovchilar o'zlarining sayohat joyini kuzatishlari, yetib kelish vaqtlarini hisoblashlari va naqd pulsiz to'lovlarni amalga oshirishlari mumkin.

Navigatsiya va GPS tizimlari: GPS-ni qo'llab-quvvatlaydigan qurilmalar va navigatsiya ilovalari real vaqtda yo'nalishlar, muqobil marshrutlar va transport yangilanishlari bilan foydalanuvchilarni o'z manzillariga yo'naltiradi.

Raqamli to'lov yechimlari: Kontaktsiz va mobil to'lov usullari, jumladan, raqamli hamyonlar va mobil banking ilovalari yo'lovchilarga naqd pul yoki jismoniy kartalarsiz yo'l haqini to'lash imkonini beradi.

IoT (buyumlar interneti) va telemekatika: Buyumlar interneti (IoT) qurilmalari va telematik tizimlari avtomobil joylashuvini kuzatish, yoqilg'i sarfini kuzatish, texnik xizmat

¹⁰ muallif tomonidan tuzilgan

ko'rsatish jadvallarini boshqarish va ishlash tahlili uchun ma'lumotlarni yig'ish uchun ishlatiladi.

Trafikni aqlli boshqarish: Raqamli trafikni boshqarish tizimlari transport oqimini optimallashtirish, tirbandlikni kamaytirish va transport signallarini muvofiqlashtirishni yaxshilash uchun sensorlar, kameralar va ma'lumotlar tahlilidan foydalanadi.

Ma'lumotlar tahlili: Katta ma'lumotlar tahlili transport organlari va xizmat ko'rsatuvchi provayderlarga rejalashtirish va qaror qabul qilishda ma'lumot berish uchun yo'lovchilarning xatti-harakatlari, talab shakllari va infratuzilmadan foydalanishni tahlil qilishda yordam beradi.

Raqamli belgilar va ma'lumot displeylari: Transport markazlaridagi interaktiv displeylar jo'nashlar, kelishlar, kechikishlar va boshqa yangilanishlar haqida real vaqtda ma'lumot beradi.

Kengaytirilgan reallik (AR) va virtual haqiqat (VR): Ushbu texnologiyalar sayohat paytida interaktiv va immersiv ma'lumotlar, xaritalar va o'yin-kulgilarni taqdim etish orqali yo'lovchilar tajribasini yaxshilashi mumkin.

Aqlli chiptalar: Kontaktsiz smart-kartalar, QR-kodga asoslangan chiptalar va mobil ilovalar chiptalarni sotish jarayonini soddalashtirib, yo'lovchilar uchun tezroq va qulayroq qiladi.

Bashoratli tahlillar: Bashoratli modellar talabni taxmin qilish, resurslar taqsimotini optimallashtirish va xizmat ishonchligini oshirish uchun tarixiy va real vaqt ma'lumotlaridan foydalanadi.

Raqamli aloqa platformalari: Transport xizmatlarini yetkazib beruvchilar, mijozlar bilan muloqot qilish, yangilanishlarni taqdim etish va so'rovlarni yuborish uchun ijtimoiy media, chatbotlar va xabar almashish ilovalari kabi raqamli platformalardan foydalanadilar.

Ko'rsatkichlar nomi	Jami		Aktivlar miqdori bo'yicha guruhlashtirilgan tijorat banklari taqsimoti							
			3 trln. so'mgacha		3 trln. so'mdan 10 trln. so'mgacha		10 trln. so'mdan 30 trln. so'mgacha		30 trln. so'm va undan yuqori	
	bank lar soni	sum ma	bank lar soni	sum ma	bank lar soni	sum ma	bank lar soni	sum ma	bank lar soni	sum ma
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Aktivlar										
Aktivlar	31	556,7 5	10	9161	7	42,40	8	140,4 5	6	364,2 9
Kreditlar, jami	31	390,0 5	10	5,22	7	20,19	8	92,24	6	272,4 0
Jismoniy shaxslarga ajratilgan kreditlar	31	100,9 5	10	1,91	7	8,65	8	36,17	6	54,22
Yuridik shaxslarga ajratilgan kreditlar	31	289,1 0	10	3,32	7	11,53	8	56,07	6	218,1 8
Qisqa muddatli kreditlar	31	51,14	10	1,36	7	3,08	8	8,85	6	37,85
Uzoq muddatli kreditlar	31	338,9 1	10	3,86	7	17,11	8	83,40	6	234,5 5
Milliy valyutadagi kreditlar	31	204,9 3	10	4,11	7	13,62	8	61,26	6	125,9 5
Chet el valyutasidagi kreditlar	31	185,1 2	10	1,12	7	6,57	8	30,98	6	146,4 5

Shuningdek, milliy amaliyotda yashil biznes loyihalarini moliyalashtirishga yo'naltirilgan yashil kreditlar hajmi o'sib borayotganligiga guvoh bo'lish mumkin. Quyidagi


² O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Statistik byulleteni, Toshkent, 2022. <https://cbu.uz/uz/statistics/buleten/858706/>

rasmda “O‘zsanoatqurilishbank” ATB misolida yashil kreditlarning biznes loyihalarini moliyalashtirishdagi o‘rnini tahlil qilamiz (1-rasm).



1-rasm. “O‘zsanoatqurilishbank” ATBda yashil loyihalar bo‘yicha erishilgan natijalar (2022-yil yakunlari bo‘yicha)³

1-rasmda 2022-yil yakunlari bo‘yicha “O‘zsanoatqurilishbank” ATBda yashil loyihalar bo‘yicha erishilgan natijalar aks ettirilgan bo‘lib, jami 222 ta yashil loyihalar moliyalashtirilgan hamda mazkur loyihalarga 217,2 mln. AQSh dollari miqdorida kapital yo‘naltirilgan.




2-rasm. “O‘zsanoatqurilishbank” ATBda yashil kredit portfelining ko‘rsatkichlari va prognozi⁴

2-rasmda “O‘zsanoatqurilishbank” ATBda yashil kredit portfelining ko‘rsatkichlari va prognozi keltirilgan. 2020-yilda mazkur ko‘rsatkich 47 mln. AQSh dollari bo‘lgan bo‘lsa, 2022-yilda jami 400 mln. AQSh dollarini tashkil etgan. 2023-yilda yashil kredit portfeli 650 mln. AQSh dollariga yetishi prognoz qilingan.

³ https://www.sqb.uz/upload/reports/Uzb_compressed.pdf - “O‘zsanoatqurilishbank” ATB rasmiy sayti ma’lumotlari.

⁴ https://nbu.uz/uz/news/forum-muhim-hamkorlik-sosi/?sphrase_id=147530 - “O‘zmilliybank” AJ rasmiy sayti ma’lumotlari.



3-rasm. “O‘zsanoatqurilishbank” ATBda yashil portfel bank kreditlari orqali moliyalashtirilgan asosiy tarmoqlar, 2022 (foizda)⁵

“O‘zsanoatqurilishbank” ATBda yashil portfel bank kreditlari orqali moliyalashtirilgan asosiy tarmoqlarga e‘tibor qaratsak, eng katta ulush sanoat (46,2 foiz)dagi biznes loyihalariga tegishli ekanligini kuzatish mumkin (3-rasm).

Yirik biznes loyihalarni moliyalashtirishda sindikatlashgan kreditlash amaliyotidan foydalanish ko‘p tomonlama foydali ekanligi xalqaro amaliyotda o‘z isbotini topib ulgurdi.

Shu boisdan milliy amaliyotda biznes loyihalarini moliyalashtirishda sindikatlashgan kreditlar amaliyotini kengaytirish hamda uning imkoniyatlaridan foydalanish muhim. “2021-yilda “Qishloqqurilishbank” ATB va Credit Suisse AG (Shveysariya) o‘rtasida 125 million AQSh dollari miqdoridagi sindikatlashtirilgan kreditni tashkil etish mandati, “Qishloq qurilish bank” ATB va “Mashreqbank” (BAA) o‘rtasida 75 million AQSh dollari miqdorida Yaqin Sharq banklari o‘rtasida sindikatlangan kreditni tashkil etish doirasidagi hamkorlik memorandumini imzolangan”⁶. Mazkur kelishuvlar asosida yuqorida ta’kidlangan tijorat banklari tomonidan sindikatlashgan kreditlar amaliyotini samarali tashkil etish hamda mamlakatimizdagi loyihalarni moliyaviy resurslar bilan ta’minlash imkoniyatlari yaratilgan.

“O‘zmilliybank” AJ tomonidan Credit Suisse AG bilan hamkorlikni samarali shakllantirish, turli loyihalarni moliyalashtirishda institutsional investorlardan sindikatlashgan kreditlash amaliyoti orqali kapital jalb qilingan. “Mazkur bank tomonidan umumiy korporativ maqsadlar uchun 2022-yilgacha Credit Suisse AGdan 100 million yevro va Deutsche Bank AGdan 100 million dollar miqdoridagi sindikatlashgan kreditlar jalb qilingan. Shuningdek, 2022-yil avgustda “O‘zmilliybank” AJ tomonidan Shveysariyaning yetakchi Credit Suisse AG banki bilan hamkorlikda institutsional investorlar uchun tashkil etilgan roud shou muvaffaqiyatli o‘tkazilgan. “O‘zmilliybank” AJ Credit Suisse AG moliyaviy agent va asosiy kreditor sifatida Credit Suisse AG, AKA Bank va KfW xorijiy banklar konsorsiumidan 100 million yevro miqdorida sindikatlashtirilgan kredit liniyasini jalb qilishi to‘g‘risidagi kelishuvini imzolagan. Kredit liniyasi 5 yilgacha bo‘lgan muddatga, davlat kafolatisiz, mamlakat tarkibisiz, jozibador moliyalashtirish shartlarida 100 million yevro miqdorida jalb qilinishi belgilangan. Mazkur kredit liniyasi hisobidan faoliyati yuqori qo‘shimcha qiymatli mahsulotlarni ishlab chiqarish va amaldagi korxonalarning ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirishga qaratilgan to‘qimachilik, oziq-ovqat, kimyo va

⁵ https://www.sqb.uz/upload/reports/Uzb_compressed.pdf - “O‘zsanoatqurilishbank” ATB rasmiy sayti ma’lumotlari.

⁶ https://nbu.uz/uz/news/forum-muhim-hamkorlik-sosi/?sphrase_id=147530 - “O‘zmilliybank” AJ rasmiy sayti ma’lumotlari.

farmatsevtika sanoati, transport va qishloq xo'jaligi sohasidagi investitsiya loyihalari moliyalashtirilishi qayd etilgan"⁷ [13]. Yuqorida qayd etilgan shartnomalarning muvaffaqiyatli yakunlanishi biznes loyihalarini bank kreditlari hamda sindikatlashgan kreditlar orqali moliyalashtirishning amaliy ahamiyatini oshiradi.

5. Xulosa.

Biznes loyihalarini bank kreditlari va sindikatlashgan kreditlar orqali moliyalashtirish amaliyotini tahlil qilish asosida quyidagi xulosalar shakllantirilgan:

1. Biznes loyihalarini moliyalashtirishda asosiy moliyalashtiruvchi tuzilma sifatida banklar hamda bank guruhlarini namoyon bo'ladi. Shu boisdan tijorat banklari faoliyatini kengaytirishda yangi kredit turlarini joriy etish lozim.

2. Biznes loyihalarini bank kreditlari orqali moliyalashtirishda yashil kreditlash amaliyotiga ustuvorlik berish mamlakatda yangi moliyalashtirish shaklini kengaytirishga hamda yashil iqtisodiyotni rivojlantirishga xizmat qiladi. Mazkur jarayonda iqtisodiy samaradorligi yuqori bo'lgan biznes loyihalariga e'tibor qaratish yashil kreditlash amaliyotining samaradorligini belgilab beradi.

3. Yirik biznes loyihalari uchun zarur bo'ladigan katta hajmdagi kapitalni shakllantirish, yirik biznes loyihalaridagi katta riskni diversifikatsiya qilish hamda banklarda yuqori daromadli faoliyat turini shakllantirish maqsadida tijorat banklarida sindikatlashgan kreditlash amaliyotini samarali shakllantirish zarur.

4. Sindikatlashgan kreditlar orqali yirik biznes loyihalarini moliyalashtirish iqtisodiyotda eksport hajmini oshiruvchi hamda xalqaro bozorlarda ishtirok etuvchi kompaniyalar yuzaga kelishida muhim rol o'ynaydi.

Adabiyotlar:

Abdullayeva Sh. (2003). Bank ishi. // Darslik. Toshkent: – 262-b.

Di Gong, Jiajun Xu, Jianye Yan. (2023) National development banks and loan contract terms: Evidence from syndicated loans. // Journal of International Money and Finance, Volume 130, February. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0261560622001668>

Hami Amiraslani, John Donovan, Matthew A. Phillips, Regina Wittenberg-Moerman (2023). Contracting in the Dark: The rise of public-side lenders in the syndicated loan market. // Journal of Accounting and Economics, Volume 76, Issue 1, August. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0165410123000101>

Ioannis Tampakoudis, Athanasios Noulas, Nikolaos Kiosses. (2022) The market reaction to syndicated loan announcements before and during the COVID-19 pandemic and the role of corporate governance. // Research in International Business and Finance, Volume 60, April. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0275531921002233>

Janko Hernández Cortés, Josep A Tribó, María de las Mercedes Adamuz (2020) Are syndicated loans truly less expensive? // Journal of Banking & Finance, Volume 120, November. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0378426620302041>

Masayasu Kanno (2022) Exploring risks in syndicated loan networks: Evidence from real estate investment trusts. // Economic Modelling, Volume 115, October. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0264999322001997>

Omonov A., Qoraliyev T. (2012). Pul, kredit va banklar. // Darslik.: Toshkent,. -306-b.

Rashidov O., Alimov I., Toymuhamedov I., Tojiyev R. (2011). Pul, kredit va banklar. // Darslik.: Toshkent,. – 306-b.

⁷ <https://nbu.uz/uz/news/o-zmilliybank-aj-xorijiy-banklar-konsorsiumidan-100-million-yevro-miqdorida-sindikatlashgan-kredit-j/-> "O'zmilliybank" AJ rasmiy sayti ma'lumotlari.



DAVLAT MOLİYAVIY NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI

PhD, Temirov M.X.

Toshkent Kimyo xalqaro universiteti

Annotatsiya. Samarali davlat moliyaviy nazorati faoliyati moliya sohasida kamchilik va huquqbuzarliklarni aniqlash bilan bir qatorda davlat boshqaruvi organlarining moddiy boyliklarni shakllantirish va boshqarish samaradorligini o'rganish, mamlakat aholisining hayot sifatini yanada yaxshilash uchun zaxiralarni aniqlash kabi qator jiddiy vazifalarini hal etishni nazarda tutadi. Ushbu maqolada davlat moliyaviy nazoratini tashkil etishga bag'ishlangan bo'lib, unda moliyaviy nazoratni yanada takomillashtirishning ahamiyati hamda asosiy yo'nalishlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: davlat moliyaviy nazorati, takomillashtirish, moliyaviy nazoratning turlari va usullari, ichki va tashqi moliyaviy nazorat.

Аннотация. Деятельность эффективного государственного финансового контроля предполагает выявление недостатков и нарушений в финансовой сфере, а также решение ряда серьезных задач органов государственного управления, таких как изучение эффективности формирования и управления материальными ценностями, определение резервов дальнейшего повышения качества жизни населения страны. Данная статья посвящена организации государственного финансового контроля, выделены важность и основные направления дальнейшего совершенствования финансового контроля.

Ключевые слова: государственный финансовый контроль, совершенствование, виды и методы финансового контроля, внутренний и внешний финансовый контроль.

Annotation. The activity of effective state financial control involves identifying shortcomings and violations in the financial sector, as well as solving a number of serious tasks of government bodies, such as studying the effectiveness of the formation and management of material assets, identifying reserves for further improving the quality of life of the country's population. This article is devoted to the organization of state financial control, the importance and main directions for further improvement of financial control are highlighted.

Key words: state financial control, improvement, types and methods of financial control, internal and external financial control.

1. Kirish.

Mamlakat taraqqiyotining hozirgi bosqichida zamonaviy davlat qurishga intilish tobora kuchayib bormoqda va bu davlat boshqaruvi faoliyatining asosiy qonuniyatlarini qayta ko'rib chiqishni taqozo etmoqda. Davlat moliyasi mexanizmini ilg'or jahon tajribasi

va mahalliy moliya tizimi faoliyatining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda qayta qurish islohotning asosiy vazifalaridan biridir. Davlat boshqaruvi jarayonida qabul qilingan qarorlarning u yoki bu tarzda amalga oshirilishi moliyaviy oqimlarni zaruratini belgilaydi. Chunki zamonaviy davlat siyosatini amalga oshirish fuqarolik jamiyati uchun muhim bo'lgan ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy va boshqa dasturlarni amalga oshirish uchun davlat mablag'larini ajratishni nazarda tutadi. Bu esa, o'z navbatida, mazkur chora-tadbirlarning amalga oshirilishiga erishish davlat tomonidan moliyalashtirishning to'liqligiga bog'liqligini bildiradi va bu davlat byudjetiga mablag'lar tushumi bilan ta'minlanadi (Alekseev, 2015). Moliyaviy nazorat instituti nafaqat ajratilgan mablag'larning maqsadli sarflanishini, balki ushbu mablag'lar manbai bo'lgan davlat byudjetini to'ldirishni ham ta'minlashga qaratilgandir.

2. Adabiyotlar sharhi.

Davlat moliyaviy nazorati butun dunyoda chuqur tarixiy ildizlarga ega bo'lgan hodisadir. Dunyodagi hech bir davlat boshqaruv tutqichlari, ya'ni ijtimoiy barqarorlikni saqlash uchun zarur bo'lgan bozor munosabatlariga maqsadli ta'sir ko'rsatish vositalaridan voz kechgani yo'q (Dishekova, 2016). Davlat moliyaviy nazorati davlatning moliyaviy siyosatini yuritish uchun amalga oshiriladi, uning maqsadi mamlakat moliya tizimida samarali va barqaror vaziyatni shakllantirish uchun huquqiy shart-sharoitlarni ta'minlashdan iborat.

Zavyalovning (2013) ta'kidlashicha, davlat moliyaviy nazorati tizimi davlat moliyasining ajralmas qismi bo'lib, uni isloh qilish samarali boshqaruv tizimini barpo etishning ustuvor yo'nalishlaridan biridir. Albatta, har bir zamonaviy davlat nafaqat o'z byudjetiga soliq va soliqlardan tashqari tushumlarni maksimal darajada tushirish, balki mablag'larning sarflanishi ustidan sifatli va o'z vaqtida nazoratni amalga oshirishdan ham manfaatdordir (Yeltsin, 2016). Shu bilan birga, Kolesov va Yurchenkoning (2013) fikricha, davlat mablag'larini shakllantirish, taqsimlash va ulardan foydalanish sohasidagi qonuniylik va intizomning yuqori darajasi huquqiy davlat mezonlaridan biridir.

Kosarevning (2011) fikricha moliyaviy nazorat davlat boshqaruvining alohida funksiyasi bo'lib, uning maqsadi moliyaviy resurslarni boshqarishda qonuniylik va samaradorlikning qabul qilingan me'yorlaridan chetga chiqishlarni aniqlash va bunday og'ishlar mavjud bo'lganda tegishli tuzatish va oldini olish choralari o'z vaqtida ko'rishdan iborat.

Brovkinaning (2010) ta'kidlashicha, "moliyaviy nazorat organlarining vazifasi, birinchi navbatda, davlat qonunlari va prezident farmonlari ijrosining qonuniyligi, to'g'ri va maqsadga muvofiqligini, davlat tomonidan ajratilgan byudjet mablag'larining yo'nalishini, hukumat va uning organlari faoliyati samaradorligini, barcha darajadagi davlat mablag'larining samarali va tejankor sarflanishini tekshirishdan iborat bo'lishi kerak".

Vahobov va Malikovlar (2008) "barcha xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning turli darajadagi qonun chiqaruvchi va ijro etuvchi hokimiyat organlari, shuningdek, maxsus tashkil etilgan institutlar tomonidan amalga oshiriladigan moliyaviy faoliyatini nazorat qilish moliyaviy nazorat deb ataladi. Bu nazorat, eng avvalo, moliya-xo'jalik qonunchiligiga rioya etilishini o'z ichiga oladi. Boshqacha aytganda, nazorat muayyan moliyaviy harakatning sodir bo'lishini baholashni o'z ichiga olganligi bilan cheklanmaydi, balki o'ziga xos tahliliy yo'nalishga ega" degan fikrni ilgari surishadi.

Shuningdek, R.Adams (1995), A.Arens (2000), A.Visser (2015), R.Konyng (2007) va J.Mozer (2015) kabi bir qator xorijlik olimlarning fundamental ishlari davlat moliyaviy nazoratini tashkil etish, uning faoliyati nazariyasi va amaliyotini ochib berishga bag'ishlanganligiga qaramasdan, zamonaviy sharoitda davlat moliyaviy nazoratini takomillashtirish yo'llari yetarlicha ilmiy asosga ega emasligini ko'rishimiz mumkin. Shu boisdan ham, ushbu masala yanada nazariy tushunish va o'rganishni talab qilmoqda.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Ushbu maqolada davlat moliyaviy nazoratning turlari, usullari, elementlari hamda ularning xususiyatlari ko'rib chiqilgan bo'lib, tahlilning analiz, sintez va ilmiy abstraksiya usullari qo'llanilgan holda ilmiy natijalar ishlab chiqildi. Ishning uslubiy asosi sifatida davlat moliyaviy nazorati sohasida tadqiqot olib borgan olimlarning ishlaridan foydalanilgan.

4. Tahlil va natijalar.

Bozor iqtisodiyotiga o'tish jarayonida moliyaviy nazoratning maqsad va vazifalari, turlari va shakllari tubdan o'zgardi. Endilikda ushbu faoliyatning maqsadi nafaqat nazorat qilinadigan ob'yektlar faoliyatidagi kamchiliklarni aniqlash va mansabdor shaxslarni jazolash, balki ushbu kamchiliklarning oldini olish va bartaraf etish, shuningdek, davlat zimmasiga yuklatilgan vazifalarni bajarish uchun zarur bo'lgan mablag'larni byudjetda to'liq shakllantirish hamda ularni maqsadli va samarali sarflanishini ta'minlash bo'yicha maslahat va ko'rsatmalar berishda iborat.

Umumiy nazorat tizimida boshqaruv tizimining asosiy elementi bo'lgan davlat moliyaviy nazoratining muhim o'rni va ahamiyati shundan iboratki, birinchidan, moliyaning o'zi iqtisodiy kategoriya sifatida nazorat funktsiyasini ob'yektiv bajaradi; ikkinchidan, bozor iqtisodiyoti sharoitida moliyaviy munosabatlarning roli ortib bormoqda (Kunduzova, 2023).

Moliyaviy nazoratni amalga oshirish davomida muvaffaqiyat va yuqori samaraga erishish avvalambor, moliyaviy nazoratni tashkil etilish darajasi, nazoratning turlari, shakllari va uni o'tkazishning usullariga bog'liq.

Moliyaviy nazoratni amalga oshiruvchi sub'ektlarga ko'ra uni quyidagi turlarga ajratishimiz mumkin (1 jadval):

1-jadval

Moliyaviy nazorat turlari

Moliyaviy nazorat turi	Xususiyati
Umumdavlat moliyaviy nazorati	Davlat hokimiyat organlari tomonidan amalga oshirilib uning bosh maqsadi daromadlarning tushib turishi va davlat xarajatlarining sarflanishi bo'yicha davlat va jamiyatning manfaatlarini ta'minlashdan iborat.
Idoraviy moliyaviy nazorat	Vazirliklarning nazorat-taftish boshqarmalari va boshqa tarkibiy tuzilmalari tomonidan amalga oshirilib, shu idoraga bo'ysunuvchi korxona, tashkilot va muassasalarning faoliyatini qamrab oladi.
Xo'jalik ichidagi moliyaviy nazorat	Korxona va tashkilotlarning iqtisodiy va moliyaviy xizmatlari tomonidan o'tkaziladi. Bu yerda korxona, tashkilot va muassasalarning xo'jalik va moliyaviy faoliyati moliyaviy nazoratning ob'ekti sifatida ko'riladi.
Jamoatchilik moliyaviy nazorati	Nodavlat tashkilotlari tomonidan amalga oshiriladi. Nazoratning ob'ekti uning oldiga qo'yilgan vazifalarga muvofiq ravishda aniqlanadi.
Mustaqil moliyaviy nazorat	Auditorlik firmalari va boshqa xizmatlar tomonidan o'tkaziladi.

Shuningdek, moliyaviy nazoratning shakllarini quyidagi mezonlar bo'yicha klassifikatsiya qilish qabul qilingan:

- amalga oshirish reglamenti;
- o'tkazilish vaqti;
- nazoratning sub'ektlari;

- nazoratning ob'ektlari.

Har qanday nazorat uchun ishlab chiqilgan chora-tadbirlar yo'naltiriladigan asosiy vazifalarni to'g'ri aniqlash juda muhimdir. Shuning uchun davlat moliyaviy nazoratining vazifalariga oydinlik kiritishni maqsadga muvofiq deb xisoblaymiz. Davlat moliyaviy nazoratining vazifalari muayyan yurisdiksiyaga va nazorat qiluvchi sub'ektga yuklangan mas'uliyat doirasiga qarab farq qilishi mumkin. Shunga qaramasdan, davlat moliyaviy nazorati organlari tomonidan amalga oshiriladigan ba'zi umumiy vazifalar quyidagilardan iborat, jumladan: moliyaviy audit; muvofiqlik monitoringi; ichki nazoratni baholash; risklarni baholash; moliyaviy hisobot; firibgarlikni aniqlash; potensialni oshirish va o'qitish; samaradorlikni baholash; jamoatchilik bilan muloqot va oshkoralik; hamkorlik va muvofiqlashtirish.

Ushbu vazifalar birgalikda davlat mablag'larining mas'uliyatli va samarali boshqarilishini ta'minlash, moliyaviy huquqbuzarliklarning oldini olish, shaffoflik va hisobdorlikni ta'minlash, davlat moliyaviy boshqaruviga aholi ishonchini saqlashga qaratilgan.

Amalga oshirilish reglamenti hamda boshqaruv funktsiyalariga mansublik nuqtai nazaridan moliyaviy nazoratni tashqi (majburiy) va ichki (tashabbuskorli) shakllari mavjud bo'lib, ular moliyaviy resurslarni mas'uliyatli boshqarishni ta'minlashning ikkita bir-birini to'ldiruvchi yondashuvidir deb aytishimiz mumkin. Shunindek, ushbu elementlarda yuqorida qayd etilgan vazifalarni ro'yobga chiqishini ko'rishimiz mumkin.


Tashqi moliyaviy nazorat tashkilotning moliyaviy faoliyatini qonun asosida tashqi sub'ektlar tomonidan mustaqil nazorat qilish va tekshirishni o'z ichiga oladi. Ushbu sub'ektlar davlat organlari, nazorat qiluvchi organlar, auditorlar yoki boshqa tashqi manfaatdor tomonlarni o'z ichiga olishi mumkin.

Ichki moliyaviy nazorat - bu tashkilotda moliyaviy faoliyatini boshqarish va nazorat qilish uchun amalga oshiriladigan tizimlar, jarayonlar va protseduralardir. Shuningdek u, tashkilotning taktik va strategik maqsadlariga erishishda moliyaviy boshqaruvning ajralmas qismi hisoblanadi.

Ularning xar biri o'z ichiga bir necha asosiy elementlarni oladi. Quyidagi jadvalda tashqi va ichki moliyaviy nazoratning asosiy elementlarini ko'rishimiz mumkin (1 rasm). Shuni alohida qayd etish lozimki, samarali moliyaviy boshqaruv uchun ham ichki, ham tashqi moliyaviy nazorat muhim ahamiyatga ega. Ichki nazorat tashkilotda o'z moliyasini boshqarish uchun mustahkam tizim va jarayonlar mavjudligini ta'minlaydi, tashqi nazorat esa muvofiqlik, shaffoflik va hisobdorlikni ta'minlash uchun mustaqil nazorat va tekshirishni ta'minlaydi.

Nazoratning asosiy tamoyillari to'g'risidagi Lima deklaratsiyasining 3-moddasiga muvofiq, ichki nazorat xizmatlari alohida bo'limlar va tashkilotlar tarkibida tashkil etiladi, tashqi audit xizmatlari esa tekshirilayotgan tashkilotlarning tashkiliy tuzilmasiga kirmaydi. Oliy nazorat organi tashqi audit organi hisoblanadi¹. Ichki moliyaviy nazorat ob'ektlari faqat davlatning moliyaviy resurslari va mulki, ularning shakllanishi va sarflanishi hisoblanadi. Tashqi moliyaviy nazorat ob'ekti faqat davlat moliyasi sohasi bilan cheklanmaydi va normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari va byudjet ijrosi natijalarini ekspertizadan o'tkazishni ham o'z ichiga oladi.

¹ Nazoratning asosiy tamoyillari Lima deklaratsiyasi. Xorijiy mamlakatlarda davlat moliyaviy nazoratini huquqiy tartibga solish. M.: Прометей. 1998.



1-rasm. Tashqi va ichki moliyaviy nazoratning asosiy elementlari

Davlat faoliyatining boshqa turlari singari moliyaviy nazorat ham o'zaro bog'liq bo'lgan tegishli huquqiy va tashkiliy shakllarda amalga oshiriladi. Ushbu shakllarning har birining samaradorligi moliyaviy nazorat sohasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi qonunchilikning holatiga bog'liq.

Davlat moliyaviy nazoratining ikki tomonlama xususiyatidan kelib chiqib, standartlarda o'z aksini topishi kerak bo'lgan yagona tamoyillar, ularni amalga oshirish qoidalari va tartiblari asosida nazorat va audit va ekspert-tahlil faoliyatining nazorat vakolatlari va funksiyalarini ajratishga asoslangan yagona davlat moliyaviy nazorati tizimi doirasida tashqi va ichki nazoratni ajratish zarur. Shu asosda tashqi va ichki nazorat organlarining quyi tizimlarini shakllantirish amalga oshirilishi kerak (Sazonov, 2010).

Rivojlangan mamlakatlarning ijobiy tajribasi mamlakatda ichki va tashqi nazoratni birlashtiradigan, yaqin gorizont va vertikal aloqalarga ega, yagona uslubiy bazaga ega bo'lgan davlat moliyaviy nazorat tizimini yaratish zarurligini ko'rsatadi. Mamlakatda davlat

moliyaviy nazoratining yagona tizimi hokimiyat ierarxiasining barcha darajalarida tizimning barcha elementlari uchun umumiy talablar va tartiblarni hisobga olgan holda ishlashi kerak deb taxmin qilinadi. Chunki, amaliyotda baʼzan moliyaviy nazorat funksiyalari yuklangan organlar tizimi nomuvofiq ishlashi, auditorlar nazorat tekshiruvlarini oʻtkazishda koʻpincha bir-birini takrorlashlari guvohi boʻlishimiz mumkin. Bularning barchasi nazorat faoliyatini amalga oshirish muddatlarini, auditorlik ishining asosiy tamoyillari va qoidalarini buzish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi.

Davlat moliyaviy nazoratini tashkil etishning eng muhim tamoyili, uning amalga oshirilishi nazorat organlari faoliyatida takrorlash va parallelizmga yoʻl qoʻymaslik imkonini beradi, bu davlat moliyaviy nazorati organlarining vakolatlarini hokimiyatlar boʻlinishining konstitutsiyaviy prinsipiga muvofiq chegaralash tamoyilidir.

Amalga oshirish vaqti boʻyicha moliyaviy nazorat tashkilotning oʻziga xos ehtiyojlari va sharoitlariga qarab turli shakllarda boʻlishi mumkin. Turli bosqichlarda amalga oshirilishi mumkin boʻlgan moliyaviy nazoratning baʼzi umumiy shakllari quyidagilar:

- dastlabki nazorat - moliyaviy operatsiyalar bajarilguniga qadar gʻaznachilik boʻlinmalari moliya organlari va Oʻzbekiston Respublikasi Hisob palatasi tomonidan amalga oshiriladigan;

- joriy nazorat - moliyaviy operatsiyalar bajarilishi jarayonida gʻaznachilik boʻlinmalari, moliya organlari va davlat soliq xizmati organlari tomonidan amalga oshiriladigan;

- yakuniy nazorat - moliyaviy operatsiyalar bajarilganidan soʻng amalga oshiriladigan nazorat.

Yakuniy nazorat dastlabki nazorat bilan chambarchas bogʻliq boʻlib, uning xulosalariga asoslanadi. Biroq, joriy va yakuniy moliyaviy nazoratning ahamiyati va maʼlumotlilikiga qaramay, ekspertlar asosiy eʼtiborni dastlabki nazoratga qaratishni tavsiya qiladilar, chunki nazoratning funksiyasi huquqbuzarliklarning oldini olish va ogohlantirishdir va bunga dastlabki nazorat davlat topshirigʻini tuzish bosqichida imkon yaratadi (Logvinova, 2018).


Shuni taʼkidlash kerakki, moliyaviy nazorat muntazam koʻrib chiqish, baholash va tuzatishni talab qiladigan doimiy jarayondir. Amalga oshiriladigan moliyaviy nazoratning oʻziga xos shakllari tashkilotning hajmi, sohasi, tartibga solish talablari va ichki siyosatiga qarab farq qilishi mumkin.

Davlat moliyaviy nazoratining shakllari “davlat moliyaviy nazorati usullari” tushunchasida birlashtirilgan nazorat choralarini amalga oshirishning muayyan usullari, yoʻllaridan foydalanishni nazarda tutadi. Davlat moliyaviy nazorati usullaridan foydalangan holda, tekshirilayotgan obʼektning moliyaviy-xoʻjalik faoliyatining haqiqiy holati oʻrganiladi, maqsadli funksiyadan chetga chiqish sabablari aniqlanadi va xoʻjalik yurituvchi subʼekt faoliyati samaradorligini oshirishga qaratilgan tuzatishlar shakllantiriladi.

Moliyaviy nazorat usullari - bu buxgalteriya hujjatlarini oʻrganish va nazorat-taftish organlari va xizmatlari xodimlari tomonidan dalillarni aniqlash uchun foydalaniladigan haqiqiy maʼlumotlarni olish usullaridir. Moliyaviy nazoratning turli usullari oʻrtasida aniq chegaralar mavjud emas, ularning koʻpchiligi oʻzaro bogʻliq va boshqa usullarning elementlarini oʻz ichiga oladi. Koʻp hollarda ishonchli faktlarni aniqlash uchun bir qator usullarni birgalikda qoʻllash lozim boʻladi.

Oʻzbekiston Respublikasi byudjet kodeksining 173-moddasiga² muvofiq davlat moliyaviy nazorati usullari quyidagi turlarga boʻlinadi (2 rasm):

² Oʻzbekiston Respublikasi Byudjet Kodeksi



2-rasm. Davlat moliyaviy nazoratining usullari

Davlat moliyaviy nazoratining ushbu usullari davlat sektorida samarali moliyaviy boshqaruv, shaffoflik va hisobdorlikni ta'minlashga xizmat qiladi. Ular zaif tomonlarni aniqlashga, xavflarni kamaytirishga va davlat tuzilmalarining umumiy moliyaviy boshqaruvini yaxshilashga yordam beradi.

Davlat moliyaviy nazorati turli sohalarida amalga oshirilganligi sababli bir necha turlarga ajratiladi. Ularning ichida byudjet nazorati muhim ahamiyatga ega.

Xutova va Elbiyevalarning (2020) fikriga ko'ra byudjet nazorati moliyaviy nazoratning bir turi bo'lib, ular o'zaro bog'liqdir. Shunday qilib, byudjet nazorati moliyaviy nazorat kabi asosiy xususiyatlarga ega. Gladkovaning (2016) ta'kidlashicha, byudjet nazorati - bu davlat moliyaviy nazoratining bir turi bo'lib, u moliyaviy nazorat sub'ektlari (maxsus vakolatli organlar) tomonidan pul mablag'lari fondining shakllanishi va maqbul sarflanishi ustidan amalga oshiriladi. Albatta, har bir zamonaviy davlat nafaqat o'z byudjetiga soliq va soliqdan tashqari tushumlarni maksimal darajada olish, balki mablag'larning sarflanishi ustidan sifatli, o'z vaqtida nazoratni amalga oshirishdan ham manfaatdordir (Sidakova va Magomedova, 2020).

Byudjet nazoratining maqsadi barcha darajadagi byudjetlarga daromadlarni to'liq ta'minlash, byudjet mablag'laridan maqsadli va samarali foydalanishni tashkillashtirishdan iborat.

Davlat moliyaviy nazoratini amalga oshirish amaliyoti shuni ko'rsatadiki, byudjet mablag'laridan foydalanish samaradorligini baholash mexanizmi uchta asosiy o'zaro bog'liq va bir-birini to'ldiruvchi funksiyani amalga oshiradi - tekshirish, monitoring va baholash. Shuni alohida qayd etish kerakki, ushbu funksiyalarni amalga oshirish imkoni faqatgina tegishli resurslar (uslubiy, huquqiy, metodik, tashkiliy-texnologik, kadrlar) mavjud bo'lgandagina paydo bo'ladi.

"Davlatning moliyaviy xavfsizligini ta'minlash sharoitida davlat moliyaviy nazoratini takomillashtirish" nomli ilmiy maqola mualliflari (Meiss va boshqalar, 2017) bir qator olimlarning ishlarini tahlil qilish asosida davlat moliyaviy nazoratiga ta'sir qiluvchi omillarni ajratib ko'rsatishdi. Mualliflar nazorat qiluvchi organlarning pozitsiyasini hisobga olgan holda, bunday omillarning barchasini tashqi va ichki omillarga bo'lish maqsadga muvofiq ekanligini qayd etishdi. Davlat moliyaviy nazoratining samaradorligi darajasi davlat moliyaviy nazorati organlarining ishlashi uchun shart-sharoitlarning yetarli

darajada ta'minlanishiga bog'liq. Olimlarning fikricha, quyidagi omillarni tashqi omillar sifatida belgilash maqsadga muvofiqdir: huquqiy, uslubiy, muvofiqlashtiruvchi, iqtisodiy va axborot. Ichki omillar qatoriga esa texnologik, malakaviy va tashkiliy omillarni kiritish lozim.

- Huquqiy omillar: huquqiy baza davlat moliyaviy nazorati uchun asos yaratadi. U moliyaviy boshqaruv, nazorat va javobgarlikni tartibga soluvchi qonunlar, qoidalar va siyosatlarni o'z ichiga oladi. Moliyaviy nazoratning vakolatlari, majburiyatlari va tartiblarini belgilash uchun aniq va keng qamrovli huquqiy qoidalar muhim ahamiyatga ega.

- Uslubiy omillar: Uslubiy omillar moliyaviy nazorat faoliyatini amalga oshirishda qo'llaniladigan metodologiyalar, uslublar va tartiblarni bildiradi. Bu izchil va samarali moliyaviy nazorat amaliyotini ta'minlash uchun standartlashtirilgan audit metodologiyalarini, risklarni baholash asoslarini va ish faoliyatini baholash usullarini ishlab chiqishni o'z ichiga oladi.

- Muvofiqlashtiruvchi omillar: Muvofiqlashtiruvchi omillar moliyaviy nazorat bilan shug'ullanuvchi turli sub'ektlar o'rtasidagi muvofiqlashtirish va hamkorlikni o'z ichiga oladi. Bunga ichki va tashqi nazorat organlari o'rtasida uzluksiz hamkorlikni ta'minlash uchun samarali aloqa kanallari, muvofiqlashtirish mexanizmlari va axborot almashish platformalarini yaratish kiradi.

- Iqtisodiy omillar: Iqtisodiy omillar samarali moliyaviy nazorat tizimini joriy etish va qo'llab-quvvatlash uchun zarur bo'lgan moliyaviy resurslarni hisobga oladi. Nazorat tadbirlari, o'quv dasturlari va texnologik infratuzilmani amalga oshirishni qo'llab-quvvatlash uchun yetarli mablag' va byudjet ajratish zarur.

- Axborot omillari: Axborot omillari moliyaviy ma'lumotlarning mavjudligi, aniqligi va ishonchliligiga e'tibor qaratadi. O'z vaqtida va tegishli moliyaviy ma'lumotlarni qo'lga kiritish samarali moliyaviy nazorat uchun juda muhimdir. Bu mustahkam moliyaviy hisobot tizimlarini, ma'lumotlarni boshqarish jarayonlarini va axborot almashish mexanizmlarini yaratishni o'z ichiga oladi.

- Texnologik omillar: Texnologik omillar moliyaviy nazorat jarayonlarini kuchaytirish uchun texnologiyadan foydalanishni o'z ichiga oladi. Bunga moliyaviy boshqaruv tizimlarini, ma'lumotlarni tahlil qilish vositalarini, elektron to'lov tizimlarini va moliyaviy nazorat faoliyatida samaradorlik, aniqlik va xavfsizlikni oshirish uchun kiberxavfsizlik choralarini joriy etish kiradi.

- Malakaviy omillar: Malakaviy omillar moliyaviy nazorat bilan shug'ullanadigan shaxslarning malakasi va tajribasini bildiradi. Bunga moliyaviy menejment, audit, risklarni baholash va muvofiqlik sohasida bilimga ega malakali mutaxassislarini yollash va saqlab qolish kiradi.

- Tashkiliy omillar: Tashkiliy omillar davlat organlarining tuzilishi, boshqaruvi va madaniyatini hisobga oladi. Samarali moliyaviy nazorat aniq vakolat chegaralarini, hisobdorlikni, tashkilot ichida halollik va shaffoflik madaniyatini talab qiladi. Bunga tegishli hisobot liniyalari, ichki nazorat mexanizmlari va axloqiy me'yorlarni yaratish kiradi.

Ushbu omillarni birgalikda ko'rib chiqish va hal qilish hukumatlarga shaffoflik, hisobdorlik va davlat mablag'laridan samarali foydalanishni ta'minlaydigan mustahkam davlat moliyaviy nazorati tizimini yaratish va qo'llab-quvvatlashga yordam beradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda davlat moliyaviy nazoratini zamon talabiga mos ravishda takomillashtirishda quyidagi bir qator yondashuvlarni inobatga olish maqsadga muvofiq deb xisoblaymiz (2 jadval).

2-jadval

Davlat moliyaviy nazoratini takomillashtirishga yondashuvlar

Yondashuv	Yondashuvning asosiy komponentlari
Tizimli yondashuv	- Davlat moliyaviy nazorati tizimini takomillashtirish - Davlat moliyaviy nazorati doirasida sub'yektlar faoliyatining me'yoriy-huquqiy bazasini ishlab chiqish - Milliy xususiyatlarga mos xorijiy tajribani joriy qilish - Davlat moliyaviy nazorati bilan bog'liq muammolarni hal qilishda kompleks yondashuvni joriy etish
Funksional yondashuv	- Kasbiy takomillashtirish - Axborot texnologiyalaridan foydalanish - Yagona boshqaruv ma'lumotlar bazasini yaratish
Boshqaruv yondashuvi	- Ichki nazorat va auditni joriy etish va rivojlantirish
Tashkiliy yondashuv	- Nazorat organlari va davlat organlarining o'zaro hamkorligi - Nazoratning ommaviyligi - Davlat moliyaviy nazorati sohasida ilmiy tadqiqotlar - Nazorat qiluvchi organlarni tayyorlash tizimini ishlab chiqish - Nazoratchining axloqiy tamoyillarini joriy etish
Uslubiy yondashuv	- Oldindan nazorat qilish metodologiyasini ishlab chiqish - Yangi nazorat usullarini joriy etish

Hozirgi vaqtda yuqorida keltirilgan barcha chora-tadbirlarni amalga oshirish muhim ahamiyatga ega. Chunki davlat moliyaviy nazorati tizimini, umuman, nazorat sub'ektlari faoliyatining huquqiy asoslarini, nazorat qilish usullarini shakllantirish va nazoratchilar ishida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanishni takomillashtirish ustuvor vazifa sanaladi.

5. Xulosa.

Davlat moliyaviy nazoratiga tashqi va ichki omillarning ta'sirini inobatga olgan holda, ushbu sohasida erishilgan salmoqli yutuqlar bilan bir qatorda hali ham bir qancha kamchiliklar mavjud ekanligini ko'rishimiz mumkin.

Qayd etish joizki, nazoratda qanday shakl va usullar qo'llanilmasin, ularning barchasi byudjet jarayoni sifatini oshirishga, byudjet qonunchiligiga rioya qilishga qaratilgan bo'lishi kerak. Chunki, har qanday davlat uchun samarali faoliyat ko'rsatayotgan davlat moliyaviy nazorati tizimining mavjudligi tashqi va ichki siyosatni samarali amalga oshirish, ijtimoiy sohaning maqsad va vazifalariga erishishni ta'minlash imkonini beruvchi eng muhim vosita xisoblanadi.

Shunday qilib, rivojlanayotgan va zamonaviy jamiyat talablariga moslashayotgan davlat moliyaviy nazorati tizimi muayyan natijaga erishish, moliyaviy oqimlarning shaffofligini ta'minlash va mamlakat fuqarolarining farovonligini oshirishga qaratilgan davlat moliyasidan samarali foydalanishga yordam beradi.

Adabiyotlar/Literatura/Reference:

- Adams R. (1995) Basis of audit. Ya. V. Sokolov (Ed.). Moskow: YUNITI (in Russ.).
- Arens A.A., & Loebbecke, J. K. (2000) Auditing: an integrated approach (8th ed.). London : Prentice-Hall International.
- Konyng R. (2007) Public Internal Financial Control (in Russ.)
- Kunduzova K.I. (2023) The System of State Financial Control and its Significance. Middle European scientific bulletin ISSN 2694-9970. P. 12-18

Meiss, K.-M., Naumik-Gladka, K., Krivtsova, T., & Liadova, Yu. (2017) Improvement of public financial control in the context of ensuring financial security of the state/Economic Annals-XXI (2017), 168(11-12), 63-68

Mozer J. (2015) The contribution of the WOFK in good governance and sustainable development through the promotion of transparency and accountability in public administration. EUROSAI (EUROSAI), 21, 102-105 (in Russ.).

Vahobov A.V., Malikov T.S. (2008) Moliya: umumnazariy masalalar.O'quv qo'llanma. T.: "IQTISOD MOLIIYA". 316 b.

Vysser A. (2015) XXI century and our future prospects. EUROSAI (EUROSAI), 21, 92-94 (in Russ.).

Алексеев А.С. (2015) Совершенствование государственного финансового контроля. European science, (6 (7)), 23-26.

Бровкина Н.Д. (2010) Основы финансового контроля: учебное пособие / Под ред. М.В. Мельник. – М.: Магистр. 286 стр.

Гладкова В.Е. (2016) К вопросу о совершенствовании государственного финансового контроля: экономико-правовые аспекты. Сервис в России и за рубежом, 10 (1 (62)), С. 4-10. DOI: 10.12737/19164

Дышекова А.А. (2016) Проблемы совершенствования государственного финансового контроля. Экономика и социум, (12-1 (31)), С. 1015-1019.

Ельцин А.А. (2016) Анализ теоретических основ государственного финансового контроля в Российской Федерации и методов его совершенствования. Проблемы экономики и юридической практики, (2), С. 71-77.

Завялов Д.Ю. (2013) Оценка эффективности бюджетных расходов: сравнительный анализ. Финансы №10. С. 6-10.

Колесов Р.В., Юрченко А.В. (2013) Система государственного финансового контроля РФ: проблемы и перспективы: Монография. – Ярославль: ЯФ МФЮА, -100 с.

Косарев, В.С. (2011) Понятие бюджетного контроля в Российской Федерации. Современная наука, (4), С. 26-31.

Логвинова Ю.М. (2018) Виды и методы финансового контроля выполнения государственного (муниципального) задания. Экономика и социум, (10 (53)), С. 401-406.

Сазонов А.С. (2010) К вопросу о совершенствовании государственного финансового контроля. Финансы и кредит, (20 (404)), С. 52-58.

Сидакова В.А., Магомедова Ш.Х. (2020) Анализ теоретических основ государственного финансового контроля в Российской Федерации и методов его совершенствования. Вопросы науки и образования, (21 (105)), С. 38-41.

Фадейкина Н.В. (2011) Развитие методологии и инструментария оценки эффективности использования бюджетных средств // Сибирская финансовая школа. 2011. No 3 (86). С. 85–96.

Хутова Л.А., Эльбиева Л.Р. (2020) направления совершенствования государственного финансового контроля в РФ. Вестник Академии знаний, (5 (40)), 538-543. DOI: 10.24412/2304-6139-2020-10677



AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA MOLİYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA FOYDANI ANIQLASH VA MOLİYAVIY HISOBOTLARNI TUZISH

Yangiyeva N.S.

Soliq qo'mitasi huzuridagi Fiskal

Annotatsiya. Ushbu maqolada Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida moliyaviy hisobotlarni tuzish, uning amaliyotga joriy qilinishidagi muammolar va ularni bartaraf etish yo'llari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, foyda, investitsiyalar, fond bozori, transformatsiya.

Аннотация. В данной статье анализируется подготовка финансовой отчетности на основе международных стандартов финансовой отчетности в акционерных обществах, проблемы ее внедрения и пути их устранения.

Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности, прибыль, инвестиции, фондовый рынок, трансформация.

Annotation. This article analyzes the preparation of financial reports based on international standards of financial reporting in joint-stock companies, the problems of its implementation and ways to eliminate them.

Key words: international standards of financial reporting, profit, investments, stock market, transformation.

1. Kirish.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini aksiyadorlik jamiyatlari amaliyotiga joriy etilishi mamlakatimiz iqtisodiy rivojlanishida xalqaro investitsiyalarni jalb etish imkoniyatlarini yanada jadallashtiradi. Shuningdek, korxona va kompaniyalarni xalqaro investitsiya bozoriga chiqishi uchun imkoniyat yaratadi, qimmatli qog'ozlar emmisiyasini kotirovkasini xalqaro yirik fond bozorida amalga oshirish va natijada chet el kapitali ishtirokidagi kompaniyalarni tashkil qilinishi uchun qulay imkoniyatlar yaratadi. Hozirgi davrda O'zbekistonning dunyo hamjamiyatiga chiqishi tezlashganligi jarayonida moliyaviy hisobotlarni tuzish va yetkazib berish jarayonini xalqaro talablarga muvofiqlashtirish majburiyatini keltirib chiqarmoqda. Shuningdek, uning nazariy-huquqiy asoslarini moslash, chet-ellik investorlar talabiga javob beradigan hisobotlarni tuzish vazifasini qo'yadi.

Hozirda mamlakatimizda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida buxgalteriya hisobining milliy standartlari ishlab chiqilmoqda va amaliyotga joriy etilmoqda. Mamlakatimizning jahon iqtisodiyotiga qo'shilishiga, xalqaro investitsiyalarni

jalb etishni kengaytirishi buxgalteriya hisobi milliy standartlarining xalqaro amaliyot bilan shuningdek, milliy ko'rsatkichlar bilan xalqaro ko'rsatkichlarni moslashtirishni talab etadi.

Jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashish jarayonida turli davlatlarning milliy talablari bilan xalqaro talablar orasida nomuvofiqliklar, aksiyadorlik jamiyatlarining ochiq taqdim etiladigan moliyaviy hisobotlari o'rtasida tafovutlar kelib chiqishi mumkin. Shu sababli aksiya egalari moliyaviy hisobot elementlarini : aktivlar, majburiyatlar, kapital, daromad va xarajatlar kabi elementlarning turlicha ta'riflanishiga sabab bo'lishi mumkin. Aksiyadorlik jamiyatidan har qanday tashqi qimmatli qog'ozni sotib oluvchi investor avvalo uning moliyaviy ko'rsatkichlarini tahlil qilishi kerak. Aksiyadorlar aksiyalrni sotib olish uchun qaror qabul qilishi aksiyadorlik jamiyatiga qilingan investitsiyalardan keladigan dividendlar, foizlar yoki bozordagi narxlarning o'zgarishi kabi daromadlarga bog'liq bo'ladi. Shuning uchun aksiyadorga investitsiya kiritayotgan aksiyadorlik jamiyati to'g'risida moliyaviy axborotga ega bo'lish muhim. Umuman olganda moliyaviy hisobotning maqsadi ham foydalanuvchiga iqtisodiy qarorlar qabul qilish uchun kerak bo'lgan axborotni yetkazib berishdan iborat. Shunday ekan, aksiyadorlik jamiyatlarida buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari asosida moliyaviy hisobotlarni tuzish muhim ahamiyatga ega bo'lib, ularning aksiyalarini jahon fond birjalariga joylashtirilishi uchun kerak bo'ladigan ma'lumot va moliyaviy hisobotlarni xalqaro talablarga muvofiqlashtirgan holda taqdim etish zarurligini bildiradi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari yuzasidan olimlarning fikrlarini ko'rib chiqadigan bo'lsak, xususan iqtisodchi olim B.Mamatovning (2015) fikricha "Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini xalqaro standart asosida tashkil etish amaliyotini yanada takomillashtirishning bosh masalasi – aksiyadorlik jamiyatlariga moliyaviy hisobotni xalqaro standartlarida o'rnatilgan tamoyillarga va talablarga yaqinlashtirish tendensiyasiga asoslanadi" degan fikr bildirgan.

Shuningdek, professor Z.N.Qurbonov va A.Akramovlarning (2015) fikricha "Respublikamizda buxgalteriya hisobini bosqichma-bosqich moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish va moliyaviy hisobotlarni tuzish jahon integratsiyasiga yanada kengroq kirib borish imkoniyatini yaratadi. Bu esa mamlakatimiz buxgalteriya hisobini isloh etish va yangilanishning yangi bosqichi bo'ladi".

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish asosida soliqlar hisobini tashkil etish juda muhimdir. Bu borada S.N. Tashnazarov (2021) quyidagi fikrlarni bildirgan: "Bugungi kunda O'zbekistonda moliyaviy buxgalteriya hisobi va hisoboti jahon andozalari darajasiga chiqarishning yagona yo'li bu moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini va ilg'or xorijiy tajribalarni, sohaga doir jahon adabiyotlari va hujjatlarini o'rganish hamda ularni mamlakatimiz iqtisodiyotining xususiyatlarini hisobga olgan holda joriy qilishdan iboratdir".

Ushbu masalada O.A.Ageeva, A.L.Rebizovalarning (2013) yozishicha "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga ko'ra taqdim qilinadigan moliyaviy hisobot shakllari belgilangan bo'lib, unda korxonaning moliyaviy holati, realizatsiya qilingan mahsulot, ish va xizmatlar bo'yicha daromad va xarajatlar, korxonaning mulkiy va moliyaviy ahvoli hamda xo'jalik faoliyati natijalari haqidagi qiyoslanuvchan va aniq ma'lumotlar tizimi shakllangan bo'ladi".

B.A. Terexova (2020) mamlakatlar tomonidan MHXS qo'llanishini asosiy sabablaridan biri sifatida korxonaning hisobotni shakllantirish xarajatlarini qisqartirishini keltiradi. Biroq, hozirgi amaliyotada MHXSga asosan hisobotni tuzish xarajatlari milliy standartlar bilan tuzilgan hisobot xarajatlaridan ancha yuqori ekanligini ko'rishimiz mumkin. Hisobotni tuzishga ketadigan xarajatlar faqat MHXS qoidalari asosida yagona hisobotni aynan qoidalariga ko'ra tuzishga ketgan xarajatlar summasiga tuzilgandagina qisqarishi

mumkin. Shuningdek, B.A.Terexova (2020) turli mamlakatlarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini joriy etishda foydalaniladigan quyidagi shakllarni keltirib o'tgan:

-Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlaridan milliy moliyaviy hisobot standartlari sifatida foydalanish (Latviya, Quvayt, Kipr, Pokiston).

-Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlaridan milliy buxgalteriya hisobi va hisoboti standartlari sifatida foydalanish. Ammo milliy xususiyatlari tufayli, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari ma'lum bir o'zgarishlarga uchraydigan davlatlar (Polsha, Zambiya, Keniya, Sudan, Urugvay, Albaniya).

-Xalqaro qoidalarga qo'shimcha tushuntirishlar berib, moliyaviy hisobotning milliy standartlarini MHXSga muvofiq ishlab chiqqan davlatlar (Eron, Xitoy, Tunis, Filippin).

-Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida o'zining milliy standartlarini ishlab chiqqan davlatlar (Hindiston, Braziliya, Singapur, Fransiya, Meksika).

-Avstraliya, Daniya, Shvetsiya, Gongkong ham Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga muvofiq milliy moliyaviy hisobot standartlarini ishlab chiqmoqdalar, shuningdek, har bir milliy standartda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bilan taqqoslanadigan hujjatlar mavjud.

A.Barxatov (2012) esa quyidagicha ta'rif bergan: "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari o'zida taqdim qilinayotgan hisobot davriga korxonaning xo'jalik faoliyati natijalarini aks ettiruvchi ko'rsatkichlar tizimiga xalqaro hisob tizimi standartlariga mos keladigan shaklda ifodalanishidir".

I.K.Ibragimov (2016) tomonidan moliyaviy hisobotning standartlariga boshqacha yondoshuv asosida quyidagicha ta'rif berilgan: "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari – buxgalteriya hisobi ma'lumotlari asosida belgilangan shakllarda tuziladigan va hisobga olingan iqtisodiy axborotlarni detallashtirishga mo'ljallangan, korxona mulkiy va moliyaviy ahvoli hamda xo'jalik faoliyati natijalar haqidagi ko'rsatkichlarning yagona kompleks tizimidir".

Buxgalteriya hisobining xalqaro standartlariga professor S.N.Mislavskaya (2012) quyidagicha ta'rif bergan: "Buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari o'zida hisob ma'lumotlari asosida olingan, korxonaning mulkiy va moliyaviy holatini hamda hisobot davridagi xo'jalik faoliyati natijalarini tavsiflaydigan ko'rsatkichlar tizimini ifodalaydi". Shu kabi ta'rif L.I.Xorujiy (2004) tomonidan ham bildirilgan: "Buxgalteriya hisoboti o'zida tashkilotning mulkiy va moliyaviy ahvoli hamda xo'jalik faoliyati natijalari haqidagi ma'lumotlarning yaxlit tizimini ifodalaydi".

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, xalqaro standartlar asosida hisob yuritish moliyaviy hisobotlarni tuzish tartibi va konseptual asoslaridan foydalangan holda moliyaviy hisobotlarni yaratish hisoblanadi.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Tadqiqotimiz metodologiyasi bo'lib, aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida hisobotlarni shakllantirish masalalari hisoblanadi. Ushbu masala yuzasidan nazariy ma'lumotlar umumlashtirildi. Tadqiqot jarayonida amaliy materiallarni taqqoslash va guruhlash kabi usullardan foydalanilib, xulosa va takliflar ishlab chiqildi.

4. Tahlil va natijalar.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari – bu xo'jalik yurituvchi sub'ektlar tomonidan shakllantiriladigan moliyaviy hisobotlarning mazmuni va ularga qo'yiladigan talablarni belgilaydigan yagona standartlar majmui hamda ularga qo'shimcha hujjatlardan iborat. MHXS Qo'mitasi 1973 yildan beri Londonda joylashgan nodavlat notijorat tashkilot bo'lib, MHXS ni ishlab chiqadi va tasdiqlaydi.

Mamlakatlar MHXS ni amaliyotiga joriy etishda milliy xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, turli xil yondoshuvlardan foydalanadi. Quyida ba'zi yondoshuvlarni ko'rib chiqamiz:

- MHXSni to'liq amaliyotiga joriy qilgan ya'ni milliy moliyaviy hisobot standartlari sifatida foydalanish;

- MHXS qoidalarini milliy standartlarga o'zgartirishlar bilan kiritish;

- Milliy standartlarni MHXS talablariga yaqinlashtirish.

Turli mamlakatlarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini joriy etish jarayoni turlicha bo'lgan. 2005 yil 1 yanvardan boshlab MHXS bo'yicha birinchi moliyaviy hisobotni tayyorlashni boshlagan Yevropa davlatlari asosida Polsha, Gretsiya, Chexiya va Ispaniya davlatlari. Bu mamlakatlarda MHXS bilan buxgalteriya hisobi milliy standartlari o'rtasida ba'zi farqlar mavjud bo'lib, MHXSni qo'llash jarayonida ba'zi tuzatishlar hisobga olingan.

Бундан ташқари, рақамли симуляцияларга мурожаат қилган П.С.Бхаттачаря (2011) фикрига кўра, норасмий секторнинг кенгайиши ва қўлда ишлайдиган ишчиларнинг яширин иқтисодиётга кўчиши даромадлар тенгсизлигини камайтиришда муҳим роль ўйнайди. Яқинда катта намуна (60 йилдан ортиқ вақт мобайнида 161 та давлат) таҳлил қилиб, С.Элгин ва А.Элвереннинг (2021) норасмий секторнинг мавжудлиги камбағал одамларнинг даромадларини кўпайтиришини, жамият ичидаги даромадларни тақсимлаш масаласини ҳал қилишини аниқладилар. Муаллифлар солиқ тушумларини камайтириш орқали тесқари таъсирга нисбатан бу таъсирнинг тарқалиши билан баҳслашади.

Ушбу адабиётлар тўпламининг умумий шарҳи шуни кўрсатадики, турли хил даромад гуруҳлари (мос равишда бой ва камбағаллар), норасмийлик ва тенгсизлик

ўзаро боғлиқлиги ўрганилганда турли узатиш механизмлари мавжуд ва мос равишда қарама-қарши таъсир кўрсатилиши мумкин.

3. Таҳлил ва натижалар.

Биз ушбу тадқиқот доирасида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг норасмий иқтисодиёт даражасини пасайтиришдаги тажрибасини ўрганиб, ижобий натижаларини мамлакатимизда амалиётида қўллаш бўйича тадқиқот ўтказмоқдамиз. Аввало, дунё иқтисодиётининг устуни бўлган АҚШ тажрибасини кўриб чиқишдан бошласак.

Америка Қўшма Штатларида норасмий иқтисодиёт даражасини пасайтириш узоқ вақтдан бери сиёсатнинг ташвиши бўлиб келган. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, АҚШдаги норасмий иқтисодиёт баъзи жиҳатлари билан бошқа мамлакатлардагидан, хусусан, меҳнат бозори ҳажми ва табиатидаги ўзгаришлар туфайли фарқ қилади. Норасмий иқтисодиётни қисқартириш бўйича АҚШ тажрибаси норасмийликнинг турли шаклларига, жумладан, китобдан ташқари ишларга, даромадлар тўғрисида кам ҳисобот беришга ва ишчиларни нотўғри таснифлашга қаратилган сиёсат чоралари ва ташаббусларининг комбинациясини ўз ичига олади. Ушбу тажриба доирасида амалга оширилган чора-тадбирларни кетма-кетликда кўриб чиқсак:

1. Солиқ назорати ва риоя этилиши. Ички даромадлар хизмати (IRS) солиққа тортиш ва қонунларга риоя қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш орқали норасмий иқтисодиётни камайитиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бунга қурилиш саноати каби тарихан юқори норасмийлик даражасига эга бўлган тармоқларга йўналтириш киради. Ички даромадлар хизмати солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва даромадлар тўғрисида кам ҳисобот беришни аниқлаш учун текширувлар ўтказиши ва солиқ назоратини узлуксизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга дейиш мумкин.

2. Ишчиларни нотўғри таснифлаш. Иш ҳақи солиқлари ва меҳнат қоидаларидан қочиш учун ходимлар мустақил пудратчилар сифатида таснифланган ишчиларни нотўғри таснифлаш муҳим ташвиш туғдирди. АҚШнинг баъзи штатлари ушбу амалиётга қарши курашиш учун қаттиқроқ қоидалар ва ижро механизмларини жорий қилдилар. Бундан ташқари, ишчиларни нотўғри таснифлаган компанияларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

3. Меҳнат меъёрларини қўллаш. Ишчиларга адолатли ҳақ тўланиши ва уларга тегишли имтиёзлар берилишини таъминлаш яна бир эътибор бўлди. Меҳнат Департаменти каби идоралар иш ҳақини ўғирлаш, энг кам иш ҳақи ва қўшимча иш ҳақидан қонунбузарликлар ва бошқа меҳнат стандартлари бузилишини текширади. Бундай ҳолатларга йўл қўйган иш берувчиларга нисбатан мажбурий чоралар кўрилади.

4. Аҳолини хабардор қилиш кампаниялари. Бунда норасмий иқтисодиётнинг оқибатлари ҳақида хабардорликни ошириш АҚШнинг саъй-ҳаракатларининг бир қисми бўлди. Аҳолини тушунтириш кампаниялари ишчилар ва иш берувчиларга меҳнат қонунчилиги, солиқ мажбуриятлари ва расмий бандликнинг афзалликлари ҳақида маълумот беради. Ушбу кампаниялар жисмоний шахслар ва корхоналарни норасмий фаолиятда иштирок этишдан қайтаришга қаратилган фаолият билан шуғулланишади.

5. Иммиграция сиёсати норасмийликка таъсир қилади, айниқса иммиграцион ишчи кучи сезиларли даражада бўлган секторларда. Иммиграция қоидаларини кучайтириш норасмийликнинг кучайишига олиб келиши мумкин, чунки баъзи ҳужжатсиз ишчилар китобдан ташқари ишга ўтишлари мумкин. Иммиграция

ислоҳоти бўйича кенг қамровли муҳокамалар кўпинча ушбу муаммони ҳал қилиш чораларини ўз ичига олади.

6. Имтиёзлар ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш. Ходимлар учун имтиёзлар ва ижтимоий ҳимоялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш норасмийликни камайтириш стратегияси бўлди. Аффордабле Саре Аст каби дастурлар соғлиқ суғуртасини янада қулайроқ қилиб, имтиёзлар йўқлиги сабабли шахсларнинг норасмий меҳнат билан шуғулланиш рағбатини камайтириши мумкин.

7. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш. Барча норасмий фаолият солиқ тўлашдан бўйин товлаш ёки меҳнат қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ эмаслигини эътироф этган ҳолда, ҳукумат кичик бизнес ва стартапларни қўллаб-қувватлашни таклиф қилди. Бизнесни рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган жараёнлари ва ресурслардан фойдаланиш тадбиркорларни расмий иқтисодиёт доирасида фаолият юритишга ундашига таъсир эта олган (Ф.Шнайдер, Д.Энсте, 2018).

Европа норасмий иқтисодиётга қарши кураш бўйича саъй-ҳаракатларнинг маркази бўлиб келган, чунки унинг иқтисодий манзараси хилма-хиллиги ва аъзо давлатларда норасмийликнинг турли даражалари мавжуд. Кўпгина Европа мамлакатлари декларация қилинмаган ишларни бартараф этиш учун ўзларининг ҳуқуқий асослари ва меҳнат қоидаларини янгилادилар. Ушбу ислохотлар кўпинча иш берувчилар ва норасмий фаолият билан шуғулланадиган ишчилар учун қаттиқроқ жазоларни ўз ичига олади. Такмиллаштирилган ижро механизмлари, жумладан, меҳнат инспекцияси ва трансчегаравий ҳамкорлик ушбу саъй-ҳаракатларнинг асосий таркибий қисми бўлди.

Европанинг бир қанча давлатлари ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчи ташкилотлари ўртасида ижтимоий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантирдилар. Ушбу ёндашув меҳнат бозори сиёсати, шу жумладан норасмийликни камайтириш чоралари бўйича консенсус яратишга қаратилган. Ижтимоий мулоқот барча манфаатдор томонлар учун мақбул бўлган ва самаралироқ амалга оширилиши мумкин бўлган сиёсатларни ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар декларация қилинмаган меҳнат билан шуғулланиш учун моддий рағбатлантиришни камайтириш учун қўлланилди. Кам даромадли шахсларга солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш жисмоний шахсларни солиқлардан қочиш учун норасмий иш қидиришдан қайтаради.

Тарғибот-ташвиқот ишлари орқали норасмий иқтисоднинг ҳам алоҳида шахслар, ҳам бутун жамият учун салбий оқибатлари тўғрисида фуқароларга тушунтириш ишлари олиб борилди. Ушбу кампаниялар норасмийлик билан боғлиқ ижтимоий нормалар ва тушунчаларни ўзгартиришга қаратилган.

Меҳнат бозорини фаоллаштириш чора-тадбирлари сифатида эса ишчиларни норасмий сектордан расмий секторга ўтказиш учун ўқитиш ва ишга жойлаштириш хизматлари каби фаол меҳнат бозори сиёсати қўлланилган. Ушбу дастурлар одамларга расмий иш билан таъминлаш учун зарур бўлган кўникмалар ва имкониятларни эгаллашга ёрдам берди.

Шунингдек, ўз-ўзини иш билан банд бўлганларнинг ҳаммаси ҳам танлов асосида норасмий иқтисодиётнинг бир қисми эмаслигини тан олган ҳолда, айрим мамлакатлар ўз-ўзини иш билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширди. Бу рўйхатга олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва ижтимоий ҳимояга киришни таъминлашни ўз ичига олиши мумкин (European Commission, 2015).

Европа Иттифоқида ишчи кучи ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда, трансчегаравий ҳамкорлик норасмийликни бартараф этишда ҳал қилувчи аҳамиятга

эга бўлди. Аъзо давлатлар ўртасида маълумот ва илғор тажриба алмашиш муаммони ҳал қилишда янада мувофиқлаштирилган ёндашувни яратишга ёрдам берди.

Шуни таъкидлаш керакки, норасмий иқтисодий қисқартириш бўйича стратегиялар ва муваффақият даражалари иқтисодий тузилмалар, меҳнат бозорлари ва бошқарувдаги фарқлар туфайли Европа мамлакатларида фарқ қилади. Шунга қарамай, Европа тажрибаси норасмийликнинг юқори даражаси билан қурашаётган бошқа минтақалар учун қимматли сабоқлар беради.

Хитойда норасмий иқтисодиёт даражасини пасайтириш мамлакатнинг турли иқтисодий ҳолати ҳамда расмий ва норасмий секторларнинг биргаликда яшашини ҳисобга олган ҳолда муҳим сиёсат муаммоси бўлди. Хитойнинг норасмийликка қарши ёндашуви йиллар давомида ўзгарган бўлсада, бу мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Хитойнинг норасмий иқтисодиётни қисқартириш тажрибаси тартибга солувчи ислохотлар, иқтисодий трансформациялар ва ижтимоий сиёсатларнинг комбинацияси билан ажралиб туради.

Хитойнинг асосан аграр иқтисодиётдан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиши қишлоқ хўжалигининг норасмий секторининг қисқаришига олиб келди. Ушбу ўтиш шаҳарларда расмий бандлик имкониятларининг ўсиши билан бирга норасмий ишларга боғлиқликни камайтиради.

Хитой ҳукумати ишчиларнинг ҳуқуқлари ва ҳимоясини кучайтириш мақсадида меҳнат бозорида ислохотларни амалга оширди. Бу ислохотлар меҳнат қонунчилигининг янада қатъий бажарилиши, энг кам иш ҳақи тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ишчиларнинг ижтимоий таъминотини яхшилашни ўз ичига олади. Ушбу чора-тадбирлар норасмий бандликни рағбатлантиришни камайтиришга қаратилган.

Шунингдек, норасмийликни бартараф этиш учун солиқ сиёсатига ўзгартиришлар киритилди. Ҳукумат томонидан солиққа тортиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва кўпинча норасмий фаолият билан боғлиқ бўлган кичик бизнес субъектларига солиқ юкини камайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Расмийлаштиришни рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари тақлиф қилинди.

Хитой қишлоқ жойлари ва норасмий ишчилар учун ижтимоий суғурта қамровини кенгайтириб, соғлиқни сақлаш, пенсия ва бошқа имтиёزلардан фойдаланишни таъминлади. Ушбу кенгайиш расмий бандликни янада жозибадор қилишга қаратилган.

Хитойда давом этаётган урбанизация жараёни қишлоқдан шаҳарга миграцияни келтириб чиқарди, бу эса меҳнатни расмийлаштиришнинг кучайишига олиб келди. Ишчилар шаҳарларга кўчиб ўтаётганда, улар кўпинча шаҳарларда расмий иш жойларини қидирдилар.

Норасмий фаолиятга чек қўйиш мақсадида рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлик субъектлари ва ноқонуний меҳнат амалиётларига қарши даврий таъсирлар ўтказилди. Ушбу мажбурлов чоралари норасмий бизнесни қоидаларга мувофиқлаштириш ёки уларни ёпиш учун мўлжалланган.

Хитой ҳукумати расмийлаштиришни рағбатлантириш учун тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдам берди. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш жараёнлари соддалаштирилган ва кредит олиш имконияти жисмоний шахсларнинг расмий тадбиркорлик фаолиятини бошлашини осонлаштирди.

Расмий бандликнинг афзалликлари ва норасмий ишнинг хавф-хатарлари ҳақида хабардорликни оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар оммавий кампаниялар ва таълим ташаббуслари орқали амалга оширилди (H.De Soto & H.Li, 2020).

Шуни таъкидлаш керакки, бундай саъй-ҳаракатларга қарамай, Хитойнинг айрим секторлари ва минтақаларида норасмийлик сақланиб қолмоқда. Норасмий иқтисодиёт иқтисодий ўзгаришлар, урбанизация тенденциялари ва ҳукумат сиёсати таъсирида динамик ва ривожланаётган муаммо бўлиб қолмоқда.

Сингапурнинг норасмий иқтисодиётни қисқартириш тажрибаси унинг қаттиқ тартибга солувчи муҳити ва фаол ҳукумат сиёсати билан ажралиб туради. Сингапур кучли қонунчилик базаси, самарали ижро механизмлари ва кенг қамровли ижтимоий сиёсат туфайли норасмийликнинг паст даражасини сақлаб қолишда муваффақият қозонди. Қуйида норасмий иқтисодиётни қисқартириш бўйича Сингапур тажрибасининг умумий кўриниши, манба ва унинг эълон қилинган санаси келтирилган:

Сингапур норасмий иқтисодий фаолиятга тўсқинлик қилувчи қатъий тартибга солувчи базани сақлайди. Кенг қамровли меҳнат қонунлари, солиқ қоидалари ва бизнесни рўйхатдан ўтказиш талаблари жисмоний шахслар ёки корхоналарнинг норасмий секторда аниқланмасдан ишлаши учун кам жой қолдиради.

Сингапур ҳукумати ўз қоидаларини қатъий равишда амалга оширади. Норасмий бандлик ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш учун Меҳнат вазирлиги ва Сингапур даромадлар бошқармаси каби идоралар томонидан мунтазам текширувлар ўтказилади. Меҳнат ва солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик жиддий жазоларга олиб келиши мумкин.

Сингапур меҳнат бозорини кузатиш учун илғор маълумотлар таҳлили ва рискларни баҳолаш воситаларидан фойдаланади. Ушбу воситалар декларация қилинмаган иш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг мумкин бўлган ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради. Ҳукумат ушбу тушунчалардан ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни самарали йўлга қўйиш учун фойдаланади.

Ишчилар ва иш берувчиларни уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш учун жамоатчиликни хабардор қилиш кампаниялари ва таълим ташаббуслари ўтказилади. Ушбу кампанияларда расмий иш билан таъминлаш, солиқ қонунчилигига риоя қилиш, ижтимоий ҳимоянинг афзалликлари муҳимлиги таъкидланади.

Сингапурда расмий сектордаги ишчиларни ҳар томонлама қамраб олувчи яхши ривожланган ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд. Соғлиқни сақлаш, пенсия жамғармалари (Марказий таъминот жамғармаси) ва ишсизлик суғуртаси каби имтиёзлардан фойдаланиш расмий бандлик билан боғлиқ бўлиб, ишчилар ва иш берувчиларни расмий иқтисодиёт доирасида ишлашга рағбатлантиради.

Сингапурда бизнесни рўйхатдан ўтказиш жараёни нисбатан содда бўлиб, тадбиркорлар учун расмий корхоналар ташкил этишни осонлаштиради. Ҳукумат кичик ва ўрта корхоналарни расмийлаштиришни рағбатлантириш учун қўллаб-қувватлайди. Бунга молиявий рағбатлантиришлар, грантлар ва кичик ва ўрта корхоналарнинг қоидаларга риоя қилишларига ёрдам берадиган ресурслар киради.

Сингапурнинг қатъий иммиграция сиёсати ва мустаҳкам чегара назорати ишчи кучи асосан қонуний резидентлар ва иш рухсатномаси эгаларидан иборат бўлишини таъминлашга ёрдам беради. Сингапур халқаро ташкилотлар ва қўшни давлатлар билан инсон савдоси ва ноқонуний ишчиларни ёллаш каби трансчегаравий норасмий фаолиятга қарши курашда ҳамкорлик қилади (MOM and IRAS, 2020).

Сингапурнинг норасмий иқтисодиётни қисқартириш тажрибаси қатъий тартибга солиш, самарали ижро этиш, халқ таълими ва мустаҳкам ижтимоий ҳимоя тизими комбинацияси билан тавсифланади. Сингапурнинг ёндашуви ўзига хос сиёсий ва иқтисодий шароитлар туфайли барча шароитларда тўғридан-тўғри такрорланмаслиги мумкин бўлсада, у норасмийликни минималлаштиришга интилаётган мамлакатлар учун қимматли мисол бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги минтақаларни ўрганиш давомида маълум бўляптики, уларда норасмий иқтисодиётни бартараф этиш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилган. Хусусан, барча минтақада норасмий иқтисодиётни ҳал қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий база ва ҳуқуқий чоралар қўлланилган. Ушбу доиралар меҳнат қонунлари, солиқ қоидалари ва норасмий фаолиятни чеклаш ва жазолаш учун мўлжалланган бизнесни рўйхатдан ўтказиш талабларини ўз ичига олади.

Самарали ижро механизмлари ушбу ҳудудларда норасмийликни камайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Норасмий бандлик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида мунтазам текширувлар ўтказилиш амалиёти мавжуд.

Аҳолини хабардор қилиш кампаниялари ва таълим ташаббуслари ишчилар ва иш берувчиларни уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида хабардор қилиш учун ишлатилган. Соғлиқни сақлаш, пенсия жамғармалари ва ишсизлик суғуртасини ўз ичига олган ижтимоий ҳимоя дастурларига кириш кўпинча расмий бандлик билан боғлиқ бўлиб, унинг оқибатида ишчилар ва иш берувчиларни расмий иқтисодиёт доирасида ишлашга рағбатлантириши амалга оширилган.

Кичик бизнес ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш сиёсати ва ташаббуслари амалга оширилган. Уларга молиявий рағбатлантиришлар, бизнесни соддалаштирилган рўйхатдан ўтказиш ва субъектларининг қоидаларга риоя қилишларига ёрдам берадиган ресурслар бўлиши каби чоралар мисолида кўриш мумкин. Шунингдек, урбанизация ва аграр иқтисодиётдан саноат ёки хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётга ўтиш каби иқтисодий ўтишлар кўпроқ расмий бандлик имкониятларини яратиш орқали расмийлаштиришга туртки бўлганлиги англашилмоқда.

4. Хулоса.

АҚШ, Европа, Хитой ва Сингапурнинг норасмий иқтисодиёт даражасини пасайтириш борасидаги тажрибалари кўплаб муаммоларни бартараф этишда тажриба сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб, келажақда ушбу тажрибани кўриб чиқиш ижобий таъсирга эга бўлиши мумкин. Ушбу минтақаларда амалга оширилган чора тадбирларни муҳимларига эътибор қиладиган бўлсак, норасмий иқтисодиёт даражасини пасайтириш бўйича зарур чораларни Ўзбекистонга амалга ошириш бўйича баъзи тавсиялар:

- ✓ *норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;*
- ✓ *мажбурий ижро механизмларини такомиллаштириш;*
- ✓ *жамоатчиликни хабардор қилиш ва таълим;*
- ✓ *ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар;*
- ✓ *кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш;*
- ✓ *иқтисодий диверсификация қилиш ва ҳ.о.*

Хулоса қилиб айтганда, амалга ошириш бўйича ушбу тавсиялар Ўзбекистоннинг норасмий иқтисодиётни қисқартириш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун бошланғич нуқта бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

Alstadsæter A., Johannesen N., Zucman G. (2018) Who owns the wealth in tax havens? Macro evidence and implications for global inequality. J Publ Econ, 162 (Jun. 2018), pp. 89-100, 10.1016/j.jpubeco.2018.01.008

Bertotti M.L., Modanese G. (2014) Micro to macro models for income distribution in the absence and in the presence of tax evasion Appl Math Comput, 244 (Oct. 2014), pp. 836-846, 10.1016/j.amc.2014.07.055

- Bhattacharya P.C. (2011) Informal sector, income inequality and economic development. *Econ Modell*, 28 (3) (May 2011), pp. 820-830, 10.1016/j.econmod.2010.10.007
- De Soto, H., & Li, H. (2020). Understanding Informality in China: A Comprehensive Overview of its Drivers, Sectors, and Consequences. The World Bank. Retrieved from <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/33696>
- Econ J. Interact. Coord.*, 13 (2) (Jul.), pp. 351-363, 10.1007/s11403-016-0185-9
- Elgin C., Elveren A.Y. (2021) Informality, inequality, and feminization of labor. *Wom Stud Int Forum*, 88, Article 102505
- European Commission. (2015). Tackling Undeclared Work in Europe: Lessons from a Study of 27 European Countries. Retrieved from <https://ec.europa.eu/social/main.jsp?catId=738&langId=en&pubId=7835&furtherPubs=yes>
- Gasteratos I., Karamalis M., Koutoupis A.G. (2016) Shadow economy worsens income distribution
- Huynh C.M., Nguyen T.L. . Shadow economy and income inequality: new empirical evidence from Asian developing countries. *J Asia Pac Econ*, 25 (1) (Jan. 2020), pp. 175-192, 10.1080/13547860.2019.1643196
- Johns A., Slemrod J. (2010) The distribution of income tax noncompliance. *Natl Tax J*, 63 (3), pp. 397-418
- Ministry of Manpower (MOM) and Inland Revenue Authority of Singapore (IRAS). (2020). Singapore's Approach to Tackling Undeclared Work: A Study on the Drivers, Characteristics, and Policy Responses. Retrieved from <https://www.mom.gov.sg/documents-and-publications/singapores-approach-to-tackling-undeclared-work-a-study-on-the-drivers-characteristics-and-policy-responses>
- Roine J. (2006) The political economics of not paying tax. *Publ Choice*, 126 (1), pp. 107-134
- Pashardes P. Polycarpou A. (2008) Income tax evasion, inequality and poverty. *Cyprus Econ. Policy Rev*, 2 (2), pp. 37-49
- Shafer W.E., Wang Z., Hsieh T.-S. (2020) Support for economic inequality and tax evasion Sustainability, 12 (19), p. 8025
- Torregrosa-Hetland S. (2020) Inequality in tax evasion: the case of the Spanish income tax *Appl. Econ. Anal.*, 28 (83) (Jul.), pp. 89-109, 10.1108/AEA-01-2020-0007
- Schneider, F., & Enste, D. H. (2018). *Measuring the Informal Economy: A Handbook*. Edward Elgar Publishing.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФАКТОРИНГНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Бобобеков Ф.Р.

Тошкент Кимё халқаро университети

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда факторинг амалиётини тижорат банклари томонидан амалга оширишда мавжуд бўлган муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни келтириб ўтдик.

Калит сўзлар: факторинг амалиёти, тижорат банклари, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, Фуқаролик кодекси, дебиторлик қарздорлиги, регресс ҳуқуқли факторинг, реверсив факторинг, кичик ва ўрта бизнес, хўжалик юритувчи субъект, харидор, сотувчи.

Аннотация. В статье приведены предложения и отзывы о проблемах в нашей стране, которые существуют при внедрении коммерческими банками факторинговой практики и пути их решения.

Ключевые слова: факторинговая практика, коммерческие банки, нормативный правовой акт, Гражданский кодекс, дебиторская задолженность, регрессный факторинг, обратный (реверсный) факторинг, малый и средний бизнес, хозяйствующий субъект, покупатель, продавец.

Annotation. The article provides suggestions and feedback on the problems in our country that exist when commercial banks introduce factoring practices and ways to solve them.

Key words: factoring practice, commercial banks, regulatory legal act, civil code, accounts receivable, regression factoring, reverse factoring, small and medium businesses, business entities, buyer, seller.

1. Кириш.

Факторинг амалиёти ҳозирги пайтда тижорат банклари амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган молиявий хизматлар турига кирмоқда. Факторинг бўйича жаҳон тажрибасини ўрганадиган бўлсак, ушбу амалиёт айниқса тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес вакилларига кенг қўламда хизмат кўрсатилмоқда. Олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, факторинг амалиёти мамлакатимиз тижорат банклари томонидан “банк молиявий хизмати” сифатида кенг амалга оширилмай келинмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, ушбу тадқиқотимизда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг ечимлари бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларимизни келтириб ўтдик.

2. Адабиётлар шарҳи.

Khaled Soufani (2002) нинг фикрича Буюк Британияда факторинг амалиётининг 93% банклар томонидан амалга оширилиб ушбу амалиётнинг бажарилиш жараёнини тезлаштиради, чунки банкларда факторинг амалиётини бажариш жараёнида қатнашувчилар: сотувчи (мол етказиб берувчи) ва харидор ҳақида маълумотлар базаси шаклланган.

Jim Pendergast (2023) нинг фикрича хўжалик юритувчи субъектлар учун факторинг амалиётини амалга ошириш учун икки хил йўл мавжуд: биринчиси факторинг компанияларга мурожаат қилиш бўлса кейнгиси тижорат банкларидир. Тижорат банклари орқали факторингни амалга оширишни қулайликлари қўйидагича: молиявий маблағни чеклангмаганлиги, нисбаттан хавсизлиги ва амалиётни тез фурсатда бажарилиши. Чиндан ҳам факторинг компаниялар факторингни амалга оширишда кўп ҳолларда ўз маблағига эга бўлмайди ва бу ҳолат уларни тижорат банкларидан қўшимча маблағ сўрашга ундайди, бу эса ўз-ўзидан факторинг шартномаларини қимматлашишига олиб келади.

Ермекова Ж.Ж (2016) нинг фикрига кўра факторинг амалиётининг Қазоғистонда ривожланмаётганлиги бу тижорат банкларининг ушбу амалиётга етарлича эътибор бермасликлари ва Марказий банкнинг факторинг бўйича ҳатто умумий ҳисоботларни эълон қилмаслигидадир. Бироқ Қазоғистон факторинг бозорини мамлакатимиз билан таққослайдиган бўлсак унинг ҳажми ва кўлами анча юқорлиги билан ажралиб туради. Мисол учун уларда факторингни умумий кўлами ЯИМнинг салкам 1%га етганлиги ва унинг бир нечта турлари амалга оширилаётганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Кожина Л.М. (2008) ўзининг тадқиқот ишида факторинг амалиётини банк кредити билан таққослаб қўйидагича фикр билдирган. Факторинг амалиётида уч томон иштирок этади. Тижорат банки тўлиқ уч томонлама шартномани амалга ошириш жараёнида қатнашмасдан балки фақат хўжалик юритувчи субъектнинг дебиторлик қарздорлигини бошқариши ҳам мумкин. Ушбу фикрга қўшимча сифатида шуни айтиб ўтишимиз зарурки, ушбу амалиёт жаҳон тажрибасида тижорат банклари томонидан кенг қўлланилади. Зеро банклар молиявий ресурсларни бошқариш тажрибасига эга бўлиб дебиторлик қарздорлик ҳисобни яхшироқ олиб боришади.

Сафонова И. Ю. (ва бошқалар., 2022) ўз мақоласида факторинг амалиётини банк кредитидан афзал томонларини кўриб чиққанлар. Жумладан уларнинг таъкидлашларича факторинг амалиёти банк кредитидан фарқли ўлароқ хўжалик юритувчи субъект учун анча арзонга тушади. Ушбу амалиёт билан корхона операцион циклининг қисқаришига эришиши мумкин. Бу эса ўз навбатида корхонага қўшимча вақт ва маблағни тежашига олиб келади.

Иващенко Д.Э. (2018) нинг фикрига кўра Россияга ривожланган давлатлар томонидан турли хил санкцияларни жорий қилиниши бир томондан иқтисодиётни пасайишига олиб келган бўлса бошқа томондан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ва бозорда рақобатбардош бўлишига ундайди. Бундан ташқари хориж банкларидан кириб келаётган арзон кредит ресурсларини тўхташи, факторингни тижорат банклари томонидан кенг қўлланишига олиб келмоқда. Ўзи умуман факторинг амалиётининг кризис ҳолатларда кенг ривожланиши дунё олимлари томонидан тасдиқланган (W.Bogdan ва A.Ostrouska 2017).

3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада хорижий адабиётларни таҳлил қилган ҳолда факторинг амалиёти бўйича мавжуд муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, меъёрий

хуқуқий ҳужжатлардаги камчиликларни аниқлаш уларни бартараф етиш йўллари келтириб ўтиш. Қолаверса мақолада анализ, синтез, гуруҳлаш, таққослаш ва коэффициентлар каби усуллардан самарали фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Ҳозирги пайтда республикада факторингни асосан тижорат банклари амалга оширмоқда. Олиб борилган тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатимиз тижорат банклари активлари таркибида факторинг операцияларининг улуши жуда кам, энг ёмони, унинг ривожланиш суръати юқори эмас. Олиб борган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, мамлакатимиз тижорат банкларида факторингнинг ривожланиши билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш йўллари таклиф қилинди. Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 3 августдаги 953-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги (Низом 2000) Низоми 2021 йил 31 мартдан ўз кучини йўқотди. Ушбу Низомнинг ҳозирги вақтда республикада олиб борилаётган иқтисодий ривожланиш талабларига жавоб бермаслиги амалда исботланди. Ҳозирги вақтда республикада тижорат банклари факторинг амалиётини амалга оширишини тартибга солиш бўйича ягона норматив ҳужжат мавжуд эмас. Ўз навбатида, кўпчилик тижорат банкларида факторинг амалиётини амалга ошириш бўйича ўз ички тартиблари ишлаб чиқилмаган. Улар факторинг амалиётини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий бўшлиққа дуч келдилар. Натижада, банklar амалга ошириб турган регресс ҳуқуқисиз факторинг операциясини ўтказиш ҳам тўхтатиб қўйилди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги (Фармон 2022) ПФ-60-сон Фармонида асосан, 2022 йилнинг охиригача илғор хорижий тажриба асосида факторинг амалиётини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳукумат томонидан тайёрланиши кўрсатилган. Ушбу ҳужжатни тайёрлашда хатоларга йўл қўймаслик учун хориж тажрибасини ўрганиб, уларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги (Низом 2000) 953-сонли Низомни ҳам танқидий ўрганиб, ундаги камчиликларни янги норматив ҳужжатда такрорламаслик лозим. Зеро, Низом бўйича факторинг амалиётини фақат лицензияга эга бўлган тижорат банкларида амалга оширилиши кўрсатилган эди. Бошқа томондан, тижорат банклари томонидан факторингни фақатгина регресс ҳуқуқисиз турини амалга ошириш мумкин бўлган. Ҳолбуки, хорижий давлатларда факторингнинг бошқа турлари ҳам тижорат банклари ва факторинг компаниялари томонидан қўлланиб келинмоқда.

Шунингдек, Низомда факторингни амалга ошириш муддати 90 кун деб белгиланган эди. Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда ички ва ташқи факторинг муддати ўртача 90-180 кун бўлиши мумкин. Низомда тижорат банки томонидан факторингни молиялаштириш босқичлари қандай амалга оширилиши ҳам кўрсатилмаган. Хорижий амалиётда факторинг жараёни икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда факторинг суммасининг 50-70% и сотувчи фойдасига молиялаштирилса, иккинчи босқичда эса, харидордан дебиторлик суммаси тўлиқ ундирилгандан сўнг, факторингнинг қолган 30-50 фоизи сотувчига ўтказиб берилади. Фикримизча, тижорат банки томонидан молиялаштириладиган сумма икки босқичда амалга оширилса, дебитор

қарздорликни харидор томонидан ўз вақтида тўланмаслиги оқибатида келиб чиқадиган турли рисклар олди олинади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, агар мамлакат ҳудудида факторингни амалга оширишда ягона норматив ҳужжат мавжуд бўлмаса, унда Фуқаролик кодексига мурожаат қилинади. Энг муҳими, мамлакатимизда факторинг амалиётини ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат Фуқаролик кодекси билан мувофиқ бўлиши лозим.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида «факторинг»ни амалга ошириш бўйича моддалар мавжуд эмас, балки факторинг ўрнига «пул талабномасини бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси» деб келтирилган (Фуқаролик Кодекси 1995, 1996). Хориж тажрибасида факторинг бўйича аниқ бир норматив ҳужжат бўлмаганда, ушбу давлатнинг Фуқаролик кодексида факторингни «пул талабномасини бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси» деб кетилган жойда «факторинг» атамаси қўшимча қилиб кетилган. Шунинг учун, Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексида факторинг бўйича моддаларнинг киритилиши мамлакатимизда факторингнинг ривожланиши учун ҳуқуқий муаммоларни бартараф этади (Ф.Додиев, Ф.Бобобеков 2021).

Мамлакатимизда тижорат банкларида факторинг операцияларининг барча замонавий турлари амалга оширилмасдан келинмоқда. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда йиллар давомида факторингни фақат регресс ҳуқуқисиз тури амалга ошириб келинган. Факторингнинг ушбу турида тижорат банклари дебитор қарздорликни молиялаштириш ва харидордан ушбу суммани талаб қилишда маълум рискларни ўз зиммасига олади. Шунинг учун ҳам тижорат банклари факторингнинг ушбу турини амалга оширишга қизиқишмаган.

Хориж тажрибасидан маълумки, факторингнинг регресс ҳуқуқисиз тури, асосан, ривожланган давлатларда кенг қўлланилади. Зеро, уларда хўжалик субъектлари ўртасида тўлов интизоми яхши йўлга қўйилган ва дебиторлик қарздорлигини ўз вақтида қайтаришда муаммо мавжуд эмас. Шунинг учун, тижорат банклари ва айниқса, хўжалик субъектлари факторингнинг айнан шу турини танлашади. Ривожланаётган давлатларда, асосан, факторингнинг регресс ҳуқуқи ва реверсив турлари қўлланилади. Чунки тижорат банки дебитор қарздорликни молиялаштиргандан сўнг, унинг харидордан қайтарилмаслик rischi сотувчи ва банк ўртасида бўлинади. Шунинг учун ҳам республикаимизда факторингнинг регресс ҳуқуқи ва реверсив турини жорий этиш лозим, бунинг янги қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатиш лозим. Натижада, факторинг амалиёти хўжалик субъектлари ўртасида кенг тарқалади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, факторингни ривожлантириш йўлида бир қатор хорижий молия институтлари томонидан, факторинг бўйича қабул қилинган Халқаро конвенциялар (УНИДРУА 1988 ва ЮНСИТРАЛ 2001)ни ратификация қилиш ёки ушбу Конвенциялардан фойдаланиш кўплаб ҳуқуқий муаммоларнинг олдини олади. Бироқ, Ўзбекистон ушбу Халқаро Конвенцияларни ратификация қилмаган.

Мамлакатлар ўртасида маълумотларни узатиш, маҳсулотлар ва хизматларни сотишни мониторинг қилиш, факторинг операциялари жараёнида томонларнинг ўзаро манфаатлар тенглигини назорат қилишда УНИДРУА Конвенцияси муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам уни ратификация қилиш факторингни, айниқса, халқаро факторингни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Тижорат банклари ва хўжалик субъектлари хорижий ҳамкорлари билан факторинг операцияларини амалга оширишда юзага келадиган турли хил муаммоларни бартараф этишда ушбу Конвенцияларнинг муҳим норматив ҳужжат сифатидаги роли каттадир. Фикримизча, мамлакатимизда мазкур Конвенцияларни

ратификация қилиш ва унинг керакли моддаларидан факторингни ривожлантириш учун қабул қилинадиган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари халқаро факторинг уюшмаларига аъзо бўлишга катта қизиқиш билдирмаяпти. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, факторингнинг ривожланишида Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI)нинг роли беқиёс ҳисобланади. Аммо Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда фақатгина “Капиталбанк” ушбу Ассоциацияга аъзо бўлган¹. Мамлакатимизни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини ҳисобга олсак, албатта, республикаимиз тижорат банкларининг Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI)га аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириши керак². Мазкур халқаро ассоциацияга аъзо бўлишнинг бир қанча ижобий томонлари мавжуд. Биринчидан, агар экспортёрлар ўз маҳсулотини сотиш жараёнида факторинг хизматидан фойдаланса, уларнинг халқаро бозорларга кириб бориши осонлашади. Иккинчидан, факторинг билан шуғулланадиган тижорат банки чет эл бозорига чиққанда уларда молиявий ва ҳуқуқий муаммолар пайдо бўлса, Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI) уларни тезда бартараф эта олади. Учинчидан, маъмурий ва комплекс харажатларнинг қисқариши, пул ўтказмалари ва пул айланмалари тезлигини оширади. Энг асосийси, факторинг амалиётининг икки контурли ишлаш тизимига ўтиш имконияти яратилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг факторинг бўйича амалга оширган операцияларини 2003-2020 йиллар давомида таҳлил қилганимизда шу нарса аниқландики, (Ф.Р.Бобобеков 2023) факторинг амалиёти, асосан, йирик нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари билан амалга ошириб келинган. Ушбу корхоналарнинг факторингдан фойдаланиш тенденцияси тебранувчан бўлиб, доимий характерга эга эмас. Тижорат банки факторингни амалга оширишда ундан фойда кўриш эмас, балки маълум бир вақт давомида корхоналарни муддати ўтган қарздорлигини камайтириш воситаси сифатида фойдаланган.

Тижорат банки йиллар давомида факторинг хизматини фақат йирик ва узоқ муддат давомида ҳамкор бўлган мижозларига кўрсатган. Бу эса, ушбу молиявий хизмат турини фақат тор доирадаги мижозларга амалга оширилишига олиб келса, бошқа ҳолларда эса, тижорат банкининг факторингни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес вакиллари факторинг амалиётидан деярли фойдаланмайди. Бироқ, дунё тажрибасидан маълумки, факторинг компаниялари ва тижорат банклари факторинг амалиётини, асосан, кичик ва ўрта бизнес вакилларига кўрсатиб келмоқда. Уларнинг маҳсулотларни сотиш жараёнида бозорда рақобатбардош бўлиши, баъзилари эса, молиявий жиҳатдан етарлича таъминламаганлиги ҳисобидан факторинг бозорини асосий иштирокчилари ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикаимизда кичик ва ўрта бизнес вакиллариининг факторинг амалиётидан фойдаланмаслигининг бир қанча сабаблари мавжуд. Жумладан:

- факторинг хизматини амалга ошириш учун кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари тўлов қобилиятининг пастлиги ва кўп ҳолларда молиявий ҳолати тижорат банклари учун хатарли эканлиги сабабли уларга факторинг хизмати кўрсатилмайди;

¹АТБ «Капиталбанк» Халқаро факторинг ассоциацияси аъзоси бўлди 30.06.2021. Банкнинг асосий сайтидан олинган маълумот. <https://kapitalbank.uz>

²Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI) маълумотларига таянадиган бўлсак, факторинг компания ва тижорат банкларининг кириш аъзолик бадал тахминан € 11 минг.еврони ташкил қилади. Аъзо бўлиш шартларидан яна бири – уларнинг активлари 2 млн.еврони ташкил қилиши керак.

- тижорат банклари учун кичик ва ўрта бизнес субъектларининг дебиторлик қарздорлиги суммаси ёки амалга оширилган савдо ҳажмининг тенденцияси эмас, балки уларнинг молиявий ҳолати муҳим ҳисобланади;

- хўжалик субъектлари ва тадбиркорлар ўртасида факторинг операциялари етарли даражада оммалашмаган, кўп ҳолларда хўжалик субъектлари унинг бошқа молиявий хизматлардан қандай фарқланиши ёки уларнинг қулайлиги бўйича маълумотга эга эмас.

Факторинг амалиётини кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўртасида ривожлантириш ва юқорида келтирилган мауаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги ечимларни таклиф қиламиз:

- тижорат банклари факторинг ҳақида ўзининг расмий сайти ва мобил иловаси орқали кенгроқ маълумот бериши лозим. Хориж тажрибасидан маълумки, факторингнинг кенг тарқалишига унинг кенг жамоатга тарғибот қилинганлиги ҳам ўз натижаларини берган;

- хориж тажрибасидан келиб чиқиб, давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун махсус фондлар орқали факторингни молиялаштириш амалга оширилади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида»ги 77-сон қарорининг 2-иловасига ўзгартириш киритилиши лозим (Қарор 2021). Зеро, ушбу қарор асосида ташкил қилинган фонд орқали тадбиркорлик субъектларига олинган кредит суммасининг бир қисмига Ҳукумат томонидан кафолат берилади. Бироқ ушбу фонддан факторинг амалиёти учун ҳам маблағ ажратишни йўлга қўйиш лозим.

Факторинг амалиётининг ҳужжат шаклидаги битимлардан электрон тизимга ўтиши бутун дунёда факторинг компаниялар ва тижорат банклари учун муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Республика банкларида факторинг амалиётини электрон кўринишда амалга ошириш тажрибаси мавжуд эмас. Жумладан:

- тижорат банклари мижозлар билан факторингни амалга оширишда электрон платформадан фойдаланмайди;

- тижорат банклари факторинг амалиётини амалга оширишда мижозлар сегментацияси ва уларнинг молиявий ҳолати бўйича электрон база мавжуд эмас.

Дунё тажрибасидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, факторинг амалиёти рақамли платформаларда тез ва сифатли бажариб келинмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан аъзо давлатларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, уларнинг бир нечтасида факторинг амалиёти умуман электрон платформага ўтказилмаган. Ўзбекистон ҳам ушбу давлатлар рўйхатига киритилган (Ф.Бобобеков 2020).

Электрон факторинг операцияларининг афзаллик томонларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

- тижорат банкларининг факторинг операцияларини электрон равишда амалга ошириши, бир томондан, рақобатни кучайтириш ва бошқа банклар билан ўзаро рақобат қилишда устунлик берса, бошқа томондан, уларнинг молиявий ҳолатига ҳам ижобий таъсир қилади. Тижорат банклари учун бу платформада битимлар хавфсизлигини кафолатлаб, томонлар ўртасидаги тўғридан-тўғри электрон алоқа тизимини ўрнатиш имконияти мавжуд. Платформа операциялар самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтирган ҳолда мижозлар базасини кенгайтириш имконини беради. Мижоз билан шартнома тузишда қайта-қайта битим тузмасдан, балки бир марта рўйхатдан ўтишнинг ўзи кифоя. Платформада турли хил банк мижозлари жойлашган ва банк улар ичидан ўзига мақбулини танлаш имконияти

мавжуд. Талаб ва таклифдан келиб чиқиб, оптимал нарх сиёсатини олиб бориш ва реал вақт режимида ҳамма воқеалардан хабардор бўлиш имконияти бор;

- сотувчи учун қулай тарафлари: маҳсулотларни факторинг платформасида рўйхатдан ўтиш; дебиторлик қарзларини аукцион кўринишда ёки буюртма шаклида платформага қўйиш имконияти мавжуд; мураккаб бир неча босқичли ҳужжатлар алмашинувига чек қўйилиши; вақт ва маблағни тежаш имкониятини беради;

- харидорга қулай томонлари: мол етказиб берувчидан харид қилинган товар учун қисқа фурсатда ҳисоб-китоб қилиш; реверсив факторингни амалга оширишда кўп сонли мижозлар билан ҳисоб-китоб қилмасдан, балки тижорат банки билан ҳамкорлик қилади; шартнома бўйича сотувчидан харид қилинган маҳсулотни ҳисоб-китоб қилиш учун маълум вақт талаб қилинса ва ушбу шартномага яна факторинг амалга ошрилса, харидорда яна қўшимча вақт пайдо бўлади.

Хориж тажрибасидан маълумки, факторинг ривожланишининг асосий сабабларидан бири тўлов интизомининг яхши йўлга қўйилганлигидир. Бироқ, республикамізда ушбу масала тижорат банклари ва хўжалик субъектлари ўртасидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Марказий банк маълумотларига таянадиган бўлсак, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳажмида муаммоли кредитлар улуши 2022 йил 1 март ҳолатига 17 477 млрд. сўм ёки 5,4% ни ташкил қилган бўлса, шундан 70% дан ортиғи юридик шахсларга берилган муддати ўтган кредитларни ташкил қилади³. Келтирилган рақамлардан ҳам билса бўладикки, юридик шахсларнинг тўлов интизومي яхши эмас. Айниқса, факторинг амалиётини амалга оширишда бошланғич тўлов ёки гаров талаб қилинмаслигини ҳисобга олсак, ушбу муаммо янада мураккаблашади. Мисол учун, тижорат банкига дебиторлик қарздорлигини дисконт ставкада факторинг орқали молиялаштириш учун хўжалик субъекти мурожаат қилди, лекин харидор дебиторлик қарзини банкка ўз муддатида тўлашни кечиктирмоқда, сабаби харидорнинг ҳам мижозлари унга ўз муддатида дебиторлик қарздорлигини тўламаган, натижада, тижорат банклари молиялаштирилган суммани ўз вақтида ололмайдди. Бу эса банкни муддати ўтган қарздорликнинг ошишига олиб келмоқда. Шу боисдан, тижорат банклари факторинг операцияларини амалга оширишга хайрихоҳ эмас. Улар кўп йиллар банк мижози бўлган хўжалик субъектлари билан факторинг амалиётини ўтказмоқда. Бу эса, охир-оқибат, факторинга бўлган ишонч ва талабнинг пасайишига олиб келмоқда.

Факторинг амалиётини бажаришда малакали кадрларнинг етишмаслиги. Факторинг амалиёти тижорат банкларимиз амалиётида кенг тарқалмагани учун малакали кадрлар масаласи ҳам банklar томонидан ўртага ташланмайдди. Тижорат банклари, одатда, факторинг кўникмалари амалиётда тажрибалироқ мутахассис томонидан ёш кадрларга ўргатилади. Муаммо, айниқса, вилоятларда яққол кўзга ташланади. Бу борада, фикримизча, банklar кесимида уларнинг ходимлари учун факторинг бўйича қисқа муддатли ўқув амалий курсларининг олиб борилиши тез фурсатда ўз натижасини беради. Қолаверса, мамлакатимизда факторинг амалиётидан хўжалик субъектлари учун дебиторлик қарздорлигини молиялаштириш ва унинг ҳажмини камайтириш сифатида эмас, балки ўта зарур ҳолларда молиявий муаммоларни ҳал қилишнинг охирги чораси сифатида фойдаланилмоқда.

5. Хулоса.

Тижорат банкларида факторинг хизматининг ривожланиши ва ундан барча мижозлар бирдек фойдаланиши учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

³ Марказий банк маълумотлари асосида <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/608116/>

- мижозларга факторинг хизматини кўрсатиш ва дисконт фоиз ставкасини белгилашда ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув кераклиги;
- мижозларни сегментлаш ва уларга факторингнинг кредитдан афзал томонларини кўрсатиб ўтиш;
- тижорат банклари ва хўжалик субъектларига ўзларига қулай бўлган факторинг турларини амалга оширишга имконият яратиш лозим.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда факторингни ривожлантириш учун ягона ахборот базасининг йўқлиги тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Яъни тижорат банклари томонидан факторинг амалиёти бўйича хизмат кўрсатилганда, кўп ҳолларда, хўжалик субъектларининг молиявий аҳволи ва тўлов қобилиятини аниқлашда қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Банк мижозлари (мол етказиб берувчи ва харидор)нинг факторинг шартномасини бажариш учун уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиши лозим.

Тижорат банклари учун тўлов интизомини яхшилаш, мижозларни сегментлаш, ҳар бир мижоз билан алоҳида ёндашув ва молиялаштирадиган суммага лимит қўйиш бўйича чора-тадбирларни қўллаши ўз натижасини беради.

Адабиётлар:

Bogdan Wtodarczyk, Aleksandra Ostrouska (2017) "The Factoring market in Polland and Europen Union" Olstyn Economic Journal,12(3) pp-307-321.

Jim Pendergast (2023) <https://altline.sobanco.com/bank-factoring-company/>

Khaled Soufani (2002) «The Decision to Finance Account Receivables: The Factoring Option» Managerial and Decision Economics. 2002 Vol.23, pp-21–32

Бобобеков Ф.Р. (2020) Ўзбекистонда факторинг амалиётининг ҳуқуқий асослари "UzBridge" электрон журнали 3-сон 2020 йил 33-44бетлар.

Бобобеков Ф.Р. (2023) Тижорат банкларида факторинг амалиётининг жорий ҳолати таҳлили. / Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали/ 3-сон июл 2023.

Додиев Ф., Ф.Бобобеков Ўзбекистон тижорат банкларида факторингни янги маҳсулот сифатида амалиётга жорий қилишдаги муаммолар. "Молия-банк тизимида илм-фан, таълимнинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришда Тошкент молия институтининг ўрни Мавзусида республика илмий-амалий он-лайн конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2021 йил 532-536 бетлар

Ермекова Ж.Ж (2016) Факторинг как современный антикризисный продукт и его перспективы развития в Казахстане. KazNU Bulletin. Economics series. 2016, №5 (117). 264-269стр.

Иващенко Д.Э. (2018) Возможные пути решения проблемы недостатка оборотных активов организации. Journal of Economy and Business, vol.9 <https://www.scientific-publications.net/en/open-access-journals/economy-and-business/>

Кодекс (1995, 1996) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси I,II қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995 й. 163-I-сон ва 29.08.1996 й. 256-I-сон қонунлари билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-I-сон қарорига мувофиқ 01.03.1997й. эътиборан амалга киритилган. <https://lex.uz/docs/111189>

Кожина Л.М. (2008) Снижение риска выполнения факторинговых операций. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Москва, 2008, –151стр.

Низом (2000) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Низоми. Тошкент ш., 2000 йил 3 август, 953-сон Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг

операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида. (Хужжат амалда 21.03.2021 йилдан ўз кучини йўқотган) <https://lex.uz/docs/776103>

Сафонова И.Ю., Казакова Д.А. (2022) Проблемы и перспективы развития факторинговых операций коммерческих банков РФ. Вопросы студенческой науки. 2022. №12 (76), декабрь. 272-277стр.

УНИДРУА (1989) Факторинг бўйича Халқаро Конвенция УНИДРУА (UNIDROIT Convention on International Factoring) Канада, Оттава, 28 май 1988 йил. <https://www.unidroit.org/instruments/factoring/>

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, 29-мақсади, 128–параграфида Президентимиз томонидан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда 2022 йил охиригача, факторинг амалиёти бўйича норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юклатилган.

ЮНСИТРАЛ (2001) Халқаро Савдода дебиторлик қарзларини воз кечиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг Конвенцияси. 56-сессия 31 декабрь, 2001йил, БМТ Бош штаби, Нью-Йорк шаҳри. <https://uncitral.un.org/en>

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Тошкент ш., 2021 йил 17 февраль ВМҚ-77сон. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида <https://lex.uz/docs/5293707>



ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ғаффоров Ш.Н.
Фискал институт

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислохатлари натижасида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, қўшилган қиймат солиғи, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ ставкаси.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы совершенствования администрирования налога на добавленную стоимость в результате проводимых в нашей стране налоговых реформ. Внесены предложения по упрощению администрирования налога на добавленную стоимость.

Ключевые слова: налог, налог на добавленную стоимость, налоговое администрирование, ставка налога.

Abstract. The article discusses issues of improving the administration of value added tax as a result of tax reforms carried out in our country. Proposals have been made to simplify the administration of value added tax.

Key words: tax, value added tax, tax administration, tax rate.

1. Кириш.

Ўзининг табиатига кўра, қўшилган қиймат солиғи мураккаб, кўп омилли, кўп қиррали бўлиб, унинг муаммолари замонавий моддий ҳаётнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг (2023) мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқида биз тадбиркорларга солиқ юкини кўпайтириш эмас, балки уларни қўллаб-қувватлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш ҳисобидан бюджетга тушумларни ошириш йўлидан бораёмиз. Ўтказилган сўровларда 62 фоиз тадбиркорларимиз солиқ соҳасидаги ислохотларимизни ижобий баҳолаган.

Мамлакатимизда қўшимча қиймат солиғининг суммаси йилдан йилга ошиб бормоқда. Уч йил давомида маҳаллий маҳсулотларга қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет даромадлари бир ярим баравар ошди – 2020-йилдаги 20,5 триллион сўмдан (2,1 миллиард доллар) 2022-йилда 32,8 триллион сўмгача (3,0 миллиард доллар). Импорт бўйича қўшилган қиймат солиғи шу даврда деярли икки бараварга ўсди – 19,7 триллион сўмдан 38,7 триллион сўмгача. Ўтган йили ҚҚС даромадлари давлат бюджети даромадларининг учдан бир қисmini таъминлади.

2022-йилда йиғилган ҚҚСдан 71,5 триллион сўм белгиланган 53,3 триллион сўмдан сезиларли даражада ошиб кетди. 2023-йилда Ўзбекистон бюджетига 63,8 триллион сўм миқдорида қўшилган қиймат солиғи тушумлари кутилмоқда. ҚҚС тўловчилар сони 2022-йилнинг ўзида 14,4 фоизга ўсди ва декабр ойида 171,9 мингтани ташкил қилди¹. 2023 йил 1 май ҳолатига кўра, ҚҚС тўловчилар сони 180 мингдан ошди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқотнинг муаммосига бағишланган илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу мавзунини хорижий олимлар ва бошқалар тадқиқ этилган.

А.Ваҳобов ва А.Жўраевлар (2009) қўшилган қиймат солиғининг моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: Қўшилган қиймат ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир.

М.Йўлдошев ва Й.Турсуновларнинг (2000) фикрича, қўшилган қиймат солиғи дейилишига сабаб товарлар, ишлар ёки хизматларни ишлаб чиқаришда қатнашишнинг ҳар бир босқичида қийматга қўшилаётган қисмидан солиқ олинади ва соф даромаднинг бир қисмини бюджетга олишнинг шакли бўлиб ҳисобланади.

Ш.А.Тошматов ўзининг илмий ишларида ҚҚСга кенгроқ таъриф беришга ҳаракат қилган: Қўшилган қиймат деганда, ашёвий ресурслар харид баҳосига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшилган, товар ва хизматларнинг бозорда сотилиш нархига кирган устама қиймат тушунилади ва товар харажатлари, нафлиликни бозор тан олган ҳамда уларнинг пул эквиваленти берилганлигини билдиради. Товар ва хизматларга қўшилган қийматнинг миқдорини аниқлаш, бу товар сотилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Бундан шу нарса келиб чиқадики, қўшилган қиймат бу ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир.

А.Т.Мухановнинг (2023) ёзишича, ҚҚС - фойдаланиш ёки истеъмол қилиш учун сотилаётган кўпгина товар ва хизматлардан олинаётган истеъмол солиғи. У ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг ҳар бир босқичида маҳсулотнинг "қўшилган қиймати" дан ундирилади. "Қўшилган қиймат" маҳсулот / хизматга инвестиция қилиш қиймати ва истеъмолчига сотилаётган нарх ўртасидаги фарқни англатади.

Н.З.Зотиковни (2019) таъкидлашича, Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) - маҳсулот, иш ёки хизмат таннархининг бир қисмини ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида яратилаётган ва сотилганидан кейин бюджетга тўланаётган қисмини давлат бюджетига олиб қўйиш шакли. ҚҚСни қўллаш натижасида товар, иш ёки хизматнинг якуний истеъмолчиси сотувчи солиғини сотиб олинган бойликларнинг бутун қиймати бўйича тўлайди. ҚҚС билвосита солиқ бўлиб, унинг юки пировардида савдогарларга эмас, балки якуний истеъмолчиларга тушади.

Яна бир манбада қуйидаги фикрлар берилган: Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) - бу Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ҳудудида товарлар ёки хизматларни сотиш учун тўланаётган солиқ. Солиқ, барча ҳолларда, охир-оқибат, товар ёки хизматнинг якуний истеъмолчиси томонидан тўланиши керак. Таъминот занжиридаги ҳар бир томон (ишлаб чиқарувчи, улгуржи ва чакана сотувчи) ҚҚС йиғувчиси вазифасини бажаради².

Gail Cole (2021) илмий ишларида ҚҚСни қуйидагича таърифлайди: Қўшилган қиймат солиғи (VAT-ҚҚС) - товарлар ва хизматлар етказиб бериш занжири бўйлаб ҳаракатланаётганда қўшилган қиймат бўйича ҳисобланган кенг истеъмол солиғи.

¹ Снижение НДС в Узбекистане поможет увеличить поступления в бюджет и стимулирует бизнес-активность долгосрочно. <file:///C:/Users/Fiscal%20Institut/Desktop.htm>. 22.04.2023.

² <https://www.revenue.ie/en/vat/what-is-vat/index.aspx>. Published: 09 February 2023.

Ж.Уедани (2011) ёзишича, ҚҚС истеъмол солиғи ҳисобланганлиги сабабли унинг идеал базаси – яъни жами якуний истеъмол харажатлари бизнес циклари давомида бир мунча барқарор бўлиб, ҚҚС базасини ҳам барқарорлигини назарда тутуди, аммо амалиётда, ҚҚС даромадлари баъзан ЯИМ ёки якуний истеъмолга нисбатан анча таъсирчан ҳисобланади. Давлат бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилган солиқ тизимининг ривожланиш тарихида, қўшилган қиймат солиғини жорий этилиши XX аср иккинчи ярмида ушбу йўналишдаги энг муҳим кашфиётлардан бири ҳисобланади.

Ф.Давлетовни (2023) такидлашича, Мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг ўсишига ижобий таъсир ҚҚС ставкасининг 15% дан 12%гача пасайиши мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

3. Тадқиқот методологияси.

Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини тадқиқ этишда иқтисодий таҳлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди. 2018-2022 йилларда республикамізда қўшилган қиймат солиғи бўйича занжири яратилиши борасида амалга оширилган ислохотлар ва солиқ имтиёзлари, солиққа тортиш механизми илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва маъмуриятчилиги кам харажатли бўлиши унинг самарадорлигини билдиради. Қўшилган қиймат маъмуриятчилигига янги рақамли технологияларни жалб этиш харажатларни соддалаштириши ва камайтириши мумкин.

Е.В.Смирнованинг (2018) фикрича, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва маъмуриятчилиги методикасини нафақат давлат, балки солиқ тўловчи манфаатларини кўзлаб ислоҳ қилиш зарур, бу эса солиқ қонунчилигига таклиф этилаётган ўзгартиришларнинг барча ижобий ва салбий оқибатларини синчиклаб ўрганиб чиқишни талаб қилади.

Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш борасида доимий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунга яққол мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292 сон қарорини келтириш мумкин. Ушбу қарор “Йўл харитаси”нинг V-бўлимида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш белгиланган бўлиб, қуйидагилар келтирилган:

қўшилган қиймат солиғининг салбий суммаси ўрнини қоплашда (қайтаришда) солиқ узилиши (tax gap) коэффициентини қўллаш амалиёти тақиқланади;

қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби бекор қилинади (амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига номувофиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно).

Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғининг ставкаси йилдан йилга пасайиб бормоқ, бу эса тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдан далолатдир (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан 2019 йилнинг 1 октябрдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Ўзбекистон

Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон Қонунига асосан 2023 йил 1-январдан ҚҚС ставкаси 12 фоиз этиб белгиланган.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғининг 2018-2023
йиллардаги ўзгариш динамикаси³**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2018	2019	2020	2021	2022	2023
1	Қўшилган қиймат солиғи ставкаси, фоизда	20	20/15	15	15	15	12

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида қўшилган қиймат солиғининг улуши йилдан йилга камайишига қарамасдан, ҳали ҳам сезиларли (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари манбаида 2020-2022 йилларда қўшилган қиймат солиғининг ўсиш динамикаси⁴, млрд. сўмда

Кўрсаткичлар	2020 йил	жамига нисбатан % да	2021 йил	жамига нисбатан % да	2022 йил	жамига нисбатан % да
Давлат бюджети даромадлари	132938	100	164681	100	202043	100
Билвосита солиқлар – жами	46 428	34,9	56 292	34,2	71 390	35,3
Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)	31 177	23,5	38 439	23,3	52 189	25,8
Акциз солиғи	11 697	8,8	13 088	7,9	13 455	6,7
Божхона божи	3 554	2,7	4 765	2,9	5 746	2,8

2-жадвал маълумотларига таянадиган бўлсак, 2022 йил ҳолатига, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича тушумлар 2022 йилда 52,2 трлн. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 13,8 трлн сўмга ёки 35,8%га ошди. 2022 йилда ҚҚС бўйича давлат бюджетига солиқ органлари томонидан 32,8 трлн сўм (2021 йилга нисбатан 28,3%га кўпроқ), божхона органлари томонидан 38,7 трлн сўм (2021 йилга нисбатан 41,8%га кўпроқ) ундирилди.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ўндириш механизмидаги муаммолар:

- солиққа тортиш тизимининг мураккаблиги;
- солиққа тортиш базасини аниқлашдаги ноаниқликлар;
- солиқдан қочишдаги муаммолар;
- солиққа тортиш билан боғлиқ маъмуриятчилигидаги юқори босим ва бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги;
- солиқ рисклари ва низолар даражасининг юқорилиги;
- тадбиркорларнинг рақобатбардошлигининг пастлиги ва бошқалар.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва унинг ечимлари:

- қўшилган қиймат солиғи тизимини соддалаштириш;
- қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашни ва тушунтиришларни унификациялаш;
- қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қочиш устидан назоратни кучайтириш

³ Жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган

⁴ Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг очик маълумотлари.https://old.mf.uz/media/file_uz/state-budget/2021/prevd_doxodi_2021_uz.pdf

ва рақамлаштириш;

- кадрлар малаксини замон талабларига мослаштириш;
- қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ундириш тизимини соддалаштириш асосида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш.

5. Хулоса.

Солиқ маъмуриятчилигида ўтказилган иқтисодий ислоҳатларга қарамасдан, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ундириш тизими мураккаблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292 сон қарорининг “Йўл харитаси”нинг V-бўлимида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ўндириш механизмидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар:

- қўшилган қиймат солиғи тизимини соддалаштириш;
- қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашни ва тушунтиришларни унификациялаш;
- қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қочиш устидан назоратни кучайтириш ва рақамлаштириш;
- кадрлар малаксини замон талабларига мослаштириш;
- қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ундириш тизимини соддалаштириш асосида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш.

Адабиётлар:

Gail Cole (2021) Value-added tax: What is VAT and who has to pay it? Jul 31, 2023. <https://www.avalara.com/blog/en/north-america/2021/07/what-is-vat.html>.

James K. (2011) “Exploring the Origin and Global Rise of VAT,” Manash University, Melbourne.

Ваҳобов А., Жўраев А. (2009) Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик /Ҳаммуал.. – Т.: “Шарқ” нашриёти.

Давлетов Ф. (2023) ҚҚСни камайиши Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини фаоллаштиради. <https://review.uz/oz/post/snijenie-nds-aktiviziruet-biznes-klimat-v-uzbekistane.7.09.2023>.

Зотиков Н.З. (2019) Добавленная стоимость: практика обложения // Вестник Евразийской науки, №3, <https://esj.today/PDF/73ECVN319.pdf>.

Йўлдошев М., Турсунов Й. (2000) Солиқ ҳуқуқи.—Тошкент: «Молия нашриёти.

Мирзиев Ш.М. (2023) Тадбиркорлик ривожини янада юксак босқичга кўтариш – устувор вазифамиздир. Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи. 18 август.

Муханов А.Т. (2023) Основное понятие налога на добавленную стоимость, его особенности и характеристика. Международный научный журнал. Вестник науки. № 1.

Смирнова Е.В. (2018) Совершенствование налогового администрирования НДС в интересах государства и налогоплательщиков. ЖУРНАЛ. Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Экономика. №1.

Тошматов Ш. (2004) Қўшилган қиймат солиғи. Монография, Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292 сон.



СОЛИҚ ТАҲЛИЛИНИНГ ФИСКАЛ СИЁСАТ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

и.ф.д., доцент Исаев Ф.И.

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

Аннотация. Солиқларни таҳлил қилиш бутун дунё ҳукуматлари, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам муҳим жараёндир, чунки у солиққа тортишнинг турли ўлчовларини баҳолаш имконини беради. Ушбу баҳолаш даромадларни режалаштириш, адолатли солиққа тортиш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш каби асосий фискал қарорлар ҳақида маълумот беради. Солиқларни таҳлил қилиш орқали ҳукуматлар, шунингдек, мувофиқликни кучайтириши, фискал барқарорликни таъминлаши ва жамоатчилик фикрини самарали бошқариши мумкин. Ўзбекистонда бундай таҳлилий ёндашув фискал муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва узоқ муддатли фискал барқарорликка эришиш учун асосий ҳисобланади.

Калит сўзлар: солиқ, фискал, даромад, шаффофлик, адолатлилик.

Аннотация. Налоговый анализ является важным процессом для правительств во всем мире, включая Узбекистан, поскольку он позволяет оценить различные аспекты налогообложения. Эта оценка служит основой для принятия ключевых бюджетных решений, таких как планирование доходов, справедливое налогообложение и разработка налоговой политики для поддержки экономического роста. Посредством налогового анализа правительства могут также улучшить соблюдение требований, обеспечить финансовую устойчивость и эффективно управлять общественным мнением. В Узбекистане такой аналитический подход необходим для решения финансовых проблем, содействия экономическому развитию и достижения долгосрочной финансовой стабильности.

Ключевые слова: налог, фискал, доходы, прозрачность, справедливость.

Abstract. Tax analysis is a critical process for governments worldwide, including Uzbekistan, as it enables the evaluation of taxation's various dimensions. This assessment informs key fiscal decisions, such as revenue planning, equitable taxation, and the design of tax policies to support economic growth. Through tax analysis, governments can also enhance compliance, ensure fiscal sustainability, and manage public perception effectively. In Uzbekistan, this analytical approach is fundamental for addressing fiscal challenges, fostering economic development, and achieving long-term fiscal stability.

Key words: tax, fiscal, income, transparency, fairness.

1. Кириш.

Солиқ ҳар қандай замонавий жамиятда ўз таъсирига эга бўлиб, ҳукуматларга асосий давлат хизматлари ва инфратузилмани молиялаштириш учун зарур бўлган даромадларни таъминловчи манба ҳисобланади. Бироқ солиқларнинг тузилиши ва амалга оширилиши фискал сиёсат самарадорлигига чуқур таъсир кўрсатиши мумкин.

Фискал тизимлардаги самарадорлик ҳукуматнинг исрофгарчилик ва иқтисодий бузилишларни минималлаштирадиган тарзда даромадларни ошириш қобилиятини англатади. Самарали фискал сиёсат зарур даромад олиш ва солиқ тўловчиларга ортиқча юкларнинг олдини олиш ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Фискал сиёсат самарасиз бўлса, улар иқтисодий самарадорликка, меҳнат ва инвестицияларни рағбатлантиришга ва умумий фаровонликнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Солиқ таҳлили фискал сиёсат самарадорлигини баҳолашнинг ҳал қилувчи воситасидир. Солиқлар тушиши, камайиши ва солиқ мослашувчанлигини ўрганиб, мутахассислар иқтисодий бузилишларни минималлаштириш мақсадида даромадларга бўлган эҳтиёжни мувозанатлаштирадиган солиқ тизимларини лойиҳалаш бўйича асосли қарорлар қабул қилишлари мумкин. Самарали фискал сиёсат нафақат асосий давлат хизматларини молиялаштиради, балки иқтисодий ўсиш ва умумий фаровонликка ҳам ёрдам беради.

Доимий ривожланаётган иқтисодий шароитда солиқ тизимини доимий равишда таҳлил қилиш ва пухта ўйланган солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш фискал сиёсат самарали ва жамият эҳтиёжларига жавоб беришини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Солиқ таҳлили унинг самарадорлиги ва таъсирини баҳолаш учун солиқ тизимининг турли жиҳатларини тизимли текширишни ўз ичига олади. У солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базалар, солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа риоя қилиш каби кўплаб масалаларни ўз ичига олади. Солиқ таҳлилининг мақсади иқтисодий хатти-ҳаракатлардаги бузилишларни минималлаштириш билан бирга даромадларни йиғишни оптималлаштиришдир.

2. Адабиётлар шарҳи.

Етарли даромадга эга бўлмаса, бутун дунё бўйлаб давлатлар ўзларининг кўп қиррали вазифаларини бажара олмайдилар (Л.Сеэлкопф ва бошқ., 2021). ОЭСД (2018) маълумотларига кўра, мамлакатлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун муҳим бўлган асосий хизматларни молиялаштириш учун ЯИМнинг камида 15 фоизини талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, “солиқ тизимларини мустаҳкамлаш - сиёсат ва маъмурият - ривожланишнинг асосий устувор йўналишидир” (Жаҳон банки, 2018).

Бошқа бир тадқиқотларда фискал тушунчаси шаффофлик нуқтаи назаридан ўрганилган бўлиб, унда солиқларнинг аҳамияти хусусида ҳам тўхталиб, адабиётлар таҳлил қилинган. Хусусан, Г.Копитс ва Ж.Крейг (1998) фискал шаффофликнинг таниқли таърифини беради ва уларга кўра, фискал шаффофликнинг муҳим элементи ҳукуматнинг бюджет прогнозлари ҳисобланади. Бутун дунё бўйлаб ҳукуматлар ҳукуматнинг молиявий ҳолати тўғрисида жамоатчиликнинг олдиндан билиш қобилиятини ошириш механизми сифатида бюджет тақчиллиги билан боғлиқ иқтисодий шаффофликни оширишга ҳаракат қилмоқда (Imf, 2012). Демак, фискал шаффофликнинг (фискал шаффофлик) турларидан бири аҳолининг бюджет тақчиллигини тўғри тахмин қилиш учун етарли маълумотларнинг етишмаслиги билан боғлиқ (Ж.Альт & Д.Лассен, 2006).

С.Бисвас ва бошқаларнинг (2017) таҳлили бизнинг таҳлилимиз учун айниқса фойдалидир, чунки улар даромадларни тақсимлаш бўйича қисқариш функцияси

орқали прогрессив солиқ сиёсати натижасида келиб чиқадиган даромадлар тенгсизлигидаги ўзгаришларни баҳолайдиган оддий ўлчовни таклиф қиладилар. Даромадларни солиққа тортиш орқали қайта тақсимлаш қашшоқликни юмшатиш орқали иқтисодий ўсишни яхшиласада, ўртача ўртачадан юқори бўлган уй хўжаликлари ва ўртача уй хўжаликлари ўртасидаги даромадлар тафовутини камайтириш орқали ўсишга зарар етказди. Ҳукуматлар тўғридан-тўғри ва прогрессив солиқларни ундирадилар, бу эса бойларнинг даромадларига нисбатан сезиларли таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, даромад солиғи ставкасини ошириш иқтисодий ўсиш эффектлари билан бой ва камбағал уй хўжаликлари ўртасидаги даромадлар тенгсизлигини камайтиришга қодир механизм бўлиши мумкин. Ниҳоят, камбағал уй хўжаликлари бой уй хўжаликларига қараганда камроқ маълумотга эга ва шунинг учун маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли (С.Балестра & Р.Тонкин, 2018), биз тахмин қилишимиз мумкинки, аҳолининг бюджет тақчиллиги (фискал шаффофлик) камбағал уй хўжаликларига бой уй хўжаликларига қараганда камроқ таъсир қилади ва шу билан ўсишга солиқ солиш орқали ассиметрик таъсирни оширади.

Г.Копитс ва Ж.Крейг (1998) фикрига кўра, ҳукумат фаолиятининг шаффофлиги фискал мувозанатнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бундан ташқари, ХВФнинг фискал шаффофлик кодексида фискал ва бюджет прогнозлари ҳукуматнинг сиёсий ниятларини давлат молияси ривожланишининг ҳар томонлама, ўз вақтида ва ишончли прогнозлари билан тақдим этиши кераклигини таъкидлайди (Imf, 2019). Умуман олганда, ошкораликнинг ошиши бюджет тақчиллигини камайтиришга олиб келади ва солиқ интизоми сиёсатини олиб боришни осонлаштиради, деган қараш мавжуд.

3. Таҳлил ва натижалар.

Солиқ таҳлили солиқ қонунлари ва қоидаларини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Солиқ таҳлили даромаддан самарали фойдаланишга ҳисса қўшиш билан бирга, адолатли солиқ тизимларини ишлаб чиқишда йўл-йўриқ кўрсатиши мумкин. Рақамли иқтисодиёт ва глобаллашув билан бирга солиққа тортишнинг ривожланаётган табиати, солиқ сиёсатининг самарали ва адолатли бўлишини таъминлаш учун доимий изланишлар талаб этилади.

Солиқ таҳлилининг муҳим жиҳатларидан бири солиқларнинг тушишини тушунишдир. Солиқ юкини ким кўтаради? Бу биринчи навбатда истеъмолчиларга, ишлаб чиқарувчиларгами ёки иккаласининг комбинациясигами? Солиқ ҳолатларини таҳлил қилиш мутахассисларга солиқларнинг тақсимланиш таъсирини ва улар маълум гуруҳларга, масалан, кам даромадли шахсларга номутаносиб равишда таъсир қиладими ёки йўқлигини тушунишга ёрдам беради.

Ривожланаётган иқтисодларда солиқ таҳлили ва фискал сиёсат самарадорлигига қўшилаётган ҳисса барқарор ривожланишни рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчилар солиқ сиёсати ички ресурсларни қандай сафарбар қилиш, қашшоқликни камайтириш ва мамлакатлар дуч келадиган ноёб муаммоларни ҳал қилишга эътибор қаратишлари керак. Фискал сиёсат самарадорлигини ўрганиш ҳукумат сиёсати ва иқтисодий натижалар ўртасидаги боғлиқликни тушуниш учун жуда муҳимдир. Бу соҳадаги ҳиссалар солиқ тузилмалари, давлат харажатлари ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги мураккаб ўзаро боғлиқликни ёритиши мумкин.

Солиқ таҳлили фискал сиёсат самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Солиқ таҳлили солиқ тизимининг турли жиҳатларини, жумладан, уни лойиҳалаш, амалга ошириш, иқтисодиёт ва жамиятга таъсирини баҳолаш ва

ўрганиш жараёнини англатади. Солиқ таҳлилини фискал сиёсат самарадорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган баъзи усулларни келтириб ўтамыз:

Даромадларни шакллантириш

Иқтисодий самарадорлик

Адолатлилик

Мувофиқлик ва ижро

Халқаро рақобатбардошлик

Маъмурий самарадорлик

Узоқ муддатли барқарорлик

1-расм. Солиқ таҳлилини фискал сиёсат самарадорлигига таъсир қилиш усуллари¹

1-расмда келтирилган усулларни изоҳлайдиган бўлсак, аввало, даромадларни шакллантиришда солиқ таҳлили ҳукуматларга турли чора-тадбирларининг даромад салоҳиятини баҳолашга ёрдам беради. Иқтисодий жиҳатдан самарали ва маъмурий жиҳатдан амалга оширилиши мумкин бўлган солиқ манбаларини аниқлаш орқали ҳукуматлар солиқ тўловчиларга ортиқча юкларни юкламасдан, ўзларининг даромадларини максимал даражада йиғишлари мумкин.

Солиқ таҳлили турли солиқ тузилмалари ва ставкаларининг самарадорлигини баҳолаши мумкин. Меҳнат ёки капиталга нисбатан юқори маржинал солиқ ставкалари каби иқтисодий фаолиятни бузувчи ва тўхтатувчи солиқлар аниқланиши ва иқтисодий ўсиш ва самарадорликни ошириш учун потенциал равишда ислоҳ қилиниши мумкин.

Солиқ таҳлили илғор ёки регрессив солиқ тизимлари тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, бу солиқ юкининг турли даромад гуруҳлари бўйича адолатли тақсимланишини таъминлайди.

Самарали солиқ тизими самарали риоя қилиш ва ижро механизмларига таянади. Солиқ таҳлили солиқ тўлашдан бўйин товлаш ёки ундан қочиш соҳаларини аниқлаши ва солиқ ставкаларини оширмасдан даромад йиғишни кучайтириши мумкин бўлган мувофиқликни яхшилаш стратегияларини таклиф қилиши мумкин.


Солиқ таҳлили мамлакат солиқ тизимининг халқаро рақобатбардошлигини баҳолашига таъсир қила олади, чунки юқори фойда солиқ ставкалари ёки ноқулай халқаро солиқ қоидалари хорижий инвестицияларни тўхтатиши ёки фойданинг ўзгаришини рағбатлантириши мумкин. Солиқ таҳлили инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий рақобатбардошликни ошириш учун ислохотлар йўналишларини аниқлашга ёрдам беради.

¹ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Маъмурий харажатлар ва солиқларни йиғиш ва уларга риоя қилишнинг мураккаблигини баҳолаш солиқ таҳлилининг муҳим қисмидир. Солиқ кодексини соддалаштириш ва солиқ юкларини камайтириш фискал сиёсатни янада самарали ва тежамкор қилиш имконини беради. Шунингдек, солиқ таҳлили фискал сиёсатнинг узоқ муддатли барқарорлигини ҳам кўриб чиқиши мумкин. Бунга аҳолининг қариши каби демографик ўзгаришларнинг молиявий таъсирини баҳолаш ва солиқ сиёсатининг вақт ўтиши билан барқарор бўлишини таъминлаш киради.

Шуни айтиш мумкинки, солиқ таҳлили солиқ органларини турли солиқ сиёсатларининг иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий оқибатлари тўғрисида хабардор қилиш орқали самарали фискал сиёсатни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ҳукуматларга даромад олиш, иқтисодий ўсиш, адолат ва маъмурий мақсадга мувофиқлик ўртасидаги мувозанатни сақлашга ёрдам беради ва натижада фискал сиёсатнинг умумий самарадорлигига ҳисса қўшади.

Шу ўринда самарадорликка йўналтирилган солиқ таҳлилининг айрим таъсирларини ҳам эътироф этишимиз лозим (2-расм)



2-расм. Самарадорликка йўналтирилган солиқ таҳлилининг таъсири²

2-расмни кўриб чиқадиган бўлсак, солиқ таҳлилининг таъсирларини кетма-кетликда таҳлил қилсак. Ҳукумат кўпинча самарадорликни ошириш учун кенгроқ иқтисодий фаолият ёки даромад манбаларини ўз ичига олган ҳолда солиқ базасини кенгайтиришни мақсад қилади. Кенгроқ солиқ базаси солиқ ставкаларини пасайтириш, иқтисодий бузилишларни камайтириш имконини беради.

Мураккаб солиқ кодекси мувофиқлик муаммоларига ва маъмурий харажатларнинг ошишига олиб келиши мумкин. Вақт ўтиши билан солиқ кодекси ҳаддан ташқари мураккаблашиши, бу эса мувофиқлик муаммолари ва маъмурий қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Ислохотлар бўйича саъй-ҳаракатлар солиқ тизимини соддалаштириши мумкин, бу эса солиқ тўловчиларга қоидаларни тушуниш ва уларга риоя қилишни осонлаштиради. Солиқ кодексини соддалаштириш мувофиқлик юкини камайтириш орқали самарадорликни ошириши мумкин.

Пигувиан солиқлари ташқи харажатларни (масалан, ифлосланиш) ичкилаштириш орқали бозордаги муваффақиятсизликларни тузатиш учун мўлжалланган. Солиқларни ташқи омилларга мослаштириш орқали фискал сиёсат ресурсларни самарали тақсимлашга ёрдам беради.

² Муаллиф томонидан шакллантирилган.

“Пигувиан солиқлари” маълум иқтисодий фаолият билан боғлиқ салбий ташқи таъсирларни тузатиш ёки юмшатиш учун мўлжалланган солиқларни англатади. Бу солиқлар 20-аср бошларида концепцияни ишлаб чиққан инглиз иқтисодчиси Артур Пигу номи билан аталган. Пигуви солиқларининг асосий мақсади фаолиятнинг шахсий харажатларини унинг ижтимоий харажатлари билан мослаштиришдир. Жисмоний шахслар ёки фирмалар ўз ҳаракатларининг жамиятга салбий таъсирини тўлиқ ҳисобга олмасалар, Пигувиан солиқлари ушбу салбий ташқи таъсирларни камайтириш ёки йўқ қилиш учун иқтисодий туртки бериши мумкин. Ҳукумат ташқи харажатга тенг солиқ солиш орқали масъул томонни бошқаларга юкланган зарар ёки харажатларни тўлашни мақсад қилади.

Пигувиан солиқлари ташқи таъсирларни ҳал қилишда бозорга асосланган ёндашув ҳисобланади, чунки улар хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришини рағбатлантириш учун нарх сигналларига таянади. Ташқи харажатларни ўз ичига олган ҳолда, улар шахслар ва фирмаларни ўз ҳаракатларининг тўлиқ ижтимоий таъсирини ҳисобга олишга ва кўпроқ ижтимоий масъулиятли танловлар қилишга ундайди. Шу билан бирга, Пигувиан солиқларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мураккаб бўлиши мумкин ва уларнинг самарадорлиги солиқ ставкасини ташқи харажатларни тўғри акс эттирадиган ва ортиқча иқтисодий зарар этказмасдан, керакли хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришини рағбатлантирадиган даражада белгилашга боғлиқ.

Солиқ тизимлари ўзгарувчан иқтисодий шароит ва ижтимоий эҳтиёжларга мослашиш учун даврий равишда қайта кўриб чиқилиши ва ислоҳ қилиниши керак. Иқтисодий шароитлар инфляция, технологик тараққиёт ва глобал иқтисодиётдаги ўзгаришлар каби омиллар туфайли вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Солиқ тизимлари самарали ва ушбу ўзгаришларга жавоб бериш учун ривожланиши керак. Ижтимоий эҳтиёжлар ҳам ўзгаради ва солиқ тизимлари ушбу ривожланаётган устуворликларга мос келиши керак. Мунтазам баҳолашлар солиқ кодексидаги даромадларни йўқотиш ёки адолатсизликка олиб келиши мумкин бўлган самарасизлик ёки бўшлиқларни аниқлаши мумкин. Ислохотлар солиқ йиғиш самарадорлигини ошириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини камайтириш имконини беради.

Умуман, солиқ тизимларини мунтазам қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш уларнинг самарали, адолатли ва ривожланаётган иқтисодий ва ижтимоий манзарага мос келишини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай жараёнлар далилларга асосланган бўлиши ва бутун жамият манфаатларига хизмат қиладиган солиқ сиёсатини яратиш учун манфаатдор томонларнинг кенг консультациясини ўз ичига олиши керак.

4. Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ таҳлили Ўзбекистон каби мамлакатларда фискал сиёсат ва сиёсатни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда солиқларни жиддий таҳлил қилиш фискал муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва ривожланиш мақсадларига эришиш учун муҳим аҳамиятга эга. У ҳукуматга даромадларни ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлик ва тенглик билан мувозанатлаштириб, мамлакатнинг янада фаровон ва барқарор молиявий келажагига ҳисса қўшадиган асосли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини беради.

Солиқ таҳлилининг самарали молиявий бошқарув ва иқтисодий ривожланиш учун зарур бўлган турли жиҳатлари:

✚ солиқ таҳлили ҳукуматларга солиқ тушумларини тўғри ҳисоблашда, бюджетни режалаштириш ва ресурсларни тақсимлаш;

✚ солиқ самарадорлиги ва адолатлилигини баҳолаш орқали ҳукуматлар адолатли солиққа тортиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ўртасида мувозанатга эришиш;

✚ солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, солиқ турлари, ставкалари ва базалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

✚ солиқларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларга қандай таъсир қилишини тушуниш солиқ сиёсати қарорларини қабул қилиш;

✚ қиёсий солиқ таҳлили мамлакатларнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва инвестицияларни жалб қилиш;

✚ солиққа риоя қилиш ва маъмуриятчиликни яхшилаш йўналишларини белгилаш;

✚ рағбатлантириш ва имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш уларнинг сиёсат мақсадларига мос келишини таъминлаш;

✚ узоқ муддатда фискал барқарорликни сақлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон мисолида солиққа оид масалаларни чуқур таҳлил қилиш фискал муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва ривожланиш мақсадларига эришиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳукуматга даромадларни ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлик ва тенглик билан мувозанатлаштирувчи асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Адабиётлар:

Alt J, Lassen D. (2006) Fiscal transparency, political parties, and debt in OECD countries. *European Economic Review*, 50 (6), pp. 1403-1439

Biswas S., I. Chakraborty, R. Hai (2017) Income Inequality, Tax Policy, and Economic Growth. *Economic Journal*, 127 (601), pp. 688-727

Balestra C., R. Tonkin (2018) Inequalities in household Wealth across OECD countries: Evidence from the OECD Wealth Distribution Database. *OECD statistics working papers* 2018/01, OECD Publishing

Imf (2019) International Monetary. Fund Fiscal Transparency Initiative: Integration of natural resource management issues. *Factsheet*, Washington

Imf (2012). International Monetary Fund. Fiscal transparency, accountability, and risk. *Washington*

Kopits G., Craig J. (1998) Transparency in government operations. *IMF occasional paper*, p. 158

OECD (2018) Countries must strengthen tax systems to meet Sustainable Development Goals. *OECD*, Paris URL: <https://www.oecd.org/tax/countries-must-strengthen-tax-systems-to-meet-sustainable-development-goals.htm>

Seelkopf L., Bubek M., Eihmanis E., Ganderson J., Limberg J., Mnaili Y., Zuluaga P., *et al.* (2021) The rise of modern taxation: A new comprehensive dataset of tax introductions worldwide. *The Review of International Organizations*, 16 (1), pp. 239-263

World Bank. (2018). Platform for Collaboration on Tax to Discuss Domestic Resource Mobilization Challenges. *Press Release*, October 5.



РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

и.ф.д., профессор Курбанов З.Н.
Фискал институт

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобининг назарий масалалари ёритилган. Хориж тажрибасидан фойдаланилган ҳолда криптовалюта операцияларини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: молиявий актив, рақамли молиявий актив, рақамли валюта, криптоавалюта, даромад, бухгалтерия ҳисоби, солиқ, солиққа тортиш.

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретические вопросы бухгалтерского учета цифровых финансовых активов. Используя зарубежный опыт, вносятся предложения по учету операций с криптовалютой.

Ключевые слова: финансовый актив, цифровой финансовый актив, цифровая валюта, криптовалюты, доход, бухгалтерский учет, налог, налогообложение.

Annotation. This article discusses the theoretical issues of accounting for digital financial assets. Using foreign experience, proposals are made for accounting transactions with cryptocurrency.

Keywords: financial asset, digital financial asset, digital currency, cryptocurrencies, income, accounting, tax, taxation.

1. Кириш.

Жаҳон ва мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш жараёни бухгалтерия ҳисобининг назарий масалалари қайта кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу шароитда бухгалтерия ҳисобининг мавжуд моделларини, объекти ва методларини иқтисодиётини рақамлаштириш жараёнига мослаштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш зарур.

Халқаро амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатлар ва иқтисодчи олимлар, амалиётчи бухгалтерлар рақамли молиявий активларни бухгалтерия ҳисобининг методологияси борасида ягона фикрга келишгани йўқ. Бу эса рақамли молиявий активлар, шу жумладан криптовалютанинг бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилади ва унинг методологиясида нималар ўзгаради? Рақамли молиявий активлар, шу жумладан криптовалютанинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш амалиёти қандай

бўлади. Рақамли молиявий активлар бухгалтерия ҳисоби амалиётини ташкил этишда қайси МҲХСларидан фойдаланиш борасида иқтисодчиларнинг фикрлари турлича.

МҲХС кенгаши (FASB) 2019 йилдаги йиғилишида криптовалютанинг бухгалтерия ҳисоби масаласини муҳокама қилиб, унинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш муаммоси бўйича расмий кўрсатмалар берди. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асослари молиявий ҳисоботларнинг элементларини аниқлаш ва тан олиш билан боғлиқ ҳолда, криптовалюта инвестиция учун сотиб олинган ва фаол бозорга эга бўлган номоддий активлар таърифига жавоб бериши белгиланган. Шунга асосланган ҳолда криптовалютанинг ҳисобини МҲХС 38-“Номоддий активлар” стандартга мувофиқ олиб бориш лозим.

И.В.Киселева, Н.В.Кулишларнинг (2022) ёзишича бухгалтерия ҳисобининг янги модели интеграцион-технологик модел деб аташимиз мумкин, унинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодий субъект ахборотларини янги информацион технологиялар ёрдамида ягона ахборотлар майдонига йўналтиради.

Л.И.Куликова ва П.З.Мухаметзяновлар (2022) бу борада қуйидаги фикрларни билдиришган: “Янги технологиялар, рақамли сервислар, криптовалюта, рақамли молиявий активларнинг пайдо бўлиши, бухгалтерия ҳисобининг янги объектларини шаклланиши, уларни ҳисобга олиш учун стандартлар ишлаб чиқиш ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини кенгайтиришни зарурият қилиб қўяди”.

Т.М.Одинцовани (2021) фикрича, Худди шу йили Америка дипломли бухгалтерлар институти (US GAAP) бухгалтерлари учун тушунтиришлар беради ҳамда криптовалюта номоддий актив эканлигини аниқлади. Шунга кўра, рақамли иқтисодиётда бухгалтерия ҳисоби ривожланишининг ҳозирги босқичида фан соҳаси ва услубий жиҳатдан кенгайтириш, мантикий бухгалтерия базаси, тизимнинг мослашувчанлиги ва бошқарувнинг ахборот эҳтиёжларига мослаштирилиши зарур.

О.В.Лосева ва бошқалар қуйидаги таърифни берган: Рақамли актив деганда биз мулк турини (иқтисодий актив, сотиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объекти) тушунамиз, номоддий хусусиятга эга ва рақамли технологиядан фойдаланган ҳолда яратилган рақамли шаклга, ахборот тизимидаги қиймат (нарх) эга ва фуқаролик (мулк) айланмага қодир. Рақамли актив иқтисодий (қиймат), юридик (ҳуқуқий) ва технологик моҳиятини бирлаштиради.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши асосида активларнинг таркибида ўзгаришлар бўлиб, номоддий активларнинг улуши ошиб боради. Бу шароитда хўжалик юритувчи субъектлар операцияларни ягона регистрга ёзади ва сақлайди. Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари ягона регистрининг устунлик томони шундаки, бу шароитда ҳисоб ахборотларини бузиб кўрсатиш ёки йўқ қилиб юборишни имкони бўлмайди. Чунки ахборотлар тақсимлаш ва криптография тизимлари билан ҳимояланган бўлади. Баъзи иқтисодчилар бу тизимни “уч ёқлама ёзув” деб аташмоқда.

Н.В.Емельяновнинг(2019) фикрича, бу тизим ривожланади ва молиявий ҳамда номолиявий ҳисоботларнинг ишончли базасига айланади.

А.В.Бодяко, С.В.Пономарева, Т.М.Рогоуленколар (2021) крипто-активларни захира сифатида ҳисобга олишни таклиф этишган: МҲХС (IAS) 2 “Захиралар” одатдаги бизнес жараёнида сотиш учун сақланган крипто активларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

А.А.Романов ва П.А.Романовлар (2022) криптавалютани қуйидагича изоҳлайди: Ҳозиргача бу ҳодисанинг аниқ таърифи йўқ, аммо, криптовалюталар молиявий воситаларнинг янги синфи эканлигини тушуниш бор. Рақамли валюта қуйма олтинга, акция ёки облигацияга ўхшамайди, биринчи навбатда, минглаб

компьютерлар тармоғида ишлайдиган технология, дастурдир. Биткойн иштирокчиларнинг ишонч муаммосини ҳал қилишга муваффақ бўлган биринчи криптовалютага айланди. Сўнгги йилларда криптовалюталар, хусусан, биткойн "глобал рақамли валюта" сифатида ўз позицияларини сезиларли даражада мустаҳкамлади: глобал криптовалюта бозорининг капиталлашуви 2021-йилнинг ноябрь ойи уч триллион АҚШ долларидан ошди ва 2021-йилда ушбу бозордаги кунлик савдо айланмаси 300 миллиард долларга етди.

Р.М.Гайбуллаевнинг (2022) фикрича, блокчейн технологиясини бухгалтерия ҳисобида фойдаланиш жуда катта салоҳиятга эга бўлиб, у муайян қоидаларга мувофиқ чизиқли "блоклар" занжири ҳисобланади. Бу марказлаштирилмаган бошқарувда ягона маълумотлар базаси бўлиб, у кўплаб компьютерларга тақсимланади. Блокчейн кўпинча "тарқатилган маълумотлар базаси" деб ҳам номланади.

Н.В.Анохина ва А.И.Шмырева(2018) қайд этишича "криптовалюта - бу молия бозорининг янги воситаси ҳисобланади. ... Бундан ташқари, пулнинг асосий назарияси қийматнинг меҳнат назариясига асосланади (товарлар ва хизматларнинг нархи уларга инвестиция қилинган инсон меҳнатининг миқдорига боғлиқ), криптовалюта - блокчейн асосидаги технология компьютер кучи ва сақланган энергия комбинациясининг нархини белгилайди". Рақамли молиявий активлар - пул талаблари, қимматли қоғозлар бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш қобилияти ва нодавлат АЖ капиталида иштирок этиш ҳуқуқларини ўз ичига олган рақамли ҳуқуқдир.

Рақамли молиявий актив ва рақамли валюта (2022) ўртасидаги асосий фарқ шундаки, рақамли молиявий активларнинг эмитенти, яъни криптовалюта эгаси олдидаги мажбуриятлар учун жавобгар бўлган шахс мавжуд. Рақамли валюта электрон маълумотлар эгаси мажбурий шахсга эга эмас, лекин рақамли валюта банкрот бўлган тақдирда мулк ҳисобланади. Криптовалютани тўлов воситаси сифатида ишлатиш мумкин эмаслиги ҳақиқатда уни пулнинг асосий хусусиятларидан биридан маҳрум қилади, бу ҳам қиймат ўлчови ва жамғариш воситасини ўз ичига олади.

В.Авдеевнинг қарашича (2023), Россия қонунчилигига асосан криптовалюта "рақамли валюта" деб аталади. Рақамли валюта - рубл ёки чет эл валютаси бўлмаган тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган электрон маълумотлар тўплами. Ушбу маълумотлар бўйича сизнинг олдингизда ҳеч ким жавобгар эмас, ушбу ахборот тизимининг қоидаларига мувофиқ чиқишни таъминлайдиган ва киритишни таъминлайдиган тизим операторлари (тугунлари) бундан мустасно.


Юқоридагиларга асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча, криптовалюта — махсус кодлар орқали ҳимояланган рақамли молиявий актив бўлиб, жўнатма операцияларида пул ўрнида ишлатилади. Рақамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида криптовалюта операциялари бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда криптовалютани шаклланиши ва у билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш масалалари иқтисодий адабиётлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида таҳлил қилинди. Тадқиқот жараёнида хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, таққослаш, груҳлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда хулосалар қилинди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Жаҳон амалиётида электрон пуллардан ташқари, рақамли валюталарнинг қуйидаги турлари-криптовалюта, стейблкоин ва марказий банкнинг рақамли валютаси амал қилади (1-расм).



1-расм.Электрон валюталарнинг шакллари.

Расмдан кўриниб турибдики, рақамли валюта асосан икки гуруҳга бўлинади: виртуал валюталар ва электрон валюталарга. Биз юқорида криптовалютага тўхталиб, унинг иқтисодий моҳиятини очишга ҳаракат қилдик. Виртуал валютанингкейинги шакли бўлган-стейблкоин тушунчасига тўхталиб ўтамиз.

Стейблкоинлар рақамли валюта бўлиб, унинг барқарорлиги бошқа, камроқ ўзгарувчан активнинг қийматига боғланган ҳолда таъминланади. Аслида, улар Бреттон-Вудс молиявий тизими даврида фиат валюталарининг рақамли форматини ифодалайди.

Фиат валютаси давлатнинг расмий пул бирлиги бўлиб, у ўзининг номинал қийматига эга, масалан, ўзбек сўми, Россия рубли, АҚШ доллари, Хитой юани ва бошқалар.

Иқтисодий адабиётларда (2018) жаҳон валюта тизимининг 4 тури ажратиб кўрсатилади. Хусусан: Париж валюта тизими (1867 й.), Генуя валюта тизими (1922 й.), Бреттон-Вудс валюта тизими (1944 й.) ва Ямайка валюта тизими (1976 й.).

Бреттон-Вудс жаҳон валюта тизими. Учинчи жаҳон валюта тизими 1944 йилда Бреттон-Вудс (АҚШ)да бўлиб ўтган, валюта ва молия масалаларига бағ ишланган анжуманда иштирокчи мамлакатлар келишуви билан расмийлаштирилган. Ушбу анжуманда жаҳоннинг 44 давлатидан 730 та вакил иштирок этган. Айнан мазкур

анжуманда Халқаро валюта фонди ва Халқаро тикланиш ва тарақиёт банкига асос солинган(Н. Х.Жумаев, Ҳ. М. Акбаров, 2018).

БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад (2023) “Глобал молия архитектурасига тузатиш киритиш зарур” мавзудаги анжуманда чиқиш қиларкан, жаҳон молиявий архитектураси номукамал эканини қайд этди.

Маълум қилинишича, бугунги кунда ўта қашшоқ аҳолиси нисбатан кўп 53 ривожланаётган мамлакат қарзга ботган. Бу давлатларнинг 25 таси ўз даромадини 20 ёки янада кўпроқ фоизини фақат ташқи қарзни тўлашга сарфламоқда.

Ушбу муаммолар жаҳон молия архитектураси мукамал эмаслигини кўрсатади. Биз тизимга тузатиш киритишимиз ва янги Бреттон-Вуд тизимини шакллантиришимиз керак(А.Муҳаммад, 2023).

Бреттон-Вудс тизимига кўра, бир троя унция (31,1 грамм оғирликда) олтиннинг қатъий ва ўзгармас баҳоси 35 АҚШ доллари қилиб белгиланди. Конференция қатнашчилари халқаро тўловларда олтин ўрнига долларда ҳисоб-китоб қилишга келишиб олишди. Бу долларнинг олтинга тенглаштирилиши эди¹.

Рақамли валюталар тўғрисида умумий маълумотларга эга бўлдик, энди уларни бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботда қандай акс эттириш масалаларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Халқаро амалиётда молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асослари молиявий ҳисоботларнинг элементларини аниқлаш ва тан олиш билан боғлиқ ҳолда, криптовалюта инвестиция учун сотиб олинган ва фаол бозорга эга бўлган номоддий активлар таърифига жавоб бериши белгиланган. Шунга асосланган ҳолда криптовалютанинг ҳисобини МҲХС 38-“Номоддий активлар” стандартга мувофиқ олиб бориш белгиланган.

Агар криптовалюта сотиш ў учун мўлжалланган бўлса, у ҳолда МҲХС (IAS) 2 “Захиралар” стандарти қўлланилади.

Россия Федерацияси Молия вазирлигининг тегишли меъёрий ҳужжатларига асосан(2020) токенларни сотиб олиш ва ҳисобдан чиқаришда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилиниши белгиланган:

1.Токен қиймати мол етказиб берувчиларга тўланганда:

Дт счёта-60 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб китоблар”

Кт счёта-51 “Ҳисоб китоб счёти”;

Токен қиймат захира сифатида ҳисобга олинганда:

Дт счёта-10 “Материаллар”;

Мол етказиб берувчилардан товар-моддий захираларни харид қилишда ҳисобга олинган ҚҚС суммаси:

Дт счёта-19 “Сотиб олинган қийматликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи”

Кт счёта-60 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб китоблар”;

Ҳисобга олинган ҚҚС суммасига:

Дт счёта-68 “Солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб китоблар”

Кт счёта-19 “Сотиб олинган қийматликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи”;

Ҳисобдан чиқарилган токен қийматини фаолият турлари бўйича харажатларга олиб бориш:

Дт счёта-26 “Умумхўжалик харажатлари”

Кт счёта-10 “Материаллар”(А.В. Бодяко, 2020).

¹ Украинадаги уруш глобал молия тизимидаги «доллар эраси» тугашига олиб келадими?
<https://kun.uz/41217236?q=%2F41217236#!> 20.06.2023.

Украинада эса криптовалюталарни 15 -“Капитал инвестициялар” счет орқали бухгалтерия ҳисобида акс эттириш таклиф этилган².

Энди мамлакатимиз рақамли молиявий активлар ёки крипто-активларнинг бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилганлигини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва Молия вазирлиги ҳамда Солиқ қумитасининг (14 декабрь 2022 йил № 06/17-01-32/278 14 декабрь 2022 йил № 2022-42) Крипто-активлар операцияларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида АХБОРОТ ХАБАРИда бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида, агар мажбурий реквизитлар мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ қўшимча реквизитлар бўлиши мумкин. Крипто активлари ҳақида маълумот уларни олиш усули ва мақсадига қараб крипто-активлари айланмаси соҳасидаги ташкилотларнинг, шу жумладан, номоддий активларни ёки товар моддий захираларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган бухгалтерия ҳисобварақларида майнинг билан шуғулланадиганларнинг бухгалтерия ҳисобида акс этади. Бунинг учун ҳисобкитобларнинг иш режасида крипто-активларининг қийматини ҳисобга олиш учун тегишли ҳисоб гуруҳларида алоҳида ҳисобларни аниқлаш мақсадга мувофиқ. Крипто-активлари айланмаси соҳасидаги ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, крипто-активларининг аналитик ҳисоби уларнинг турлари, идентификация хусусиятлари бўйича амалга оширилиши мумкин. Агар крипто-активлари номоддий активларнинг бир қисми сифатида тан олиниши шартларига жавоб берса, унда бундай активларни ҳисобга олиш 7- 3 сонли “Номоддий активлар” Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БҲМС) (рўйхат рақами 1485-сон 27.06.2005) мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади. 7-сонли БҲМС маълумотларига кўра, номоддий активнинг қиймати унинг фойдаланиш муддати давомида амортизация ҳисобига тўланади. Агар номоддий активнинг фойдаланиш муддатини аниқлашнинг иложи бўлмаса, амортизация ставкалари беш йилга белгиланади. Амортизация харажатлари 7-сонли БҲМС томонидан белгиланган усуллар ва тартибда амалга оширилади. Амалдаги амортизация усули ва номоддий активнинг фойдаланиш муддатини қайта кўриб чиқиш корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши шарт. Крипто-активларини электрон платформаларда ёки хизмат курсатувчи провайдерларнинг бошқа платформаларида (крипта алмашинуви ёки крипто дўкони) крипто активларини айирбошлаш соҳасида сотиш учун сотиб олинган бўлса, 4-сонли “Товар-моддий захиралари” БҲМСда (рўйхат рақами 3259-сон, 30.06.2020) белгиланган тартибда ушбу активлар товарлар таркибида энг паст иккита қийматдан бири бўйича - ҳақиқий таннархда (сотиб олиш нархида) ёки реализация қилинадиган қийматда акс эттирилади. Майнинг натижасида яратилган ва кейинчалик сотиш учун мўлжалланган крипто-активлари 4-сонли “Товар-моддий захиралари” БҲМСга (рўйхат рақами 3259-сон 30.06.2020) мувофиқ тайёр маҳсулотга киритилади ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши белгиланган.

Ушбу ахборот хабарда крипто-активларнинг бухгалтерия ҳисоби қайси счётада акс эттирилиши келтирилмаган.

Агар криптовалюта номоддий актив сифатида тан олинса, унинг бухгалтерия ҳисобини 0400-“ Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар” таркибида криптовалюталарни ҳисобга олувчи 0450 “Криптовалюта” ишчи счётини очишни таклиф қиламиз.

Агар криптовалюта сотиш учун олинган бўлса, уни захира сифатида тан олиш керак ва уни учетини ташкил этиш учун 1210 “Криптовалюта” ишчи счётни очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

² Как вести учет криптовалюты в Украине: юридические нюансы, налоги и примеры проводок.
<https://finacademy.net/materials/article/uchet-kriptovalyuty>.

Халқаро амалиётда агар криптовалюта номоддий актив сифатида тан олинса, унинг бухгалтерия ҳисоби МҲХС (IAS) 38 “Номоддий активлар” стандарти билан, агар криптовалюта сотишга мулжалланган бўлса, у ҳолда МҲХС (IAS) 2 “Захиралар” стандарти билан тартибга солинади.. Шундан келиб чиққан ҳолда криптовалютанинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

А.В.Бодяко ва бошқаларнинг (2021) “Крипто-активларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш мақсадида баъзи мамлакатларда, жумладан Республика Беларусда Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган “Рақамли белгилар (токенлар)” номли бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг стандарти қабул қилинган ва амалиёт қўлланилмоқда”.

5. Хулоса.

Халқаро амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатлар ва иқтисодчи олимлар, амалиётчи бухгалтерлар рақамли молиявий активларни бухгалтерия ҳисобининг методологияси борасида ягона фикрга келишгани йўқ. Бу эса рақамли молиявий активлар, шу жумладан криптовалютанинг бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

АҚШда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизми асосан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижобий таъсири қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- бир томондан, реал ва молия секторлари хўжалик юритувчи ташкилотларнинг, иккинчи томондан, фан ва тадқиқот институтларининг интеграциялашуви асосида янги иқтисодиётнинг таркибий элементларини яратиш;

- давлат ва хусусий инвесторларнинг молиявий ресурсларини бирлаштириш ва уларни ҳудудларнинг инновацион таркибий қисмини ривожлантиришга йўналтириш. Масалан, университетлар, федерал идоралар ва лабораториялар, давлат ва ҳудудий ҳокимият органлари, саноатнинг хусусий сектори, молия-кредит муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик қуйидаги шаклларда кенг қўлланилади:

- илмий-тадқиқот ва ишланмалар соҳасида давлат-хусусий ҳамкорлик шартномалари;

- инновацион ва технологик ҳамкорлик. Шундай қилиб, ҳукуматнинг барча даражаларида яхши мувофиқлаштирилган сиёсат АҚШда қулай сармоявий муҳитни яратишга ёрдам беради. Ушбу ёндашув ушбу мамлакатни инвесторларнинг турли гуруҳлари учун энг жозибадор давлатлардан бирига айлантирди.

Хитой учун хорижий капитал миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди, чунки хорижий компаниялар мамлакатга янги технологияларни импорт қиладилар. Шунинг учун ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган барча чора-тадбирлар хорижий капитални жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган.

Хорижий капиталнинг Хитойга кириб келишига ёрдам берадиган бошқа - объектив омиллар ҳам мавжуд. Улар орасида қуйидагиларни таъкидлаш керак:

- ички бозорнинг катта сиғими;

- катта ресурслар;

- меҳнатнинг арзонлиги;

- қулай валюта курслари;

- қулай тариф ставкалари;

- сиёсий барқарорлик.

Қўшма корхоналарга бериладиган имтиёзлар одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўз фаолиятини бошлаганидан кейин 5 йил давомида даромад солиғидан озод қилиш;

- хом ашё ва ишлаб чиқариш воситаларини божсиз олиб кириш ҳуқуқи;

- фойда, фоиз ва дивидендларни хорижга эркин экспорт қилиш ҳуқуқи.

Миллийлаштирилган тақдирда ХХР капитални экспорт қилувчи давлат олдида моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади, бу эса толовни дарҳол тўлаш ва уни чет элга ўтказишда намоён бўлади.

Хорижий капитал оқимлари асосан қуйидагиларга жамланган:

- саноат маҳсулотларини қайта ишлаш ва йиғишда;
- капитални кўп талаб қилувчи тармоқларда;
- юқори технологияларда;
- савдо соҳасида;
- хизмат кўрсатиш соҳасида ва инфратузилмада.

1980-йилларнинг бошларида Хитойда биринчи махсус иқтисодий зоналар ташкил этилди, улар либерал солиқ режими ва янги бизнесни бошлаш учун маъмурий тўсиқларнинг сезиларли даражада камайиши билан ажралиб туради. Хитой ҳукумати “экспорт тармоқлари” деб аталмиш соҳага ҳам сармоя киритган. Булар иқтисодиётнинг устувор тармоқлари (айниқса, енгил саноат ва электроника) бўлиб, заводларни модернизация қилиш ва хом ашё сотиб олиш учун субсидиялар олди. Дастурнинг мақсади Хитой экспорт товарларининг сифати ва миқдорини оширишдан иборат. Чет элликлар томонидан 25% дан ортиқ назорат остида бўлган “тармоқлар” да компанияларга махсус имтиёзлар ва Хитой Марказий банкидан кредит олиш имконияти тақдим этилди. Ҳозирда бундай компаниялар Хитой экспорт товарларининг 80% дан ортигини ишлаб чиқаради.

Хитойда (шунингдек, АҚШда) хорижий инвесторларни мамлакатдаги сармоявий имкониятлар ва потенциал ҳамкорлар билан алоқалар ҳақида хабардор қилишнинг аниқ тизими мавжуд.

Ҳозирги вақтда ХХР хорижий капиталга нисбатан мослашувчан сиёсат олиб боришга интилоқда. Бу рағбатлантириш ва чеклаш чораларининг комбинациясида намоён бўлади ва маъмурий назорат капиталнинг ҳудудий ва тармоқ тақсимотига таъсир қилиш учун иқтисодий дастаклар ва рағбатлантириш воситаларидан фаол фойдаланишга зид келмайди. Натижада хорижий капитал мамлакат иқтисодий фаровонлигининг муҳим узоқ муддатли омилига айланди. Ривожланган мамлакатларда ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун кластер стратегиялари кўп йиллар давомида фаол қўлланилмоқда.

4. Хулоса.

Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 2023 йилнинг май ойида 2,3 барабар кўпайди.

Хусусан, 2018 йилда 5 минг 978 та, 2019 йилда 8 минг 536 та, 2020 йилда 10 минг 930 та, 2021 йилда 12 минг 487 та ва 2022 йилда 13 минг 877 та хорижий сармоялар иштирокида корхоналар рўйхатга олинган²[7].

Албатта, бундай кўрсаткич мамлакатнинг ҳамда мамлакат саноат корхоналарининг инвестицион салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга АҚШ ҳамда Хитойнинг саноат корхоналари инвестицион салоҳиятини ошириш тажрибасининг қуйидаги жиҳатларини мамлакатда қўллаш ҳам фойдали бўлиши мумкин:

- Саноат инфратузилмасини ривожлантириш. Электр таъминоти, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва уларни тугатиш тизимини, инвестицион лойиҳаларни расмийлаштириш тизимини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш;

- Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга хом ашё ва ишлаб чиқариш воситаларини божсиз олиб кириш ҳуқуқини бериш;

- Инвестиция ҳажми млн доллардан ошган саноат корхоналарига 1-5%ли имтиёзли экспорт кредитларини бериш тизимини йўлга қўйиш ва бошқалар.

² <https://invest.gov.uz/uz/mediacenter/news/how-many-enterprises-with-foreign-capital-are-there-in-uzbekistan/>

Адабиётлар:

Абыкаев Н.А., Бочаров В.В. (2012). Региональное управление. Зарубежный опыт. М., С. 71

Андрианов В.Д. (2020) Мировые системные дисбалансы: дисбаланс между объёмом мирового ВВП и размером глобального долга // Общество и экономика. – Выпуск 12 С. 9-36. URL: <https://oie.jes.su/s020736760012971-7-1/>. DOI: 10.31857/S020736760012971-7

Ахмедова Л.А., Булатова У.Б. (2016) Зарубежный опыт привлечения иностранных инвестиций и возможности его использования // Вестник Дагестанского государственного университета. Серия 3: Общественные науки. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-privlecheniya-inostrannyh-investitsiy-i-vozmozhnosti-ego-ispolzovaniya> (дата обращения: 21.05.2023).

Ахмедова Л.А., Булатова У.Б. (2016) Зарубежный опыт привлечения иностранных инвестиций и возможности его использования // Вестник Дагестанского государственного университета. Серия 3: Общественные науки. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-privlecheniya-inostrannyh-investitsiy-i-vozmozhnosti-ego-ispolzovaniya> (дата обращения: 21.05.2023).

Марченко Г., Мачульская О. (2014). Исследование инвестиционного климата регионов России: проблемы и результаты. // Вопросы экономики - № 9 - с. 69-79.

Седаш Т.Н., Бирюков А.В. (2013). Использование зарубежного опыта для повышения конкурентоспособности и инвестиционной привлекательности российских регионов // Финансы и кредит. №38 (566). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ispolzovanie-zarubezhnogo-opyta-dlya-povysheniya-konkurentosposobnosti-i-investitsionnoy-privlekatelnosti-rossiyskih-regionov> (дата обращения: 21.05.2023).

Фатхутдинов Р.А. (1998) Разработка управленческого решения / Р. А. Фатхутдинов // 2-е изд., доп. – М.: Интел-Синтез. — 272 с.

Шарп У.Ф. (2009) Инвестиции. / У. Ф. Шарп, Г. Александер, Ж. Д. Бейли – М.: ИНФРА-М., – 1027 с



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ УЛУШINI ҚИСҚАРТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Набиев Ф.Н.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси

Аннотация. Мазкур мақолада хуфиёна иқтисодиёт улушини қисқартиришда рақамли технологияларнинг муҳимлиги тадқиқ этилган. Шунингдек, хуфиёна иқтисодиётни келтириб чиқарувчи омилар, унинг оқибатлари ҳамда мамлакатимиздаги хуфиёна иқтисодиёт улушининг ўсиш тенденциялари таҳлил қилинган. Бундан ташқари мавзуга доир хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар қарашлари ҳамда илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган. Шу билан биргаликда, олиб борилган тадқиқот натижасида хуфиёна иқтисодиёт улушининг ошиб бориши мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланиши таҳлиллар орқали ёритилган. Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, мамлакатда хуфиёна иқтисодиёт улушини қисқартириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хуфиёна иқтисодиёт, иқтисодий хавфсизлик, рақамли технологиялар, солиқ юки, коррупция, бюрократик тўсиқлар, давлат (нодавлат) ташкилотлари интеграцияси, рақамлаштириш, хавф, таҳдид, индикаторлар, маҳсулот ва хизматларга идентификацион кодларни бириктириш тизими, нақдсиз ҳисоб-китоб тизими, сунъий онг.

Аннотация. Данная статья посвящена цифровым технологиям как инструменту снижения доли теневой экономики. А также анализируются факторы, вызывающие теневую экономику, ее последствия и тенденции роста в нашей стране. Кроме этого, были изучены зарубежные и отечественные парадигмы и опыт передовых зарубежных стран. При этом области, которым следует уделить основное внимание, определяются на основе точных анализов и проверенных научных подходов. Также, разработаны предложения по снижению доли теневой экономики за счет поэтапного внедрения данных направлений.

Ключевые слова: теневая экономика, экономическая безопасность, цифровые технологии, налоговое бремя, коррупция, бюрократические барьеры, интеграция государственных (негосударственных) организаций в борьбе с теневой экономикой, цифровизация, угроза, индикаторы, система присвоения идентификационных кодов товарам и услугам, система безналичных расчетов, искусственный интеллект.

Annotation. This article is devoted to digital technologies as a tool for reducing the share of the shadow economy. It also analyzes the factors causing the shadow economy, its consequences and growth trends in our country. In addition, foreign and domestic paradigms and the experience of advanced foreign countries were studied. At the same time, the areas that should be given the main attention are determined on the basis of accurate analyses and

proven scientific approaches. Also, proposals have been developed to reduce the share of the shadow economy through the phased implementation of these areas.

Keywords: *shadow economy, economic security, digital technologies, tax burden, corruption, bureaucratic barriers, integration of state (non-state) organizations in the fight against the shadow economy, digitalization, threat, indicators, system of assigning identification codes to goods and services, cashless payments system, artificial intelligence.*

1. Кириш.

Бугунги кунда хуфиёна иқтисодиёт жаҳон ҳамжамияти олдидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти баёнотида кўра, хуфиёна иқтисодиёт улушининг тартибсиз равишда ошиб бориши, дунё мамлакатлари иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солиши билан чекланиб қолмасдан, балки халқаро терроризм, одам савдоси, нарко-бизнес ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни ўз ичига қамраб олган трансмиллий уюшган жиноятчиликка трансформацияланиши орқали бутун инсоният учун хавф туғдириши мумкинлиги таъкидланган (Конвенция, 2000).

Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармасининг 2020 йилги ҳисоботида, жаҳон иқтисодиётининг учдан бир қисми хуфиёналигича қолаётганлиги, ушбу мамлакатларнинг мавжудлигига бевосита таҳдид сифатида баҳоланган. Шунингдек, хуфиёна иқтисодиётни келтириб чиқарувчи салбий омиллар сифатида солиқ юкининг юқорилиги, иқтисодиётнинг етарли даражада рақамлаштирилмаганлиги, тадбиркорлик фаолиятидаги бюрократик тўсиқлар ҳамда давлат ташкилотларидаги коррупция келтирилган бўлса, жамғарма томонидан МДҲ давлатларига таклиф сифатида энг самарали механизм сифатида иқтисодиётда рақамли технологияларни тизимли равишда жорий қилиш зарурлиги келтирилган.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил 18 августда куни тадбиркорлар билан ўтказилган очиқ мулоқотда мамлакатда хуфиёна иқтисодиёт улушининг юқори эканлиги, келгусида унинг улушини қисқартириш бўйича тизимли чоралар кўрилиши кераклиги таъкидланган¹.

Сўнгги йилларда, ҳукуматимиз томонидан хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича солиқ юкининг камайтирилиши, тадбиркорлик фаолиятидаги бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши ҳамда коррупциянинг олдини олиниши каби бир қатор тизимли ислохотлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, хуфиёна иқтисодиёт улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мазкур салбий тенденцияларни олдини олиш авваламбор, илғор рақамли технологияларни жорий этган ҳолда институционал асос ўртасидаги ҳамкорликни назарда тутувчи комплекс ислохотларни амалга ошириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

АҚШлик иқтисодчи олимлар Доминик Энсте ва Фридрих Шнайдерлар хуфиёна иқтисодиётни норасмий ёки параллель иқтисодиёт деб атаб, унинг расмий иқтисодиёт билан ўзаро ҳамжиҳатликда мавжуд бўлишини таъкидлаган (Schneider, Enste, 2002).

Шунингдек, Степичева (2007), Гудийлар (2020) хуфиёна иқтисодиётни – муайян шароитларда, ўз иқтисодий фаолиятини яшириш қулай бўлган вазият сифатида таърифлаб, унинг 5 та омили (табiiй, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи. Электрон ресурс: "https://president.uz/uz/lists/view/6561"

ижтимоий)ни санаб ўтишган. Канадалик тадқиқотчи олимлар Марк ва Кларклар (2016) хуфиёна иқтисодий фаолият мамлакат статистик кўрсаткичларида акс эттирилмаслиги натижасида, ҳукумат томонидан миллий иқтисодиётни янада такомиллаштириш бўйича қўлланиладиган механизмларининг самарадорлигига таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтишган.

Рус олимлари Агарков (2008) ва Дергачевлар (2019) хуфиёна иқтисодиётни келтириб чиқарувчи омилларини шартли равишда тўрт (молиявий-иқтисодий, ҳуқуқий, маъмурий ҳамда ижтимоий-сиёсий) гуруҳга ажратганлар.

Шу билан биргаликда, Иқтисодий фанлар профессори Юнусова (2016) томонидан хуфиёна иқтисодиёт, мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида баҳоланиб, унинг қуйидаги 4 та асосий сабаблари келтириб ўтилган:

- солиқ юкининг юқорилиги ҳамда бизнес юритишдаги қийинчиликлар;
- тартибга солувчи ҳуқуқий тизимнинг номукамаллиги;
- жамиятнинг даромадлар бўйича юқори даражадаги табақаланиши;
- қонун билан алоҳида бир гуруҳ меҳнатидаги чекловлар (Юнусова, 2016).

Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси Стратегия, сиёсат ва таҳлил департаменти директори Мартин Мюлайзен (2018) рақамли технологияларга хуфиёна иқтисодиётга чек қўйишнинг ягона воситаси сифатида баҳо берган.

Иқтисодчи олим, Россия Федерацияси давлат арбоби Руслан Долженконинг (2020) таъкидлашича, хуфиёна иқтисодиёт улушини қисқартириш фақатгина барча даражадаги меҳнат жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Алоҳида қайд этиш лозимки, хуфиёна иқтисодиётга қарши ноъананавий усулларни қўллаш энг самарали воситалардан бири эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси раиси Кудбиев (2020) томонидан таъкидланган. Жумладан, рақамли технологияларни (электрон-ҳисобвақарлар) кенг жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини тўлиқ онлайн-назорат касса машиналарига ўтказиш, акциз тўланадиган товарларни маркировкадан ўтказишнинг замонавий усулларини жорий қилиш;

- рискларни бошқариш модулларидан фойдаланишни кенгайтириш ва барча даражадаги юқори хавfli операцияларни автоматик равишда аниқлаш дастурини бизнеснинг барча модулларига интеграция қилиш;

- иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳажмини ошириш;
- банк хизматларининг оммавийлигини ошириш.

3. Таҳлил ва натижалар.

Таъкидлаш жоизки, хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича ҳукумат томонидан сўнгги 14 йил ичида бир қатор ислохотлар олиб борилган. Хусусан, солиқлар сони 18 тадан 9 тага туширилган, солиқ ставкалари: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - 22 фоиздан 12 фоизга, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 35 фоиздан - 15 фоизга, қўшилган қиймат солиғи - 24 фоиздан - 12 фоизга пасайтирилган.

Бундан ташқари, бизнесни рақамлаштириш индекси бўйича 190 давлат ичида 112-ўриндан - 43-ўринга, Халқаро коррупция индексига кўра, 180 та давлат ичида 172-ўриндан - 126-ўринга, бизнесни юритиш индекси бўйича 190 та давлат ичида 147-ўриндан - 69-ўринга кўтарилган. Бироқ, мазкур кўрсаткичларга қарамасдан хуфиёна иқтисодиёт улуши тартибсиз равишда 38 фоиздан 62 фоизга ўсган (1-жадвал).

1-жадвал

**Хуфиёна иқтисодийётни қисқартириш бўйича амалга оширилган
ислохотларнинг таҳлили**

Т/Р	Ислохот қилинган соҳалар	2009	2012	2017	2022
1.	Солиқлар сони ²	18	15	13	9
Солиқ ставкалари:					
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	22%	22%	21%	12%
3.	Фойда солиғи	35%	30%	20%	15%
4.	ҚҚС	24%	20%	20%	12%
5.	Бизнесни рақамлаштириш Жаҳон банкининг “GovTech Maturity Index” ³ (190та давлат ичида - ўрин)	112	-	80	43
6.	Коррупция даражаси “Transparency International” (180та давлат ичида - ўрин) ⁴	172	170	157	126
7.	Бизнесни юритишдаги бюрократик тўсиқлар “Doing business” ⁵ (190та давлат ичида - ўрин)	-	147	76	69 (2021)
8.	ЯИМга нисбатан хуфиёна иқтисодийёт улуши	-	38% ⁶	50% ⁷	62% ⁸

Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармасининг 2021 йилги ҳисоботида, ривожланаётган мамлакатларда ЯИМга нисбатан хуфиёна иқтисодийёт улуши 30-39 фоизни ташкил этиши белгиланган. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда хуфиёна иқтисодийёт улуши 58,5 фоизни ташкил этган.⁹ Шунингдек, Стратегик ислохотлар агентлиги матбуот-котиби М.Хасанованинг Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидаги расмий баёнотида Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда хуфиёна иқтисодийёт улуши 48-62 фоизни ташкил қилганлиги таъкидланган. Мазкур кўрсаткичлар хуфиёна иқтисодийёт бўйича инқироз ҳолати индикаторларида инқироз ҳолатининг 3 даражаси (инқироз)дан ошганлиги (2-жадвал), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий хавфсизлигига бевосита таҳдид сифатида баҳоланмоқда.

² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси маълумотлари.

³ Халқаро валюта жамғармасининг 2010, 2018 ҳамда 2023-йиллардаги ҳисоботи <https://www.worldbank.org/en/programs/govtech/gtmi>.

⁴ Халқаро коррупцияни ҳисобга олиш индекси “Transparency International” маълумотлари.

⁵ Халқаро валюта жамғармасининг 2010, 2018 ҳамда 2023-йиллардаги ҳисоботи <https://archive.doingbusiness.org/en/doingbusiness>.

⁶ Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига асосланган ҳолда Стэмфорд халқаро университети эксперти А.Маганинг ҳисоботи. Интернет ресурс: <https://1economic.ru/lib/110099>.

⁷ Иқтисодийёт вазири биринчи ўринбосари М.Мирзаевнинг 2018 йил 11 январдаги Халқаро-пресс клубда берган расмий баёноти маълумотлари.

⁸ Стратегик ислохотлар агентлиги директори Матбуот-котиби М.Хасанованинг АОКАда 2023 йил 1 февралдаги ҳисоботи расмий баёноти маълумотлари.

⁹ International Monetary Fund. Annual Report: Build Forward Better. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/ar/2021/eng/downloads/imf-annual-report-2021-ru.pdf>.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хуфиёна иқтисодиёт кўрсаткичларининг
индикаторлари

Т/Р	Индикатор номи	Меъёр	ИО 1	ИО 2	ИО3	И 1	И 2	И 3	Амалда
1.	ЯИМга нисбатан хуфиёна иқтисодиёт улуши (%)	15	20	25	30	40	45	50	62
2.	Давлат (нодавлат) ташкилотлари ўртасидаги интеграция кўрсаткичи (%)	60	55	50	45	40	35	30	30

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳукумат томонидан хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича кенг ислохотлар олиб борилганлигига қарамасдан, унинг улуши йилдан-йилга тартибсиз равишда ўсиб борган. Мазкур муаммони келтириб чиқарувчи бир қатор омиллар мавжуд.

Хусусан, хуфиёна иқтисодиёт бўйича ягона институционал асоснинг мавжуд эмаслиги ҳамда давлат ташкилотлари ўртасидаги иқтисодий кўрсаткичларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда рискларни аниқлаш ва бартараф этиш комплексининг мавжуд эмаслиги.


Бундан ташқари, товар (хизмат)лар ҳаракатларини реал вақт режимида кузатиш имкониятига эга бўлган тизимнинг йўлга қўйилмаганлиги ҳамда ҳукумат томонидан иқтисодиётни рақамли трансформация қилишда хусусий шерикчиликни қўллаб қувватлашни назарда тутувчи стартапларнинг жорий қилинмаганлиги.

Шунингдек, хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ҳамкорликдаги мақсадли кўрсаткичларининг ишлаб чиқилмаётганлиги.

4. Хулоса.


Таъкидлаш жоизки, илғор мамлакатлар тажрибаси ва хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш бўйича кўп йиллик ислохотларнинг таҳлили, бугунги кунда хуфиёна иқтисодиётга қарши курашишда анъанавий воситалардан (солиқ юкини камайтириш, тадбиркорлик фаолиятидаги бюрократик тўсиқларни бартараф, коррупция даражасини пасайтириш ва аҳоли ҳуқуқий-маданиятини ошириш) воз кечган ҳолда ноананавий усулларни қўллашни талаб этмоқда. Мазкур ноананавий усуллар сифатида қуйидагиларни таклиф этишимиз мумкин:

1. Сингапур ҳамда Россия Федерацияси тажрибаларидан келиб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги базасида “Big Data” технологияси асосида маълумотларни реал вақт режимида қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда кузатиш имкониятига эга платформани ишга тушириш. Мазкур платформа асосида, Марказий банк, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирлик ва идоралар шунингдек, иқтисодиётдаги тармоқ корхоналарининг маълумотлар баъзаларини интеграция қилиш (1-расм).



1-расм. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги базасида “Big Data” технологияси модели¹⁰

2. Корея Республикасининг тажрибаси асосида, Солиқ қўмитасининг МХИК платформаси доирасида товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришдан – истеъмолгача қадар бўлган ҳаракатини реал вақт режимида кузатиш имкониятига эга бўлган мониторинг механизмини ишга тушириш (2-расм).



2-расм. Товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолгача қадар бўлган ҳаракатини реал вақт режимида кузатиш имкониятига эга мониторинг модели¹¹

¹⁰ Муаллиф томонидан тайёрланган.


¹¹ Муаллиф томонидан тайёрланган.

3. Эстония тажрибаси асосида хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш мақсадида, **босқичма-босқич нақд пулсиз ҳисоб китобга ўтиш**. Хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳажмидан келиб чиқиб, платформа фойдаланувчиларига “CASHBACK” кўринишида имтиёз ва енгилликларни тақдим этиш.

4. Сингапур тажрибасидан келиб чиқиб, хуфиёна иқтисодиётга сабаб бўлаётган айрим жараёнларни **давлат дастурлари доирасида қўллаб қувватлаш орқали рақамлаштириш** (Йўловчиларни шахсий автотранспортда ташиш фаолиятини мисолида 3-расм).

3-расм- Йўловчиларни ташиш бўйича миллий электрон платформа¹²

5. Сингапур ҳамда Корея Республикаси тажрибаси мисолида иқтисодиётни узлуксиз таҳлил қилиш, ундаги хавф-хатарларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш имкониятига эга бўлган сунъий онг тизимини жорий этиш (4-расм).



4-расм. Иқтисодий таъсирнинг узлуксиз таҳлил қилиш, хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этишга қодир сунъий онг тизими модели¹³

¹² Муаллиф томонидан тайёрланган.

¹³ Муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқорида келтирилган таклифларни реализация қилиш орқали, хуфиёна иқтисодиётни улуши камида 70 фоизга бартараф этиш мумкин¹⁴. Хусусан, мазкур жараёнларни рақамлаштириш орқали иқтисодиётнинг барча соҳалари инсон омилидан холис соҳага айлантирилади. Бундан ташқари, коррупция, маҳаллийчилик шунингдек, миллий ўзлигимизга сингган бир қатор қадриятлар ҳам бартараф этилади.

Адабиётлар:

Mark D. (2016) Wenner and Dillon Clarke "Shadow Economies and Data Quality: Consequences for Economic Planning and Management" Canada.

Martin Muhleisen (2018) "The long and short of the digital revolution". International monetary fund.

Schneider F., Enste D. (2002) "Hiding in the shadows the growth of the underground economy". International Monetary Fund March.

Долженко Р. (2020) "Цифровизация против теневой экономики" Урал.

Агарков Г. (2008) "Минимизация негативного воздействия теневой экономики на социально-экономическое развитие региона". Екатеринбург.

Гудий Ю.С. (2020) "Понятие, виды и влияние теневой экономики" экономический интернет-журнал. Москва.

Дергачев Н.В. (2019) "Administrative Consulting. Volume 4. Issue 2(8)" "Основные причины возникновения теневой экономики в России" РАНХиГС. Москва.

Кудбиев Ш. (2020) "Противодействуя «теневой» экономике" интервью журналу "Экономическое обозрение". Ташкент.

Конвенция (2000) БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюциясига асосан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш" Конвенцияси.

Международный валютный фонд (2018) «Скрываясь в тени, рост подпольной экономики» Вашингтон, Округ Колумбия.

Степичева О. (2007) "О сущности и содержании категории "теневая" экономика" "Гуманитарные науки". № 8. С. 58–65.

Юнусова П. (2016) "Сущность теневой экономики в современных условиях" Институт социально-экономических исследований. Россия.

¹⁴ Латвия давлат даромадлари хизмати директори Йева Яунземинг 2021 йил 15 декабрдаги ҳисоботи.



ДАВЛАТЛАР ВАЛЮТА СИЁСАТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИГА ТАЪСИРИ

Норбаева М.А.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация: Илмий мақолада дунё иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва унинг давлатлар экспорти ва импортига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, охири чорак аср давомида давлатларнинг валюта сиёсатларига ташқи савдо операцияларининг таъсири ва аксинча давлатлар экспорти ва импортидаги ўзгаришларнинг уларнинг валюта сиёсатларига таъсири кўрилган. Хусуса, таҳлил учун, ривожланган давлатлардан Еврохудуд давлатлари, АҚШ, Япония ва Канада давлатлари олинган бўлса, охири йилларда ҳам иқтисодий ҳам сиёсий кучга эга бўлиб бораётган давлатлар ташкилотларидан BRICS давлатлари ҳам олинган. Таҳлил якунида Ўзбекистоннинг асосий ҳамкор давлатлари ҳам алоҳида ўрганилган.

Калит сўзлар: экспорт, валюта сиёсати, импорт, валюта курси.

Аннотация: В научной статье анализируются изменения в мировой экономике и их влияние на экспорт и импорт стран. Также в течение последней четверти века наблюдалось влияние внешнеторговых операций на валютную политику стран, и наоборот, влияние изменений в экспорте и импорте стран на их валютную политику. В частности, из числа развитых стран для анализа были взяты страны еврозоны, США, Япония и Канада, а также страны БРИКС из организаций стран, получивших экономическую и политическую мощь в последние годы. В конце анализа основные страны-партнеры Узбекистана также были изучены отдельно.

Ключевые слова: экспорт, валютная политика, импорт, валютный курс.

Abstract: The scientific article analyzes the changes in the world economy and its impact on the export and import of countries. Also, during the last quarter of a century, the influence of foreign trade operations on the foreign exchange policies of the countries, and vice versa, the influence of the changes in the export and import of the countries on their foreign exchange policies were seen. In particular, for the analysis, the countries of the Eurozone, the USA, Japan and Canada were taken from the developed countries, while the BRICS countries were taken from the organizations of countries that have gained economic and political power in recent years. At the end of the analysis, the main partner countries of Uzbekistan were also studied separately.

Key words: export, foreign exchange policy, import, exchange rate.

1. Кириш.

Валюта сиёсати ҳар бир давлат иқтисодиётининг муҳим элементларидан биридир. Валюта сиёсати иқтисодий барқарорликни таъминлашда ўрни беқиёсдир.

Давлатлар валюта сиёсати орқали иқтисодиётидаги турли нобарқарорликларнинг олдини олади. Валюта сиёсати бу давлат томонидан мамлакат ички ва халқаро валюта муносабатларида давлат мақсадларига мувофиқ олиб бориладиган валюта муносабатлари ва пул муомаласи соҳасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуидир.

Валюта сиёсати валюта тизимлари асосида шаклланади. Валюта тизимлари маҳаллий, минтақавий ва халқаро валюта тизимларидан ташкил топади. Ушбу валюта тизимлари бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Ҳар бир мустақил давлатлар ўзларининг ички валюта сиёсатини белгилаб олади ва унга масъул муассасалар аниқланади. Ушбу валюта сиёсатини маҳаллий валюта сиёсати деб атасак бўлади. Маҳаллий валюта сиёсати давлатлар вужудга келиши ва унда пулларнинг пайдо бўлиши билан бошланган десак хато қилмаган бўламиз. Маҳаллий валюта сиёсатини бу давлатларда пул муомаласини тартибга солишда, ҳамда давлатларнинг ўз иқтисодиётлари устидан назоратни ўрнатишда муҳим аҳамият касб эталди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, узоқ ва яқин тарихда янги давлатлар пайдо бўлиши ўша давлатларда янгидан мустақил валюта сиёсатларининг пайдо бўлишларига олиб келган.

Пуллар ўзининг эволюцияси давомида кўплаб жараёнларни бошидан ўтказди. Ўн олтинчи асрнинг охири ва ўн еттинчи асрнинг бошларида товар-пул муносабатларининг ривожланиши, халқаро ва маҳаллий валюта бозорларининг вужудга келиши натижасида пул муомаласини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурияти вужудга келди ва бунинг натижасида ҳар бир мамлакат ўз пул тизимини ишлаб чиқа бошлади.

2. Адабиётлар шарҳи.

S.Fanelli ва L.Straub (2020) каби иқтисодчилар кичик очиқ иқтисодиёт мисолида валюта сиёсатига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишган. Хусусан, улар томонидан иккита асосий таркибий қисмдан иборат, яъни маҳаллий ва ташқи облигациялар бозорларининг қисман сегментацияси, ҳамда капитал оқимларига жавобан реал валюта курсини ҳаддан ташқари ўзгарувчан қиладиган ташқи молиявий ресурсларнинг таъсирини ўрганишган. Облигацияларнинг қисман сегментация шуни англатадики, Марказий банк облигациялар бозорларида интервенцияни амалга ошириш орқали валюта курсига ҳамда маҳаллий ва чет ел облигациялари рентабеллиги ўртасидаги фарқларга таъсир қилиши мумкин. Бундай чоралар Марказий банк томонидан ташқи молиявий ресурсларининг ички қимматли қоғозлар бозорига таъсирини юмшатиш мумкин, аммо ушбу операция харажатлари юқори бўлиб, чет эл инвесторлари учун фойдани олиб чиқиб кетиш каби харажатларни ҳам келтириб чиқаради. Улар томонидан ушбу вазиятни ҳал қиладиган оптимал валюта сиёсатини аналитик равишда тавсифланади. Хусусан, оптимал валюта сиёсати ташқи омилларга суянган ҳолда, валюта курсини барқарорлаштиради. Ушбу сиёсат иқтисодиётга силлиқ тарқалишни ўз ичига олади, аммо валюта курсларининг катта частотада тебранишига имкон беради. Шунингдек, ушбу сиёсат узоқ муддатда иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган бўлиб, хатто ташқи шоклар йўқолгандан кейин ҳам қисман интервенция ўтказилади. Бизнинг фикримизча, юқоридаги валюта сиёсати самарадорлиги ички ва ташқи инвесторлар томонидан Марказий банк қарорларига ишончни талаб қилади, чунки Марказий банклар мажбуриятсиз интервенцияни амалга оширмайди. Ушбу иқтисодчилар томонидан амалга оширилган моделида кўп мамлакатли кенгайтмасидан фойдаланган ҳолда кенг тарқалган интервенциянинг глобал оқибатларига ойдинлик киритган. Уларнинг моделларидан шуни кўриш мумкинки, давлатлар валюта захираларини ортиқча тўплаш орқали тўплашга ҳаракат

қиладилар ва бу эса аҳоли фаровонликни пасайтиради ва жаҳон фойз ставкаларининг самарасиз пасайишига олиб келган.

R.Chang (2018) Марказий банк томонидан интервенция ва бу орқали валюта курсига таъсири таҳлил қилинган. Унинг фикрича, стерилизация қилинган валюта интервенцияси иқтисодий субъектларга тегишли активларнинг валюта таркибини ўзгартириш орқали самарали бўлиши мумкин. Иқтисодчи муқобил канални таклиф қилади, яъни стерилланган интервенция реал таъсир кўрсатиши мумкин, чунки у марказий банкнинг молиявий воситачиларга нисбатан соф кредит позициясини ўзгартиради ва шу билан ташқи қарз лимитларига таъсир қилади. Ушбу таҳлил натижаси вақти-вақти билан мажбурий гаров чекловлари остида маҳаллий банклар билан очиқ иқтисодиёт модели контекстида ишлаб чиқилган. Интервенция, агар у чекловлар боғланганда содир бўлса, ҳақиқий таъсирга эга бўлади. Бундай пайтларда расмий заҳираларни стерилизация қилинган ҳолда сотиш марказий банкнинг ички банклар олдидаги қарзини камайтириш орқали чекловларни юмшатади ва маҳаллий иқтисодий агентларга кредит таклифини ошириш учун ресурсларни кўпайтиради. Иқтисодчи томонидан олиб борилган таҳлиллар Марказий банкнинг интервенция сиёсати, расмий заҳираларни тўплаши ва пул-кредит сиёсати ўртасидаги ўзаро таъсир учун бир қанча эътиборга молик натижаларни тақдим қилган.

F.Marcel (2012) томонидан олиб борилган эмпирик таҳлили шуни кўрсатдики, валюта сиёсатининг мақсади ва ички иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари қизиқ кетиши билан боғлиқ хавотирлар сўнгги ўн йил ичида капитал назоратини (қайта) жорий этиш ва давом эттириш учун иккита асосий сабаб бўлган. Капитал назорати валюта курсларини сезиларли даражада кам баҳолаган мамлакатларда кучли ишлаши кўрсатилган. Иқтисодчининг фикрича, капитал оқимини назорат қилиш бир томондан молия бозорининг ўзгарувчанлиги ёки ўзгарувчан капитал оқимлари ҳақидаги рискларни камайтиришга қаратилган бўлса, иккинчи томондан эса капитал оқимини назорат қилиш орқали юқори кредит ўсиши, инфляциянинг ўсиши ва ишлаб чиқариш ўзгариш частотасининг кенгайиши каби рискларни келтириб чиқарувчи иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари қизиқ кетишининг ҳам олдини олади. Таҳлиллар шуни кўрсатганки, капитал назорати юқори бўлган ва назоратни фаол амалга ошираётган мамлакатлар, одатда, қатъий валюта курси режимлари, инфляцияни таргетлаш каби пул-кредит сиёсатини режимини қўлламаган ва саёз молиявий бозорларга эга бўлган мамлакатлар ҳисобланган. Ушбу таҳлиллар шуни кўрсатдики, давлатлар мустақил макроиқтисодий ва пруденциал сиёсатлар ва капитал оқимларини тартибга солишнинг самарали механизмлари йўқлигини қоплаш учун ҳеч бўлмаганда қисман капитал назоратини қўллашган.

3. Тадқиқот методологияси.

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, валюта сиёсатининг давлатлар ташқи савдоларига таъсирини таҳлил қилишда Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Давлатлар ўртасида халқаро алоқалар жадаллик билан ривожланиш асосан XIX асрнинг ўрталаридан бошланди. Аммо ўша даврда олтин танга стандарти амал қилган ва бу вазиятда давлатлар алоҳида валюта сиёсатини юритишга ҳожат қолмаган. Иккинчи жаҳон уриши давридан кейин давлатлар ўртасида фиксирланган валюта курсини таъминлаш катта муаммага айланди. Ушбу алмашинув курси

режимига яқин бўлган курс ўрнатиш мақсадида боғланган курс режимини амалиётга киритди. Ўша даврдаги янги валюта тизимига кирган давлатлар боғланган алмашинув курсини олиб боришга мажбур бўлсаларда аммо давлатлар ўзларининг экспортлари рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида доимий девальвация амалга ошириб турган.



1-расм. Бутун жаҳон давлатлари экспортининг ЯИМга нисбати (фоизда)¹

Бреттон Вудс валюта тизимининг айрим элементларининг сақланиб қолган бўлсада, 1971 йилда ушбу тизимининг бекор бўлиши давлатлар олдига сузиб юрувчи алмашинув курсидан бошқа вариантни қўймади. Шунга кўра аксарият ушбу валюта тизимидаги давлатлар сузиб юрувчи алмашинув курсларига ўтишди. Таҳлил натижаларига кўра, айнан сузиб юрувчи алмашинув курсидаги валюта сиёсати давлатлар ўртасида савдо алоқаларини кескин ривожлантириб юборди. Хусусан, 1970 йилда барча давлатлар экспортларининг ЯИМга нисбати 12,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб 20 фоиздан ҳам ошган. Бу билан айтишимиз мумкинки, давлатлар очиқ иқтисодиёт режимини белгилашдан бошқа чора қолмаган. Яъни давлатлар ЯИМларини ошириш учун ички талаб етарли бўлмай қолган.

Таҳлилларни давомида давлатлар экспортларининг ЯИМга нисбати 1980 – 2008 йиллар давомида доим ошиб борган. Хусусан, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 23,6 фоизга етган бўлса, 2008 йилга келиб эса 31 фоизга етган. 2008 йилдаги иқтисодий инқироз, ҳамда 2014 йилда ва 2020 йиллардаги турли локал ва халқаро иқтисодий инқирозлар бу кўрсаткични тебранишини таъминлади.

Давлатларнинг экспортлари ҳажмининг ошиши ўз навбатида уларнинг импортлари ҳажмининг ошишига ҳам олиб келади. Чунки маълум бир давлат экспортининг ошиши унинг миллий даромадларини оширади ва бу эса уларнинг импортларини ҳам оширади.

¹ <https://data.worldbank.org/indicator/NE.EXP.GNFS.ZS>



2-расм. Бутун жаҳон давлатлари импортнинг ЯИМга нисбати (фоизда)²

Таҳлил натижаларига кўра, 1970 йилда барча давлатлар импортларининг ЯИМга нисбати 12,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб 20,8 фоизни ташкил қилган. 1980 йиллардаги АҚШ долларининг инқироzi давлатларнинг халқаро савдоларига салбий таъсир кўрсатган. хусусан, 1980-1990 йилларда уларнинг импорти ва экспорти ҳажмлари қисқарган. Аммо 1990 йилларда ривожланган давлатлар иқтисодиётининг кучли ривожланиши уларнинг халваро савдо операцияларига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Таҳлилимизнинг давомида кўришимиз мумкинки, 2008 йилга келиб импорт ҳажми ЯИМнинг 30,4 фоизига етган. Аммо давлатлар иқтисодиётлари бир маромда ривожланмайди, аксинча маълум бир циклда давом этади. Хусусан, 2008-2022 йилларда ушбу кўрсаткич кескин тебранишда бўлган.



3-расм. Евроҳудуд экспортнинг ЯИМга нисбати (фоизда)³

Охирги чорак асрда давлатлар ишлаб чиқаришларини ошириш мақсадида турли валюта сиёсатларини қўллаб келишмоқда. Валюта сиёсатларининг бош

² <https://data.worldbank.org/indicator/NE.IMP.GNFS.ZS>


³ <https://data.worldbank.org/indicator/NE.EXP.GNFS.ZS>

мақсади давлат экспортини ошириш орқали, яъни ташқи иқтисодиётдаги талаб орқали миллий даромадларини ошириш ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, айрим давлатлар бирлашган ҳолда умумий валюта сиёсатлари ёки тизимларини ташкил қилишмоқда. Бунга мисол сифатида 1998 йилда кучга кирган Еврохудуд минтақавий валюта тизимидир. Ушбу валюта тизимининг асосий сифатида 1978 йилда ташкил топган Европа валюта бирлигидир (ЕКУ). Ушбу валюта тизими ташкил топгунга қадар еврохудуд давлатлари экспорт ва импортининг ҳажми 30 фоиздан ошмаган бўлса, янги валюта тизимидан кейинги даврда бу кўрсаткич кескин ошган.

Таҳлил натижаларига кўра, Еврохудуд давлатлари экспортининг жами ЯИМга нисбати 1997 йилда 29,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 35,1 фоизга, ҳамда ипотека инқирозига қадар бу кўрсаткич 40,0 фоизга етган. 2008 йилдан кейинги даврда турли инқирозлар уларнинг экспорти салмоғини пасайтириб юборди. Аммо 2015 йилга келиб бу кўрстакич 46,0 фоизни ҳамда 2022 йилга келиб эса 54,7 фоизни ташкил қилди.

Еврохудуд импортларининг ЯИМга нисбати экспорт кўрсаткич каби ягона валюта тизимига ўтгандан кейин кескин ошган. хусусан, Еврохудуд давлатлари импортининг жами ЯИМга нисбати 1997 йилда 28,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 34,3 фоизга, ҳамда ипотека инқирозига қадар бу кўрсаткич 38,9 фоизга етган. 2008 йилдан кейинги даврда турли инқирозлар уларнинг экспорти салмоғини пасайтириб юборди. Аммо 2015 йилга келиб бу кўрстакич 44,8 фоизни ҳамда 2022 йилга келиб эса 53,1 фоизни ташкил қилди.

Еврохудуд давлатлари экспорт ва импортларининг бу каби катта ошиши авваломбор уларнинг ягона валюта тизими кирганлигидир. Ягона валюта тизими ташқи савдога тўсқинлик қиладиган турли божхона масалалари, банк орқали валютани конвертация қилиш ёки валюта курсининг кутилмаган ўзгаришлари каби муаммоларни бартараф этиб берган. Шунингдек, Еврохудуд давлатлар экспорти ва импортларининг ошиши асосан ўзаро бир-бири билан савдо операциялари натижаси ҳисобланади. Яъни улар томонидан ягона валюта тизимини ташкил қилиш уларнинг ташқи бозорга экспорт ва импорти сезиргани оширгани йўқ.



4-расм. Еврохудуд импортининг ЯИМга нисбати (фоизда)⁴


Давлатлар валюта сиёсатлари уларнинг халқаро савдо операцияларига таъсир қилиш билан бир вақтда айнан халқаро савдо операциялари ушбу давлатлар валюта

⁴ <https://data.worldbank.org/indicator/NE.IMP.GNFS.ZS>

сийёсати шакллари ҳама белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, айрим ривожланган давлатлар халқаро савдо операциялар ҳажмини таҳлил қилиб кўрамиз.

Таҳлил натижаларига кўра, ривожланган давлатлардан АҚШ халқаро савдо операциялар ҳажми қолган ривожланган давлатларга қараганда ЯИМга нисбатан салмоғи анча пастдир. Хусусан, 1997 йилда АҚШ экспортининг ЯИМга нисбати 11 фоизи ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 12 фоиз атрофида бўлмоқда ва сезиларли ўзгариш кузатилмади.

Таҳлилни яна бир ривожланган давлат, яъни Япония мисолида ҳам олиб борганмиз. Япония давлати экспортининг ЯИМга нисбати 1997 йилда 10 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 ва 2020 йиллардаги иқтисодий нобарқарорлик натижасида кескин тебранишни инобатга олмаганда 2022 йилгача катта ўзгариш бўлсаган. Хусусан, 2022 йилга келиб Япония ишлаб чиқаришининг 14 фоизини ташки иқтисодиётга сотмоқда.



5-расм. Айрим ривожланган давлатлар экспортининг ЯИМга нисбати (фоизда)⁵

Таҳлилда фойдаланган кейинги давлат Канада давлати бўлиб, унинг ташқи савдо операциялари ҳажми АҚШ ва Япония давлатларидан кескин фарқ қилади. Таҳлил натижаларига кўра, 1997 йилда Канада давлати ишлаб чиқарилган маҳсулотининг 38 фоизини ташқи дунё давлатларига сотган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 45 фоизга етган. Аммо кейинги йилларда, яъни 2000-2008 йилдан бошқа давлатлардан фарқли равишда Канада давлатининг экспорт ҳажмининг ЯИМга нисбати пасайиб борган ва 2008 йилда 30 фоиздан ҳам пастга тушган. Кейинги йилларда Канада экспортининг ЯИМдаги салоҳи кескин ўзгармаган ва 2022 йилгача 30-34 фоиз атрофида сақланган.

Юқоридаги давлатлар импортининг ЯИМга нисбатини таҳлил қилганда ҳам кескин ўзгаришлар кузатилмади. Хусусан, АҚШ импортининг ҳажми ҳам қолган давлатлардан унчалик юқори эмас. Хусусан, 1997 йилда АҚШ импортининг ЯИМга нисбатан салмоғи 12 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 14 фоиз атрофида бўлган ва бунда ҳам кескин тебраниш кузатилмаган.

Япония давлатининг импорти ҳажмининг ЯИМга нисбати 1997 йилда 10 фоиз атрофида бўлган бўлса, кейинги йилларда ушбу кўрсаткич доим ошиб борган ва 2022 йилга келиб Япония импортининг ЯИМга нисбати 18 фоизга етган.


⁵ <https://data.worldbank.org/indicator/NE.EXP.GNFS.ZS>



6-расм. Айрим ривожланган давлатлар импортининг ЯИМга нисбати (фоизда)⁶

Ушбу учта давлат ташқи савдо операциялари ҳажмининг ўзгаришидан хулоса қилишимиз мумкинки, ривожланган давлатларда ички ялпи талабнинг юқори бўлиши ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг ички бозорда сотилишини таъминламоқда. Шунингдек, ушбу давлатларда маҳсулотлар нархи қолган давлатлардан юқорилиги тадбиркорларининг экспортга эҳтиёжини пасайтирмоқда. Бу вазиятнинг қулайлик томонлари талайгина. Хусусан, ушбу давлатлар ташқи иқтисодий вазиятларга, ёки турли санкцияларга бардош бера олади, яъни ташқи иқтисодий вазиятларга унчалик боғлиқ эмас. Шунингдек, бу каби давлатларда валюта сиёсатини белгилашда сузиб юрувчи алмашинув курсини жорий этиш қийинчилик туғдирмайди.

Таҳлилдаги Канада давлати эса аҳоли сони камлиги (30 млн. киши атрофида) ишлаб чиқарилган товарларга ички талабни етарлича юқорилигини таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам ушбу давлатнинг экспорти юқоридир. Шунингдек, Канада давлати Марказий банки Бреттон Вудс валюта тизими даврида ҳам яширин интервенция ўтказиб турган, бу орқали валюта курсини девальвация қилиб борган ва бу жараён бугунги кунга қадар давом этмоқда.




7-расм. BRICS давлатлар экспортининг ЯИМга нисбати (фоизда)⁷

⁶ <https://data.worldbank.org/indicator/NE.IMP.GNFS.ZS>

Охирги йилларда ривожланиш даражаси ва дунё иқтисодиётида муҳим ўринга эга бўлиб бораётган давлатлар иқтисодиётлари бирикмаси сифатида BRICS ташкилотини олишимиз мумкин. Ушбу ташкилот 2006 йилда ташкил топган бўлиб, ўша даврда иқтисодиёти тез суръатлар билан ўсаятган давлатлар иқтисодиётини бир-бирига яқинлаштириш ва иқтисодий потенциалидан янада унумли фойдаланиш мақсадида қилинган.

Ушбу ташкилот таркибида Хитой давлат энг ривожланган давлат бўлиб, ушбу давлат экспортининг юқорилигидан доим азият чекиб келган. Яъни Хитой давлатида ички талабнинг пастлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташқи бозорга сотиш ва бу орқали ташқи иқтисодиётга боғлиқ бўлиб қолиши мустақил валюта сиёсатини юритишга тўсқинлик қилаётган эди. Бунга жавобан Хитой Халқ банки (Марказий банки) валюта курсини доим эътиборда сақлаган ва бу орқали эркин бозор тамойилларига қарши боришга мажбур бўлган.

Агар Хитой давлати ички талабни ошириш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини ички бозорда сотишга харкат қилса ташқи инвестициянинг келишига тўсқинлик қилиб қоларди. Деман, Хитой ҳукумати олдида турган муҳим масалалардан бири бу ички талабни ошириш орқали экспортни камайтириш ва ташқи инвестиция келиши ўртасидаги балансни таъминлаш ҳисобланади. Таҳлил натижаларига кўра, юқоридаги балансни Хитой ҳукумати қандайдир маънода таъминламоқда. Яъни 2006 йилда Хитой давлати экспортини ЯИМга нисбати 36 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб эса бу кўрсаткич 20 фоизгача пасайтирилган ва бу орқали ташқи бозорга қарамлиги ҳам камайган.



8-расм. BRICS давлатлар импортнинг ЯИМга нисбати (фоизда)⁸

Кўрилаётган даврда BRICS ташкилотига аъзо давлатлардан Бразилия ва Жанубий Африка давлатлари экспортнинг ЯИМга нисбати ошиб борган бўлса, Хиндистон ва Россияда экспорт ҳажмининг ЯИМга нисбати ўзгаришсиз қолган. Хусусан, Бразилия ва Жанубий Африка давлатлари экспортнинг ЯИМга нисбати 2006 йилда мос равишда 15 фоиз ва 26 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 20 фоиз ва 34 фоизга кўтарилган. Шунингдек, кўрилаётган даврда Хиндистон давлатида экспортнинг ЯИМга нисбати 20-24 фоиз атрофида сақланган бўлса, Россия давлатида экспортнинг ЯИМга нисбати 34 фоиздан 28 фоизга тушган.

BRICS давлатлари импортлари ҳажмининг ЯИМга нисбатан ўзгариши ҳам экспорти каби йўналишда бўлган. Хусусан, Хитой давлатининг импорти ҳажмининг

⁷ <https://data.worldbank.org/indicator/NE.EXP.GNFS.ZS>


⁸ <https://data.worldbank.org/indicator/NE.IMP.GNFS.ZS>

ЯИМга нисбати 2006 йилда 28,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб 17 фоизгача пасайган. Шунингдек, Россия ва Хиндистон давлатлари импортининг ЯИМга нисбати 2006 йилда мос равишда 21 ва 24 фоизларни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб эса Россия импортининг салмоғи пасайган ва 15 фоизни ташкил этган, аммо Хиндистон импорти 26 фоизгача кўтарилган. Бразилия ва Жанубий Африка давлатлари импортларининг салмоғи эса кўрилатган даврда сезиларли ошган.

Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, Хитой давлати иқтисодиётини диверсификация ва технологик янгилаш ҳисобига хориждан хом-ашё ёки технология импортини камайтирган. Россия ҳукумати 2014 йилдан бошлаб турли санкциялардан қолганлигини сабабли ички иқтисодиётда импорт ўрнини қоплашга йўналитирилган сиёсат олиб борилган ва бунинг натижасида импорт товарларининг салмоғи пасайган.

Хиндистон, Бразилия ва Жанубий Африка давлатлари эса бугунги кундаги халқаро иқтисодиётда ва сиёсатдаги турли зиддиятлардан унумли фойдаланиш мақсадида бозорга қараганда арзонроқ сотилаётган Россия товарларини импорт қилиш натижасида импортининг салмоғи ошиб бормоқда. Бу вазият асосан 2021-2022 йилларда кузатилган.

Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатини самарали олиб бориш учун халқаро савдо операцияларида унинг асосий ҳамкор давлатлари экспорти ва импортини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида ушбу ҳамкор давлатлардан Хитой ва Россия давлатлари халқаро савдоларини таҳлил қилдик, ва ушбу давлатлар биз учун асосий ҳамкор давлатлардир. Қуйида уларга қўшимча равишда Туркия ва Қозоғистон давлатлари ҳолатини кўриб чиқамиз.




9-расм. Асосий ҳамкор давлатларимиз экспортининг ЯИМга нисбати (фоизда)⁹

Таҳлил натижаларига кўра, Туркия давлати 2006 йилда ялпи ички маҳсулотининг 23 фоизини хорижга сотган бўлса, 2022 йилга келиб эса 38 фоизини хорижга сотмоқда. Таҳлилда кўрилган Қозоғистон давлати экспорти эса, аксинча, 2006 йилдаги 51 фоиздан 2022 йилда 34 фоизгача пасайган.

Бу таҳлилдан кўришимиз мумкин, бу ўз навбатида Туркия давлати товарларининг хорижда рақобатбардошлигини ошириши бўлса, иккинчи томондан Туркия давлатининг ташқи иқтисодиётга қарамлиги ошган. Аксинча Қозоғистон давлатида эса ички талабнинг ошиши кузатилган.

⁹ <https://data.worldbank.org/indicator/NE.EXP.GNFS.ZS>



10-расм. Асосий ҳамкор давлатларимиз импортининг ЯИМга нисбати (фоизда)¹⁰

Асосий ҳамкор давлатларимиз импорти ҳажмининг ўзгаришига назар солсак, унда Туркия давлати импортининг ЯИМга нисбати 2006 йилда 27 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб эса кескин ошган ва 43 фоизни ташкил қилган. Таҳлилда кўрилган Қозоғистон давлати импорти эса, аксинча, 2006 йилдаги 40 фоиздан 2022 йилда 26 фоизгача пасайган.

5. Хулоса.

Таълим сифати ҳал қилувчи омил бўлсада, шуни таъкидлаш керакки, у мамлакат иқтисодиётига таъсир этувчи омиллар мажмуасининг бир элементи холос. Ҳукумат сиёсати, инфратузилма, табиий ресурслар ва геосиёсий омиллар каби бошқа омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунга қарамай, таълимга сармоя киритиш иқтисодий ўсишни, рақобатбардошликни ва умумий фаровонликни рағбатлантиришнинг асосий стратегияси бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар:

Barro, R.J.; Lee, J.W. (2015) Education Matters. In Global Schooling Gains from the 19th to the 21st Century; Oxford University Press: Oxford, UK, [Google Scholar]

Bhattarai, D., & Shrestha, D. P. (2015). Investment in Education and its Impact on Economy of Nepal. Journal of Advanced Academic Research, 117-128.

Dumciuviene, D. (2015). The Impact of Education Policy to Country Economic Development. *Procedia - Social and Behavioral Sciences*, 2427-2436

Goczek, Łukasz, Ewa Witkowska, and Bartosz Witkowski. (2021) "How Does Education Quality Affect Economic Growth?" *Sustainability* 13, no. 11: 6437. <https://doi.org/10.3390/su13116437>

Grant, C. (2017). *The Contribution of Education to Economic Growth*. England: Institute of Development Studies.

Hess, P.N. (2016) *Economic Growth and Sustainable Development*; Routledge: London, UK, [Google Scholar]

Hanushek, E.A.; Woessmann, L. (2020) *The High Cost of Low Educational Performance: The Long-Run Economic Impact of Improving PISA Outcomes*; OECD Publishing: Paris, France, [Google Scholar]

Ilhan Ozturk. The Role of Education in Economic Development: A Theoretical Perspective. February 2001. *SSRN Electronic Journal*. DOI:10.2139/ssrn.1137541

Puspa Raj Kuwar (2021) *Impact of Education on Economy*. January. *Triyuga Academic Journal*. DOI:10.3126/taj.v2i1.45620. LicenseCC BY-SA 4.0

Samruhaizad, S., & Azahan, A. (2017). Pendidikan Sebagai Komponen Kualiti Hidup Masyarakat Pinggir Bandar. *Asian Journal of Environment, History and Heritage*, 1, 267-280.

Widarni, E.L.; Bawono, S. (2021) Human Capital, Technology, and Economic Growth: A Case Study of Indonesia. *J. Asian Financ. Econ. Bus.*, 8, 29–35. [Google Scholar]



БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МАҚСАДЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ КЎЧМАС МУЛК ТАЪРИФИ ВА ТАСНИФИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рахмонова Ю.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация. Ушбу мақолада инвестициявий кўчмас мулкка берилган таърифлар тадқиқ этилиб такомиллашган таъриф ишлаб чиқилган. Инвестициявий кўчмас мулкнинг таркибий қисмлари белгилаб берилган. Инвестициявий мулк ва асосий воситаларнинг фарқли жиҳатлари ва бир хил бўлган жиҳатлари очиқ берилган. Инвестициявий кўчмас мулдан олинadиган даромадлар ўрғанилган. Активларни фойдаланиш ҳуқуқи бир ёки бир нечта шартномалар бўйича учинчи шахсларга ижарага берилганда инвестициявий кўчмас мулкни ҳамда қайта баҳоланиш натижасида олинган даромадларни бухгалтерия счёtlарида акс эттириш услубий тартиби ишлаб чиқилган. Шунингдек, инвестициявий кўчмас мулкни бухгалтерия балансида акс эттириш таклиф этилган.

Калит сўзлар: Инвестициявий кўчмас мулк, асосий воситалар, активларни фойдаланиш ҳуқуқи, кўчмас мулк (ер, бино), қайта баҳолаш, молиявий ижара.

Аннотация. В данной статье рассматриваются определения инвестиционной недвижимости и разрабатывается уточненное определение. Определены составляющие инвестиционной недвижимости. Выявлены различия и сходства инвестиционной недвижимости и основных средств. Изучены доходы от инвестиционной недвижимости. При передаче права пользования активами в аренду третьим лицам по одному или нескольким договорам разработан методический порядок отражения инвестиционной недвижимости и доходов от переоценки в бухгалтерском учете. Также предлагается отражать инвестиционную недвижимость в бухгалтерском балансе.

Ключевые слова: Инвестиционная недвижимость, основные средства, право пользования имуществом, недвижимость (земля, здание), переоценка, финансовая аренда.

Abstract. This article examines definitions of investment property and develops a refined definition. The components of investment property are defined. The differences and similarities between investment property and fixed assets are revealed. Income from investment property has been studied. When the right to use assets is leased to third parties under one or more contracts, a methodological procedure has been developed for reflecting investment property and income from revaluation in accounting accounts. It is also proposed to reflect investment property in the accounting balance sheet.

Key words: Investment property, fixed assets, right to use assets, property (land, building), revaluation, financial lease.

1. Кириш.

Бугунги кунда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га жадал ўтилмоқда. Амалиётимизда асосий воситалар, номоддий активлар ёки инвестициялари тушунчалари МҲХСлари жорий қилингунга қадар ҳам амал қилган. Лекин, айрим муҳим тушунчалар, жумладан инвестициявий кўчмас мулк, сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар, шартномавий активлар, солиқ активлари, назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссаси ва бошқа тушунчалар бизнинг амалиётимиз учун янги бўлган атамалардир. Ушбу тушунчаларни халқаро стандартлар асосида янги талқинда ифода этиш, уларнинг мазмун ва моҳиятини очиқ бериш, тан олиш ва баҳолаш мезонларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини к

ў Президент Мирзиёевнинг (2023) тадбиркорлар билан учрашувида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, содда солиқ маъмурчилиги ва бюрократиясиз қулай муҳит шакллантириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришларни қўллаб-қуватлаш, кластер тизими ҳамда стандартларни жорий қилиш масалалари кўтарилди. Бундан кўриниб турибдики, халқаро стандартлар ва берендларни кенг жалб қилиш долзарб масаладир.

м Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида (2020) акциядорлик жамиятлари ва йирик корхоналарда МҲХСларини тўлиқ жорий қилиш кўзда тутилган. Ўрта ва кичик бизнес корхоналари учун 2024 йилдан жорий қилиш кўзда тутилган Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) айнан халқаро стандартларга мосланади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан МҲХСлари асосида бухгалтерия ҳисобини башкил этиш ва такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилмоқда. Лекин, ушбу тадқиқотларда инвестициявий кўчмас мулк ҳисоби масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

г Корхоналарда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида инвестициявий мулкка доир ахборотларни акс эттириш ўз навбатида уларнинг инвестицион жозибadorлиги, тақдим этиладиган ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда ахборотларнинг ҳаққонийлигини оширишга хизмат қилади. Бу ўз навбатида инвестициявий кўчмас мулк ҳисобини такомиллаштириш борасида тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

а Юқоридагиларни ҳисобга олиб таъкидлашимиз мумкинки, ушбу мақола долзарб мавзуга бағишланган.

1

2. Адабиётлар шарҳи.

Инвестициявий кўчмас мулк деганда нимани тушунасиз? деган савол бўйича анкета сўрови ўтказилганда, кўпчилик тадбиркорлар “инвестициявий мулк - бу инвестиция кўринишида киритилган мулк” деб жавоб қайтарган. Демак, бу шундан далолат берадики, инвестициявий кўчмас мулк тушунчаси ҳали тўлиқ кириб келмаган ва унинг талқини борасида ҳам тадқиқот ишлари салмоғи етарли эмас.

Инглиз тилида “investment property”, рус тилида “инвестиционное имущество”, ўзбек тилида “инвестициявий мулк” деб таржима қилинган. Property деганда мулк эмас кўчмас мулк, яъни ер ва бино тушунилади. Шу боис, “инвестициявий кўчмас мулк” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Инвестициявий кўчмас мулк тўғрисида умумқабул қилинган таъриф 40-сон БҲХС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандартида (2005) қуйидаги тахрирда келтирилган²: **“Инвестициявий кўчмас мулк** – бу ижара ҳақи ёки капитал қийматининг ўсиши ҳисобидан даромад олиш мақсадида тасарруфида бўлган кучмас мулк (ер ёки бино, ёки бинонинг бир қисми ёки униси ҳам буниси ҳам), бироқ:

(а) ишлаб чиқаришда ёки товарларни жўнатишда ва хизматларни кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланилмайдиган; ёки

(б) одатдаги фаолияти давомида сотишга мўлжалланмаган бўлиши керак.”

Ушбу таъриф умумэътироф этилган таъриф бўлиб, инвестициявий кўчмас мулкнинг инвестициялардан фарқи ва унинг асосий тавсифий жиҳатларини тасвирлайди.

СИРА соҳиби Шапунова (2022) инвестициявий кўчмас мулк тўғрисида ўз фикрларини қуйидагича баён қилади. “...яъни Инвестициялар тўғрисидаги Қонунга мутлоқ мувофиқлиги яққол кўринади: бизнес марказининг тезкор ижарага топшириш учун мўлжалланган кўчмас мулки – инвестициядир.

Энди ижара объектини МҲХСлари бўйича молиявий ҳисоботда акс эттириш тўғрисида: инвестициявий мулк – асосий воситалар эмас”. Бизнинг фикримизча, қонунда “ижарага топшириш учун мўлжалланган кўчмас мулк – бу инвестициядир” деб қайд қилингани бу инвестициявий кўчмас мулкка берилган таъриф сифатида эмас, балки инвестицияга берилган тавсиф деб қараш керак. Инвестициявий мулк бу асосий восита эмас, деган фикрга қўшилаемиз, чунки халқаро стандартлар инвестициявий кўчмас мулкни асосий воситалар таркибида акс эттиришни кўзда тутмайди.

Халқаро стандартлар қоидаларидан келиб чиқиб Неъматовнинг (2022) “Активлар – бу ташкилотнинг ўтган ходисалари натижасида юза келган ва назорат қилинадиган ҳамда ундан фойдаланиш корхонага келгусида иқтисодий нафни келтирадиган иқтисодий ресурслардир. Иқтисодий ресурс деганда, иқтисодий нафни яратиш потенциалига эга бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқнинг баҳоланган суммасига айтилади” деган фикрига қўшилган ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, инвестициявий кўчмас мулк активлар таркибидаги иқтисодий ресурслардир. У иқтисодий ресурсларнинг барча талабларига жавоб беради. Инвестициявий кўчмас мулклар:

ўтган ходисалар натижасида юзага келади;

ундан фойдаланиш ёки тутиб туриш келгусида иқтисодий нафни юзага келтиради;

катта эҳтимол билан ишончли баҳолаш мумкин бўлади.

PwC аудиторлик фирмаси томонидан тайёрланган ўқув қўлланмада³ “Инвестициявий кўчмас мулк – бу ижарадан ёки кўчмас мулкнинг қийматининг ўсишидан даромад олиш мақсадида мулкдорнинг ёки ижарачининг (фойдаланиш ҳуқуқи шаклидаги актив сифатида) тасарруфида бўлган кўчмас мулк (ер, бино, бинонинг бир қисми, ёки униси ҳам буниси ҳам)...” деб таърифлайди. Демак, ушбу таърифда юқоридаги таърифлардан фарқли ўлароқ, “фойдаланиш ҳуқуқи шаклидаги актив сифатида” атамасидан фойдаланиши, инвестициявий кўчмас мулкларнинг маълум жиҳатларини янада чуқурроқ очиқлайди.

² 40-МСФО. Инвестиционное имущество. <http://finotchet.ru/articles/157/>

³ 2020 PwC. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией PwC для экзаменов АССА ДипИФР в 2020 году.1702-с.

Россия Марказий банки томонидан тасдиқланган Низомда (2021) инвестициявий кўчмас мулкка кенгроқ таъриф келтирган: “ушбу Низом мақсадларида инвестициявий кўчмас мулк деганда, мулкдор ёки ижарачи томонидан активдан фойдаланиш ҳуқуқи кўринишида актив сифатида тутиб туриладиган инвестициявий мулк (ер участкаси ёки бино, бинонинг бир қисми, ёки униси ҳам буниси ҳам) тушунилиб, ижара тўловларини олиш (молиявий лизинг шартномалари бўйича тўловлардан ташқари), ёки ушбу ер участкаси ёки бино, бинонинг бир қисми, ёки униси ҳам бунисининг ҳам қийматининг ошиши натижасида даромад олиш кўзда тутилган бўлади ҳамда хизмат кўрсатиш, маъмурий ва бошқарув мақсадларида, хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида, шунингдек санитария-гигиена, техник-эксплуатацион ва бошқа махсус техник нормалар ва талаб учун меҳнат воситаси сифатида фойдаланилмайди, инвестициявий кўчмас мулк сифатида таснифлангандан кейин 12 ой ичида сотиш режалаштирилмайди. Кўрсатилган инвестициявий кўчмас мулк алоҳида асосий воситаларнинг гуруҳини ташкил этади.”

Ушбу таъриф батафсил келтирилган, лекин таъриф жуда узун, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таърифлар қисқа ва мазмунли бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари инвестициявий кўчмас мулк асосий воситаларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади дейилган бандига қўшила олмаймиз, чунки бу талаб халқаро стандартларга жавоб бермайди.

Бошқа муаллифлар жумладан Дружиловская (2022), Мялкиналар (2023) ҳам ўзларининг илмий мақолаларида 40-сон БҲХСда келтирилган таърифни эътироф этишади. Робин Джойс (2017) томонидан 40-сон БҲХСни банкларда қўллаш бўйича ўқув қўлланма яратилган ва рус тилига таржима қилинган. Унда инвестициявий кўчмас мулкни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттириш масалалари ёритилган. Бундан ташқари мамлакатимиз олимларидан Ҳамдамов (2023) инвестициявий кўчмас мулк ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш борасида тадқиқот ишларини амалга оширган. Авлакулов (2007) инвестицион мулк ҳисобини такомиллаштириш бўйича намзодлик диссертацияларини ёқлаган.

3. Тадқиқот методологияси.


Тадқиқот жараёнида илмий мақолалар ҳамда амалий материаллар таҳлил ва синтез, СВОТ таҳлил, таққослаш ва гуруҳлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилиб тадқиқ этилди ҳамда хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Юқоридаги таърифларни тадқиқ қилиш асосида инвестициявий мулкнинг қуйидагича такомиллашган таърифини таклиф этамиз: **Инвестициявий кўчмас мулк** деганда, ташкилотнинг хусусий мулки ҳамда ижарачи томонидан активдан фойдаланиш ҳуқуқи кўринишида мулк сифатида тутиб туриладиган узоқ муддатли моддий активларининг бир қисми, яъни ер участкаси, бино, бинонинг бир қисми, ёки униси ҳам буниси ҳам бўлиб, уларнинг қийматининг ошиши натижасида даромад олиши ёхуд ижара тўловларини олиш (молиявий лизинг шартномалари бўйича тўловлардан ташқари) кўзда тутилган бўлади, шунингдек одатдаги фаолияти билан боғлиқ жараёнларда, жумладан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш, маъмурий ва бошқарув мақсадларида фойдаланилмайди ҳамда сотиш учун мўлжалланмайди.

Ушбу таъриф олдинги таърифдан бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради. Ушбу таърифда инвестициявий кўчмас мулк деб номланди, унинг узоқ

муддатли моддий актив эканлиги эътироф этилди. Молиявий ижарага олинган кўчмас мулкка оид бўлган активлардан фойдаланиш ҳуқуқи деган тушунча киритилди. Бундан ташқари таърифда инвестициявий кўчмас мулкнинг таркибий қисмлари киритилди. Одатдаги фаолияти билан боғлиқ жараёнлар тушунчаси ва унинг кўлами санаб ўтилди. Инвестициявий активларни тан олишнинг муҳим шартлари киритилди.



1-расм. Ташкилотларда инвестициявий кўчмас мулк таркиби⁴

Инвестициявий кўчмас мулк қуйидагиларни қамраб олади:

⁴ Халқаро стандартлар асосида муаллиф ишланмаси

Одатдаги фаолияти давомида қисқа муддатли перспективада сотиш учун эмас, балки узоқ муддатдаги перспективада қийматининг ошишидан наф олиш мақсадида тутиб туриладиган Ер;

Айни вақтда келгусида ишлатилиши аниқланмаган Ер. Агарда ташкилот мулкдор эгалигидаги кўчмас мулк сифатида ердан фойдаланиш ёки одатдаги фаолияти давомида қисқа муддатли перспективада реализация қилиш учун қарор қабул қилмаган бўлса, у ҳолда ушбу ер капиталнинг ўсиши учун мўлжалланган деб ҳисобланади;

Ташкилотнинг ўз мулки ҳисобланган ёки ташкилотда молиявий ижара бўйича тасарруфида бўлган ва битта ёки бир нечта операцион ижара бўйича тақдим этилган Бино;

Ҳозирги вақтда банд бўлмаган, лекин бир ва бир қанча операцион ижара шартномалари бўйича ижарага топшириш учун мўлжалланган Бино;

Келгусида инвестицион мулк сифатида фойдаланиш учун қуриладиган ва тараққий эттириладиган Мулк.

Инвестициявий кўчмас мулкнинг таркибий қисмларини қуйидаги 1-расмда акс эттирамиз.

Қуйидагилар инвестициявий мулкка кирмайди ва шу боис, ушбу моддалар 40-сон БҲХСдан ташқаридаги моддалар ҳисобланади:

(а) Одатдаги фаолияти давомида сотиш учун мўлжалланган ёки худди шу каби сотиш учун қурилаётган ёки реконструкция бўлаётган кўчмас мулк;

(б) учинчи томон топшириғи бўйича қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўчмас мулк;

(с) мулкдор тасарруфидаги кўчмас мулк (16-сон БҲМС), шу жумладан, мулкдор тасарруфидаги мулк сифатида келгусида фойдаланиш учун мўлжалланган кўчмас мулк; мулкдор тасарруфидаги мулк сифатида келгусидаги реконструкция ва давомий фойдаланиш учун мўлжалланган кўчмас мулк; корхона ходимлари томонидан эгалланган кўчмас мулк, улар ижара ҳақини бозор ставкасида тўлаши ёки тўламаслигидан қатъий назар; шунингдек, мулкдор тасарруфидаги чиқариш учун мўлжалланган мулк;

(д) молиявий ижара шартномаси бўйича бошқа корхонага ижарага топширилган мулк.

Инвестициявий кўчмас мулкнинг тавсифий жиҳатларини очиб бериш мақсадида унинг асосий воситалар (Кўчмас мулк (ер ва бино), завод ҳамда машина ва асбоб-ускуналар)дан фарқли жиҳатлари тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Кўчмас мулк (ер, бино), машина ва асбоб-ускуналар (асосий воситалар) ҳамда инвестициявий активларнинг фарқи белгилари ва айнан бир бўлган жиҳатлари⁵

Фарқлаш ва айнан бир бўлган белгилари	Асосий воситалар	Инвестициявий кўчмас мулк
Фарқли белгилари		
Файдаланиши	Ишлаб чиқариш, сотиш, хизмат кўрсатиш ва маъмурий бошқарув мақсадларида фойдаланилади	Ишлаб чиқариш, сотиш, хизмат кўрсатиш ва маъмурий бошқарув мақсадларида фойдаланилмайди
Наф олиниши	Ишлаб чиқариш, сотиш, хизмат кўрсатиш ва маъмурий бошқарув	Инвестициявий мулк ижарадан ва қийматининг ошишидан

⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси


	мақсадларида фойдаланиш натижасида иқтисодий наф олинади	даромад олинади
Пул оқимини юзага келтирадиган бирлик сифатида тавсифи	Айрим асосий воситалар бошқа активларга боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида ёки биргаликда пул оқимини юзага келтирувчи бирлик бўлиши мумкин	Ҳар бир инвестициявий кўчмас мулк бошқа активларга боғлиқ бўлмаган ҳолда пул оқимини юзага келтирувчи бирлик ҳисобланади
Таркиби бўйича	Асосий воситалар мезонларига жавоб берадиган кўчар ва кўчмас мулклар киради	Фақат кўчмас мулк киради
Синфлари	Ер; Ер ва бино; завод, машина ва асбоб-ускуналар; сув судалари; ҳаво судалари; автотранспорт воситалари, мебель ва териб қўйиладиган муҳандислик асбоб-ускуналари; офис асбоб-ускуналари	Ер, бино, ер ва бино биргаликда
Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ошиши натижасида олинган даромад суммаси	Бошқа умумлашган даромадлар сифатида тан олиниб, капиталнинг асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича резерв қисмида акс эттирилади	Тўғридан-тўғри фойда ва зарарларда тан олинади.
Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг камайиши натижасида қўрилган зарар суммаси	Кўчмас мулкни қайта баҳолаш бўйича резерв қисмидаги резервни камайтиришга олиб борилади, етмаган қисми эса фойда ва зарарларда тан олинади	Тўғридан-тўғри фойда ва зарарларда тан олинади.
Қайта баҳолаш даврийлиги	Мунтазам равишда амалга оширилади. Фақат адолатли қиймати билан балансдаги қиймати ўртасида фарқ катта бўлмаслиги керак	Мунтазам равишда ҳар бир ҳисобот даврининг охирида қайта баҳолаш ўтказилади.
Консолидациялаш тартиби	Бош компания ва шўъба компаниялар асосий воситалари жамланади.	Инвестициявий кўчмас мулк бош компанияга ижара берилган ҳолда консолидацияланган молиявий ҳисоботда кўрсатилмайди. Алоҳида молиявий ҳисоботда кўрсатилади.
Ижарага муносабати	Операцион ва молиявий ижарага берилиши мумкин.	Фақат операцион ижара кўзда тутилади. Активдан фойдаланиш ҳуқуқи учинчи томонга бир ёки бир нечта шартномалар бўйича операцион ижарага берилиши мумкин.
Амортизация	Бошланғич таннарх модели ва қайта баҳолаш модели бўйича баҳоланган асосий воситаларга амортизация ҳисобланади	Фақат бошланғич таннархи модели бўйича баҳоланган мулкка нисбатан амортизация амалга оширилади. Қайта баҳолаш модели бўйича амортизация амалга оширилмайди.
Амортизация харажатлари	Ишлаб чиқаришга оид бўлган асосий воситалар амортизация	Амортизация харажатлари бошқа операцион

	харажатлари умумишлаб чиқариш харажатлари, сотиш ва маъмурий бошқарувга оид асосий воситалар амортизация харажатлари операцион харажатларга олиб борилади	харажатларга олиб борилади
Қайта таснифлаш амалга оширилганда	Асосий восита таркибидан инвестициявий кўчмас мулк таркибида ўтказилганда: Инвестициявий кўчмас мулкни қайта баҳолаш модели қўлланилганда даставвал мулк қайта баҳоланади ва натижаси қайта баҳолаш бўйича резервда акс эттирилади; инвестициявий кўчмас мулкни таннархи бўйича ҳисобга олиш модели қўлланилса ўтказилаётган мулк жорий таннархи бўйича ҳисобга олинади ва унга амортизация ҳисоблаш давом эттирилади.	Инвестициявий кўчмас мулк таркибидан асосий мулк таркибига ўтказилганда: қайта баҳолаш модели қўлланилганда даставвал мулк қайта баҳоланади ва қайта баҳолаш натижалари фойда ва зарарларда акс эттирилади; инвестициявий кўчмас мулкни таннархи бўйича ҳисобга олиш модели қўлланилса ўтказилаётган мулк жорий таннархи бўйича ҳисобга олинади ва унга амортизация ҳисоблаш давом эттирилади.
Айнан бир хил бўлган жиҳатлари		
Узоқ муддатлиги ва моддийлиги	Узоқ муддатли моддий актив. Айланмадан ташқари актив	Узоқ муддатли моддий актив. Айланмадан ташқари актив
Тан олиш мезонлари	Бир вақтнинг ўзида қуйидаги мезонларга жавоб беради: таърифига мувофиқ келади; ундан фойдаланиш натижасида иқтисодий наф олинади; таннархи ишончли баҳоланади	Бир вақтнинг ўзида қуйидаги мезонларга жавоб беради: таърифига мувофиқ келади; ижара ва қиймати ошишидан иқтисодий наф олинади; таннархи ишончли баҳоланади
Кўчмас мулкни давомий харажатлари	Кўчмас мулкка хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатлар давр харажатларига олиб борилади	Инвестициявий кўчмас мулкка хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатлар давр харажатларига олиб борилади
Баҳолаш моделлари	Иккита модел бўйича ҳисобга олиш: Бошланғич таннархи модели; Қайта баҳолаш модели	Иккита модел бўйича ҳисобга олиш: Бошланғич таннархи модели; Қайта баҳолаш модели
Амортизация	Асосий восита сифати ер амортизацияланмайди	Инвестициявий кўчмас мулк сифа-тида ҳам ер амортизацияланмайди
Амортизация методлари	Чизиқли метод; қолдиқни камайтириш методи; қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулот/бажарилган иш/кўрсатилган хизматлар ҳажмига мутоносиб равишда тақсимлаш методи	Чизиқли метод; қолдиқни камай-тириш методи; қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулот/бажарилган иш/кўрсатилган хизматлар ҳажмига мутоносиб равишда тақсимлаш методи

Ушбу жадвал асосида хулоса қилиш мумкинки, инвестициявий кўчмас мулк асосий воситалардан фарқли жиҳатлари ва айнан бир хил жиҳатлари мавжуд. Инвестициявий кўчмас мулк ҳам асосий воситалар ҳам узоқ муддатли моддий активлардир. Айланмадан ташқари активдир. Иккаласи ҳам актив кўринишидаги иқтисодий ресурслардир. Улар айнан бир хил мезонлар асосида тан олинади. Ўтган

ходисалар натижасида юзага келади. Кўчмас мулкни эксплуатация қилиш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ давомий харажатлари давр харажатларига олиб борилади. Ички қисмларини алмаштириш, модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар эса кўчмас мулкнинг қийматига капиталлаштирилади. Давомий баҳолаш, жумладан бошланғич таннархи ва қайта баҳолаш моделлари асосида амалга оширилади. Айнан бир хил амортизация методлари қўлланилади. Асосий воситалардан фарқли ўлароқ, инвестициявий кўчмас мулк ишлаб чиқариш, сотиш, хизмат кўрсатиш ва маъмурий бошқарув мақсадларида фойдаланилмайди. Таркиби бўйича фарқ қилади. Асосий воситалар таркибига, кўчмас мулкдан ташқари кўчар мулк, жумладан машина ва асбоб-ускуналар кирса, инвестициявий кўчмас мулк таркиби фақат ер ва бино билан чегараланади. Асосий воситаларда қайта баҳолашдан олинган даромад резерв капиталига олиб борилса, инвестициявий мулкдан олинган даромадлар фойда ва зарарларга олиш борилади.

Инвестициявий мулкнинг энг муҳим хусусияти ундан иккита кўринишдаги даромад олинади. Ташкилот кўчмас мулкдан унинг қиймати келгусида ошиши ҳисобидан ҳамда ташкилотнинг ўз хусусий кўчмас мулки ёки молиявий ижарага олинган кўчмас мулкни активдан фойдаланиш ҳуқуқи сифатида оператив ижарага берилишидан ижара ҳақи сифатида даромад олади. Ушбу даромадларни қуйидаги 2-расмда акс эттиришимиз мумкин бўлади.



2-расм. Инвестициявий мулкдан олинadиган даромадлар⁶

Бизнинг фикримизча, стандарт талабларидан келиб чиқиб ташкилот кўчмас мулкни инвестициявий кўчмас мулк сифатида эътироф этишлари учун қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиши керак:

Ташкилот ўзининг мулки ҳисобланган кўчмас мулкни операцион жараёнларда (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш, сотиш ёхуд маъмурий бошқарув) фойдаланмасдан ҳамда сотиш учун мўлжалланмасдан уни келгусида капитал қиймати ошади деган мақсадда тутиб туради. Айни вақтда қиймати ошишини кўзда тутмаган бўлса ҳам келгусида ишлатилиши аниқ бўлмаган ер бундан истисно эмас;

Ташкилот бинонинг бир қисмидан фойдаланиб, қолган қисмидан фойдаланмаса ва унинг капитал қийматининг ошишини назарда тутса ҳамда фойдаланилмайдиган қисмини алоҳида идентификациялаш ҳамда баҳолаш


⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

имконияти бўлса, фойдаланилмаган қисмини инвестициявий мулк сифатида қайд қилиши мумкин;

Ташкилотнинг операцион ижарага берган ўз кўчмас мулки;

Ташкилотнинг молиявий лизингга олган кўчмас мулки бўйича операцион ижарага берган активдан фойдаланиш ҳуқуқи.

Ижарага бериладиган кўчмас мулк моделини қуйидаги 3-чизмада акс эттиришимиз мумкин бўлади.



3-расм. Ташкилотнинг инвестициявий кўчмас мулки бўйича ижара объектлари⁷

Ушбу 3-расмда инвестициявий кўчмас мулк объектларини ижара беришда фақат оператив ижара тушунилиши қайд қилинган. Молиявий лизингга олинган кўчмас мулкда активларни фойдаланиш бўйича ҳуқуқни баҳолаш, тан олиш керак. Активларни фойдаланиш ҳуқуқи бир ёки бир нечта шартномалар бўйича учинчи шахсларга ижарага берилса бу ҳуқуқ инвестициявий мулк сифатида тан олиниши талаб этилади.

Амалиётдаги мисолларда кўриб ўтамиз. “Stainless-Stell Samarkand” МЧЖ корхонаси ишлаб чиқариш биносини 2022 йил январь ойида молиявий ижарага олди. Ушбу активдан фойдаланиш ҳуқуқи 1 850 450 000 сўм деб баҳоланди. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган ижарага олинган инвестициявий кўчмас мулкнинг ижара мажбуриятлари ҳам ушбу суммага тенг. Объектни 2023 йил 1 январ ҳолатида қайта баҳолаш натижаси унинг қиймати 150 250 000 сўмга ошганлиги аниқланди ва тегишли тартибда ҳуқуқий расмийлаштирилди. Ушбу ҳолатни тегишли бухгалтерия ёзувлари ҳамда инвестициявий мулк адолатли қийматда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш талаб этилади.

Ижарага олинган мулк бўйича активдан фойдаланиш ҳуқуқи баҳоланган суммасига қуйидагича бухгалтерия ёзуви берамиз:

Ишлаб чиқариш биносидан фойдаланиш ҳуқуқи..... 1 850 450 000 сўм

Узоқ муддатли ижара мажбуриятлари.....1 850 450 000

Асос: “Stainless-Stell Samarkand” МЧЖ корхонаси ишлаб чиқариш биносини молиявий ижарага олди. Ушбу активдан фойдаланиш ҳуқуқи 1 850 450 000 сўм деб баҳоланди.

Ижарага олинган ишлаб чиқариш биноси қайта операцион ижарага берилишига қарор қабул қилинганлиги муносабати билан инвестициявий мулк

⁷ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

сифатида тан олинди. Ушбу жараёни қуйидаги бухгалтерия ёзувларида акс эттирамиз:

Инвестициявий кўчмас мулк.....1 850 450 000

Ишлаб чиқариш биносидан фойдаланиш ҳуқуқи..... 1 850 450 000 сўм

Асос: Узоқ муддатли ижарага олинган ишлаб чиқариш биноси операциялар ижарага берилиши муносабати билан инвестициявий кўчмас мулк гуруҳига бошланғич қийматида 1 850 450 000 сўмга ўтказилди.

Ҳисобот даврининг охирида инвестициявий кўчмас мулк қайта баҳоланди. Натижада унинг қиймати ошди. Қийматнинг ошиши натижасида олинган даромад суммасига қуйидагича бухгалтерия ёзувини амалга оширамиз:

Инвестициявий кўчмас мулк.....150 250 000 сўм

Фойда ва зарарлар.....150 250 000

Асос: 2023 йил 1 январ ҳолати бўйича инвестициявий кўчмас мулкнинг қиймати 150 250 000 сўмга оширилди. Натижада, корхона мулк қийматининг ошиши натижасида даромад олди.

Бу жараён ҳисоботда ўз аксини топади:

“Stainless-Stell Samarkand” МЧЖ корхонаси Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг тааллуқли қисми

Узоқ муддатли активлар: Инвестициявий кўчмас мулк.....2 000 700 000

Узоқ муддатли мажбуриятлар: Ижара бўйича мажбуриятлар....1 850 450 000

Ушбу тавсиялар корхоналарнинг бухгалтерия балансида инвестициявий кўчмас мулкка оид ахборотларни акс эттиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги ва фойдалигини оширади. Хорижий инвесторларга ҳаққоний ва ишончли ахборотларни тақдим қилиш имконияти туғилади.

5. Хулоса.

Ушбу тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга эришиш мумкин:

Инвестициявий кўчмас мулк тушунчасига такомиллашган таъриф ишлаб чиқилди. Ушбу таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, инвестициявий кўчмас мулк узоқ муддали моддий актив эканлиги, молиявий ижара асосида олинган мулклар бўйича активнинг фойдаланиш ҳуқуқи учинчи томонларга бир ёки бир нечта шартномалар бўйича операциялар ижарага берилиши, қийматининг ошиши ва ижара тўловлари кўринишида даромад олиниши ҳамда одатдаги фаолиятида фойдаланилмайдиган ва сотиш учун мўлжалланмаганлиги қайд этилди. Ушбу таъриф инвестициявий кўчмас мулкнинг барча жиҳатларини қамраб олиниши эътироф этилди;

Тадқиқот жараёнида халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб инвестициявий кўчмас мулкнинг таркибий қисмларини акс эттирувчи чизма таклиф этилди. Унда унинг асосий таркибий қисмлари ер, бино, ер ва бино биргаликда бир қанча кўринишларда намаён бўлиши акс эттирилди, қайсики ушбу таснифлаш молиявий ҳисоботда инвестициявий кўчмас мулк тўғрисида ахборотларни очиқлашда муҳим роль ўйнаши қайд этилди;

Ишда асосий воситалар (кўчмас мулк (ер, бино), завод ва машина ва асбоб-ускуналар) ва инвестициявий кўчмас мулкларнинг фарқли жиҳатлари ва бир хил бўлган жиҳатлари жадвал кўринишида акс эттирилиб берилди. Бу эса бухгалтерларга инвестициявий мулкларни асосий воситалардан фарқли тан олиш, идентификация қилиш, таркибини белгилаш ва ҳисоботларда очиқлашларда қўл келади;

Инвестициявий кўчмас мулкдан олинадиган даромад турлари тавсифланди, активларни фойдаланиш ҳуқуқи бир ёки бир нечта шартномалар бўйича учинчи

шахсларга ижарага берилса инвестициявий кўчмас мулкни ҳамда қайта баҳоланиш натижасида олинган даромадларни бухгалтерия сўётларида акс эттириш услубий тартиби амалий мисолларда кўрсатиб берилди. Шунингдек, инвестициявий кўчмас мулкни бухгалтерия балансида акс эттириш таклиф этилди.

Ушбу тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши миллий ҳисоб тизимимизни халқаро амалиётга яқинлаштиришга, амалиёт ходимларини услубий тавсиялар билан таъминлашга, ҳисоботнинг шаффофлиги ва ишончлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

Авлоқулов А.З. (2007) Иқтисодий эркинлаштириш шароитида инвестицион мулк ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш: 08.00.08: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т., -24-б

Дружиловская Т.Ю. (2022) Проблемы гармонизации учета инвестиционной недвижимости в системах российских и международных стандартов // euresearchgate.net/publication/326959155_Problems_of_Harmonizing_Investment_Property_Accounting_According_to_Russian_and_International_Standards/fulltext/5b6ff1d245851546c9fbf573/Problems-of-Harmonizing-Investment-Property-Accounting-According-to-Russian-and-International-Standards.pdf

Мялкина А.Ф. (2023). Международный и Российские аспекты учета инвестиционного имущества // <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnye-i-rossiyskie-aspekty-ucheta-investitsionnogo-imuschestva/viewer>

Мирзиёев Ш. (2023) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 18 августда тадбиркорлар билан учрашуви // <https://www.gazeta.uz/oz/2023/08/18/open-talk/>

Неъматов О. (2022). Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари активлари ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш // Экономика и социум Ж. 7-сон. https://www.iupr.ru/_files/ugd/b06fdc_e4e80f8bf22b4fb79e6abb6e856125f1.pdf?index=true

Положение (2021) Банка России от 22.09.2015 N 492-П (ред. от 19.08.2021) "Отраслевой стандарт бухгалтерского учета основных средств, нематериальных активов, инвестиционного имущества, долгосрочных активов, предназначенных для продажи, запасов, средств труда и предметов труда, полученных по договорам отступного, залога, назначение которых не определено, имущества и (или) его годных остатков, полученных в связи с отказом страхователя (выгодоприобретателя) от права собственности на застрахованное имущество, в некредитных финансовых организациях"

Робин Джойс (2017). Учебное пособие по МСФО <http://finotchet.ru/articles/1272/>

Татьяна Шапунова (2022). Инвестициявий мулкка бошқача назар // https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text107819_investiciyaviy_mulkka_boshqacha_nazarg

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сон "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори // <https://lex.uz/docs/-4746047>

Ҳамдамов Б.К. (2023). Учет инвестиционной недвижимости в республике Узбекистан и ее гармонизация в МСФО // Ж. Инновация в экономике. Том 69 №1.



АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАЙДИГАН МИНИМУМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Рузиев Ғ.У.

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

Аннотация. Мақолада аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизимида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш масалалари ёритилган ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида унинг оптимал миқдорини белгилаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: даромад, минимал истеъмол харажатлари, яшаш минимуми, ижтимоий адолат, солиққа тортилмайдиган минимум.

Аннотация. В статье освещены вопросы введения необлагаемого минимума в системе налогообложения доходов населения, а также даны научные предложения и рекомендации по определению его оптимального размера на основе опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: доход, минимальные потребительские расходы, прожиточный минимум, социальная справедливость, необлагаемый минимум.

Annotation. The article highlights the issues of introducing a non-taxable minimum in the system of taxation of incomes of the population, as well as scientific proposals and recommendations for determining its optimal size based on the experience of foreign countries.

Keywords: income, minimum consumer spending, living wage, social justice, minimum tax-free income.

1. Кириш.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, аҳоли даромадлари иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим иқтисодий кўрсаткичи бўлиб, ҳар бир мамлакатда уни йиллар давомида ошириб бориш энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шунга қўра, мамлакатимизда ҳам янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда, 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг доллардан оширишга эришиш кўзда тутилган. Бу борада солиққа тортиш тизими аҳолининг фаровонлигини умумий тарзда амалга ошириш орқали жамият қуйи қатламларининг аҳоли изчил равишда яхшиланиб боришига кўмаклашмоғи зарур (Фармон, 2021). Чунки, аҳоли тасарруфида қоладиган пул маблағлари миқдори барча фуқароларнинг ҳам энг кам тирикчилик минимумини таъминламай олмайди. Аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг мавжуд механизми тасарруфдаги

даромадларнинг яшаш минимумидан паст бўлишидан ҳимоя қилмайди, балки энг кам тирикчилик минимуми доирасидаги даромадлар ҳам солиққа тортилади.

Табиийки, солиқ солинмайдиган энг кам даромад, яъни солиққа тортилмайдиган минимумнинг мавжуд эмаслиги ўткир ижтимоий муаммодир. Жаҳоннинг аксарият давлатларида ҳам жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш муаммолари орасида энг долзарб муаммолардан бири бу “солиқ солинмайдиган минимум” муаммосидир. Бунинг моҳияти шундан иборатки, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини таъминлаш учун зарур бўлган минимал даромад солиққа тортилмаслиги керак. Қолаверса, амалдаги солиқ имтиёзлари тизими ижтимоий тенгликни таъминлашга етарли эмас. Ҳар бир фуқаро, айниқса, унинг ҳаётини таъминлаш масалаларида тенг ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Демак, мазкур муаммолар аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилишни, қолаверса, хорижий мамлакатлар ижобий тажрибалари асосида янада такомиллаштиришни талаб этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Даромадларни солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимумни қўллаш борасида дастлабки фикрларни илгари сурган назариячилардан бири сифатида америкалик иқтисодчи олим М.Фридман (1912-2006) жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимумни белгилаш зарурлигини асослаб берди.

Г.Бухлер (1933) ўз тадқиқотларида солиққа тортилмайдиган минимум ўрганилгани ҳолда, ушбу минимум аҳолининг кун кечиришига етарли бўлиши, солиқлар аҳолининг турмуш тарзи шароитларини ўзгартириш учун эмас, балки даромадларни ошиши учун хизмат қилиши кераклиги таъкидланади.

Ўз даврида француз иқтисодчиси А.Ж.Тюрго (1727-1781) солиқ тўловчининг даромадидан келиб чиқиб солиққа тортилмайдиган минимумни белгилашни таклиф қилган.

Замонавий иқтисодчи олимлар ҳам “солиққа тортилмайдиган минимум” тушунчаси бўйича ўзларининг таърифлари ва фикрларини баён этганлар. Жумладан, Россиялик иқтисодчи олимлар С.Волохов (2012) ҳамда О.Изотова (2015)лар тадқиқотларида даромадларни солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимум ва айрим чегирмаларни киритиш лозимлигини асослайдилар.

Д.Суляева (2013) ва А.Сбежнев (2010)лар тадқиқот ишларида солиқ имтиёзи, солиқ чегирмаси тушунчалари тадқиқ қилингани ҳолда, мазкур тушунчаларга муаллифлик таърифларини шакллантирган ҳамда солиқ чегирмаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини келтириб ўтади.

Г.В.Морозова (2016) ва О.В.Дерина (2016)лар ўз тадқиқотларида даромадларни солиққа тортишда солиқ чегирмаларининг ҳисобга олиниши ҳамда бундай чегирмалар стандарт, ижтимоий, мулкӣ, касбий чегирмалар сифатида эътироф этилишини таъкидлайдилар.

О.И.Изотова (2015) ўзининг илмӣ ишларида Россия Федерациясида ҳам жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда прогрессив шкалани жорий қилиш лозимлигини таъкидлаб, бунда ижтимоий масалалар билан билан бирга солиққа тортилмайдиган минимум ҳам ўз аксини топиши ва айрим чегирмалар бўлиши лозим эканлигини асослайди.

Инглиз иқтисодчиси А. Пигу (1877-1959) неоклассик йўналиш доирасида прогрессив солиққа тортиш ғоясини ишлаб чиқди. У жамиятда даромадларнинг нотекис тақсимланишига, солиқларни адолатли қайта тақсимлаш зарурлигига

эътибор қаратди. А.Пигунинг фикрича, давлат чегарада ижтимоий тенгликни таъминлаши керак, чунки солиқлар нафақат бир хил даромадга, балки яшаш шароитлари ҳам бир хил бўлган солиқ тўловчилар учун тенг бўлиши керак.

Россиянинг етакчи аудит-маслаҳат компанияси “КСК ГРУПП” вакиллари фикрича “солиқ солинмайдиган минимал - бу қонун билан аниқ белгиланган қиймат бўлиб, у пул шаклида ифодаланади ва даромаднинг энг кам миқдорини ёки солиққа тортилмайдиган битим миқдорини аниқлаш имконини беради”¹.

Иқтисодий мавзудаги нашрларда “солиқ солинмайдиган минимал” тушунчасини аниқлашда кўпинча бу солиққа тортилмайдиган минимал даромад эканлиги ёзилади. Солиқ солинмайдиган минимумнинг бундай ғояси унинг мазмунини тўғри акс эттирмайди. Солиқ солинмайдиган минимум нафақат даромадларга, балки бошқа солиқ солиш объектларига ва транспорт, ер ва бошқалар каби солиқлар бўйича солиққа тортиш базаларига нисбатан ҳам пайдо бўлиши мумкин. И.А. Майбуrowsнинг (2014) фикрича, солиққа тортилмайдиган минимал - бу объект ёки солиқ солинадиган базанинг қонуний равишда белгиланган қиймати бўлиб, ундан солиқ ундирилмайди ёки нол ставкаси қўлланилади. Муайян солиқ бўйича солиққа тортилмайдиган минимумнинг қийматини аниқлашга ёндашувлар мамлакатларда тарихий босқич ёки ривожланиш босқичига ва ушбу даврда ҳал қилинган ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг устуворлигига қараб фарқланади.

Кейинги йилларда жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш борасидаги муаммоларга доир илмий изланишлар олиб борган маҳаллий иқтисодчи олимлардан Ш. Қиёсов (2019), М. Сабиров (2019), А. Агзамов (2019), А. Бозоров (2019), К. Сайидов (2023), Ж.Калимбетов (2023)лар тадқиқотларида ҳам жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш, ижтимоий харажатларни чегириш ҳамда қисман солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш бўйича таклифлар келтириб ўтилган. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз жоизки, мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадларини ягона ставкада солиққа тортишга ўтилганидан буён бугунги кунга қадар солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш билан боғлиқ илмий-амалий муаммолар яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Шу боис, аҳоли даромадларини солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш, унинг оптимал вариантыни белгилаш билан боғлиқ муаммолар иқтисодий адабиётлар ва изланишларда етарлича тадқиқ этилмаган долзарб масала ҳисобланади.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида назарий манбалар, амалий материаллар ва хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш, гуруҳлаш, мантикий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Даромадларни солиққа тортиш борасида солиққа тортилмайдиган энг кам минимумни қўллаш бўйича хорижий давлатлар амалий маълумотлари ва уларни таҳлиллари амалга оширилиб, илмий хулоса ҳамда амалий таклифлар берилди.


4. Таҳлил ва натижалар.

Муайян давлат томонидан маълум бир солиққа нисбатан солиққа тортилмайдиган минимумдан фойдаланиш солиқ тўловчиларнинг турли қатламлари, биринчи навбатда, жисмоний шахсларнинг турли ижтимоий-демографик гуруҳлари ўртасидаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш (тенглаштириш), конституциянинг тенглик тамойилини ва солиқларнинг ижтимоий ролини янада тўлиқроқ амалга ошириш учун мўлжалланган. Бу амалиёт кўпгина давлатларда аҳолининг даромадларини солиққа тортиш тизимида кенг

¹ <https://kskgroup.ru/press-center/glossary/neoblagaemyy-minimum/>

қўлланилади. Мамлакатимизда ҳам аҳоли даромадларини солиққа тортиш амалиётида маълум бир даврлар оралиғида солиқ солинмайдиган минимум қўлланилган. Жумладан, мамлакатимизда аҳолини даромадларини солиққа тортиш тизими дастлаб “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида”ги Қонун (ҳозирги кунда ўз кучини йўқотган) асосида жорий этилган, бўлиб, мазкур қонунга асосан фуқаролар даромадларининг маълум бир суммагача бўлган қисми солиққа тортилмаган. Ундан ошган қисми эса прогрессив ставкада даромад солиғига тортилган. Масалан 1991 йилда асосий иш жойидан йилига 1920 сўмдан ошмайдиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул мукофоти оладиган, бир корхона, муассаса ва ташкилотда тўлиқ бўлмаган йил мобайнида ишлаганида эса, ҳар бир ишлаган ойи учун 160 сўм оладиган ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқаролардан даромад солиғи ушланмаган. 1992 йил 1 январдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақи, 350 рубль (сўм) қилиб белгиланиши натижасида, асосий иш жойидан йилига 4200 сўмдан ошмайдиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул мукофоти оладиган, бир корхона, муассаса ва ташкилотда тўлиқ бўлмаган йил мобайнида ишлаганида эса, ҳар бир ишлаган ойи учун 350 сўм оладиган ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқаролардан даромад солиғи ушланмайдиган бўлган.

Аҳоли даромадларини солиққа тортишда 1992 йил 2 июлдаги 631-ХII-сонли қонун билан солиқ солинмайдиган минимум тушунчаси киритилган. Шунга кўра йиллик энг кам иш ҳақи (ўша вақтда амалга бўлган 4200 сўм, ойига 350 сўм) солиқ солинмайдиган минимум этиб белгиланган. 1-расм.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларини солиққа тортишда солиқ солинмайдиган минимумнинг амал қилиш динамикаси²

Солиққа тортиш амалиётида 1998 йилга қадар солиқ солинмайдиган минимум ҳар ойда энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида амал қилиб келган. Солиқ тизимидаги ислохотлар борасида 1998 йилдан 2015 йилга қадар солиқ солинмайдиган минимумни қўллашдан амалиётдан воз кечилган. 2015 йилдан бошлаб эса даромадларни прогрессив ставкаларда солиққа тортишда қуйи ставканинг 7,5 фоиздан 8,5 фоизга, юқори ставканинг эса 22 фоиздан 23 фоизга кўтарилиши эвазига аҳоли даромадларининг ҳар ойда энг кам иш ҳақининг бир бараваригача бўлган даромадларига нисбатан 0 фоизлик ставка жорий этилди. 2019 йилга келиб эса аҳоли даромадлари ягона 12 фоизлик ставкада солиққа тортилишига ўтилиши оқибатида прогрессив шкалалар қаторида 0 фоизлик ставкадан ҳам воз кечилди.

² Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Бугунги кунда солиққа тортишнинг пропорционал тизимида даромад солиғи анча паст бўлиб, бир текис шкала бўйича ундирилади. Текис солиққа тортиш тизими жисмоний шахсларнинг фаолиятини асосан “яширин иқтисодиёт” соҳасидан олиб чиқиш ва бюджет даромадларини кенгайтириш имконини беради. Аммо солиққа тортишнинг пропорционал тизими миллий бойликнинг мамлакат аҳолиси вакиллари ўртасида тенг тақсимланишига ёрдам бермайди ва фуқароларнинг даромадларидаги фарқни юмшата олмайди. Бу тизим аҳолининг қуйи қатламига салбий таъсир таъсири натижасида уларни ночорлаштиради, аксинча юқори қатламнинг даромадлилик даражасига ижобий таъсир қилади. Натижада аҳоли даромадларидаги бундай жиддий фарқ жамиятдаги ижтимоий беқарорлик омили бўлиб, хавфсизликка таҳдид ва иқтисодий ўсишни тормозлаши мумкин. Шунга қўра, вақт ўтиши билан кўплаб давлатлар даромад солиғининг табақалаштирилган, прогрессив шкаласига ўтишни лозим топмоқдалар.

Халқаро тажрибадан ҳам маълум бўлмоқдаки, айрим мамлакатларда аҳоли турли табақалари даромадлари кескин фарқ қилишининг кучлилиги, жисмоний шахслар даромадларини ягона ставкага асосланган солиққа тортиш тизими ижтимоий адолат ва тенгсизликни кучайтиришга олиб келмоқда. Мамлакатимизда ҳам аҳоли даромадларини ягона ставкада солиққа тортиш тизимининг амал қилиши, қолаверса ушбу тизимнинг энг кам истеъмол савати (яшаш минимуми) қийматига яқин солиққа тортилмайдиган минимумга эга эмаслиги кам даромадга эга бўлган аҳоли қатлами турмуш даражасига салбий таъсир қилиши билан биргаликда, даромадлар тенгсизлигининг ортишига сабаб бўлади. Қолаверса, амалдаги солиқ имтиёзлари тизими ижтимоий тенгликни таъминламайди.

Ҳар бир фуқаро, айниқса, унинг ҳаётини таъминлаш масалаларида тенг ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Юқорида қайд этилган солиққа тортиш амалиётидаги камчиликлар эса ўз навбатида жисмоний шахсларнинг турли ижтимоий-демографик гуруҳлари ўртасидаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш (тенглаштириш)га хизмат қиладиган конституциявий принцип ва ёндашувларга зид келади. Чунки, янги таҳрирда қабул қилинган конституциямизда давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширишлиги алоҳида модда билан белгилаб қўйилган (Конституция, 2023). Аслини олганда даромад солиғи фақат бюджет даромадларини оширишга хизмат қилиш билан чегараланмаслиги, балким кенг халқ оммасининг турмуш даражасини, даромад тўлов қобилиятларини оширишга ҳам хизмат қилмоғи лозим. Зеро, даромад солиғи аниқ ижтимоий хусусиятга эга ва реал даромадлар даражасига ва натижада аҳолининг турмуш даражасига катта таъсир кўрсатади. Бу борада француз иқтисодчиси Э.Де.Жиранденнинг назариясига қўра солиқлар ёрдамида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини қўллаш йўли билан жамият аъзолари ўртасидаги мулкӣ тенгсизликка барҳам бериш мумкин. Ҳозирги кунда бу назариянинг давомчилари бўлиб, америкалик иқтисодчилар А.Илерсик, Г.Коул, француз иқтисодчилари М.Клюдо, Ж.Фурастье ҳисобланишади. Уларнинг фикрига қўра давлат солиқлардан ва трансфер тўловларидан фойдаланиш йўли билан жамият миллий даромадини камбағаллар фойдасига қайта тақсимлайди.

Россиядаги манбаларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, Executive.ru (2022) маълумотлари бўйича “иқтисодий самарадорлик – бу натижа бўлиб, қайсики ишлаб чиқаришнинг даромадлилик кўрсаткичларини умумий харажатлар ва фойдаланилган ресурсларга нисбатан таққослаш натижасида олиш мумкин бўлади. Агарда биринчи кўрсаткич иккинчисини ташкил этувчи кўрсаткичлар билан солиштирилганда юқори бўлса, демак мақсадга эришилган, барча эҳтиёжлар қондирилган деб ҳисобланади. Агарда вазият тескарисини бўлса, иқтисодий самарадорлик кузатилмайди ва корхона зарар кўриб ишлаган бўлади.”

С.Д. Предыбайло (2015) “иқтисодий самарадорлик натижавийлик, ресурслардан фойдаланиш даражаси ва харажатларнинг қайтимини англатади, қайсики эришилган натижаларнинг ва фойдаланилган ресурслар ёки ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар нисбати сифатида аниқланади, яъни ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги нисбий миқдор билан тавсифланади.”

Артем Моисенко (2023) “Иқтисодий самарадорлик – бу кўрсаткич, қайсики иқтисодий натижалар ва харажатлар нисбати сифатида аниқланадиган ҳамда оқибатда ушбу натижани (самара) юзага келтиради. Айтиш мумкинки, иқтисодий самарадорлик бу натижаларнинг харажатларга нисбатига тенг” деб тавсифлайди.

А.И.Бородин (2021) “Иқтисодий самарадорлик – бу ҳўжалик фаолияти натижалари билан жонли ва мужассамлашган (моддийлаштирилган) меҳнат харажатлари, ресурслар ўртасидаги нисбат” деб баҳолайди.

Николина Юлия (2022) “Иқтисодий самарадорлик – бу олинган ишлаб чиқариш натижалари – маҳсулот ва хизматларнинг меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш воситалари нисбати” деб таъриф беради.

Ушбу йўналишдаги олимларнинг иқтисодий самарадорликка берган таърифларини баҳолашда рус олими О.Е. Обородиннинг (2020) қуйидаги фикрини келтирамиз: “Хорижий ва россиялик муаллифларнинг берган таърифларини солиштириш натижасида хулоса қилиш мумкинки, “иқтисодий самарадорлик” тушунчаси ягона бўлган таърифи мавжуд эмас, бу шуни англатадики, бир томондан иқтисодий самарадорлик категориясининг кўп қирралигини, бошқа томондан эса унинг кўрсаткичларда ва ўлчовларда акс эттиришнинг қийинлиги билан белгиланади. Бироқ, кўпчилик муаллифлар иқтисодий самарадорлик бу охириги

самаранинг ушбу самарани олиш учун сарфланган ресурсларга нисбати эканлигини эътироф этишади”

Келтирилган таърифлар албатта муҳим назарий ва методологик аҳамият касб этади. О.Е.Оборинанинг (2020) фикрига қўшилган ҳолда таъкидлашимиз лозимки, албатта самарадорлик олинган натижанинг сарфланган ресурсларга нисбати билан баҳоланади, меҳнат ресурсларини ҳам инобатга олиниши талаб этилади. Айрим олимларимиз, натижаларнинг харажатларга нисбати сифатида қарайди. Бу фикрлар албатта тўғри. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, натижа бўлсаю, лекин бу натижа мавжуд ресурслар ва сарфларга нисбатан етарли даражада бўлмаса, эришишимиз мумкин бўлган натижалардан паст бўлса, иқтисодий самарадорликка эришдик деб баҳолаш мумкин бўлмай қолади.

Учинчи ёндашувдаги талқинда самарадорлик ресурсларнинг оптимал тақсимоли эканлиги, шу боис самарадорликка комплекс ёндашиб, уни кўрсаткичлар тизими билан ифодалаш ва сўнгра самарадорлик тўғрисида хулоса чиқариш кераклигини таъкидлашади. Масалан, Давлат активларини бошқариш агентлиги (2021) томонидан хориж тажрибасидаги КРІ кўрсаткичлар тизимини жорий қилиш мақсадига “Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) кузатув кенгаши, у мавжуд бўлмаганда эса - юқори бошқарув органи ёки муассис (давлат корхоналари учун) қарори била тасдиқланади ва унда соф тушум, соф фойда, таннархни камайтириш, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, экспорт-импорт, маҳаллийлаштириш ва инвестиция дастурлари бажарилиши, энергосамарадорлик ва самарадорликнинг бошқа кўрсаткичлари белгиланади ҳамда ҳар чорак якуни бўйича ҳисоблади” деб тавсиф берилган.

Хорижий манбаларни тадқиқ қилинадиган бўлсак, иқтисодий самарадорликка ресурсларни оптимал тақсимлаш нуқтаи назаридан ёндашади. Масалан, *Investopedia* (2023) сайти маълумотларида қуйидагича таъриф келтирилган: “Иқтисодий самарадорлик деганда ҳар бир ресурс, ҳар бир шахс ёки ҳар бир ташкилотга энг яхши тарзда хизмат кўрсатиш ва исрофгарчиликлар ва самарасизликни минималлаштириш учун оптимал тарзда тақсимланган иқтисодий ҳолат назарда тутилади.”

Бошқа ишончли интернет манбаларида (2023) “Иқтисодий самарадорлик деганда ресурсларни товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни максимал даражага етказадиган тарзда тақсимлайдиган тизим тушиналади, қайсики бунда ресурслардан максимал даражада самарали фойдаланилади ҳамда исрофгарчиликлар ва унумсиз фойдаланишларга йўл қўйилмайди.”

Иқтисодчи олим Dheeraj Vaidya (CFA, FRM) (2022) томонидан берилган таърифда ҳам, айнан оптимал тақсимлашга аҳамият қаратади: “Макроиқтисодиётда иқтисодий самарадорлик деганда, ресурсларнинг оптимал тақсимланиши, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун минимал харажат ва максимал натижа намаён бўладиган ҳолат тушунилади.” Хориж манбаларида самарадорликнинг бир қанча турлари келтирилган, жумладан тақсимлаш самарадорлиги, динамик самарадорлик, маҳсулот самарадорлиги, ижтимоий таъминот самарадорлиги, техник самарадорлик ва Х-самарадорлик.

В.Јовановић (2022) ўзининг иқтисодий ўсишга бағишлаган мақоласида “Ресурсларни тақсимлашда ишлаб чиқариш имкониятларининг чегаравий ёндашуви иқтисодий самарадорликнинг икки турдаги самарадорликдан иборат бўлишини тақозо этади: тақсимлаш ва техник самарадорлик. Тақсимлаш самарадорлиги максимал маҳсулот ишлаб чиқариш ресурсларини жалб қилишга боғлиқдир, яъни қўшимча ресурсларни жалб қилиш (кириши орқали) йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг иложи йўқ. Шу боис, самарадорликка барча киришлар

бўйича қўшимча маблағлардан фойда олиш учун маржинал имкониятларни тенглаштириш йўли билан эришилади. Техник самарадорлик эса маълум миқдорда фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, максимал маҳсулот ишлаб чиқариш учун киримларнинг комбинациясига боғлиқ бўлади” деб тавсифлайди.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз олимлари ҳамда хорижий адабиётларда келтирилган таърифларни тадқиқ қилиш асосида такомиллаштирилган таърифни ишлаб чиқишга зарурят мавжуд. Иқтисодий самарадорлик деганда авваломбор иқтисодий ресурслар самарадорлиги нуқтаи назаридан ёндашиш керак деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларда иқтисодий ресурсларга қуйидагича таъриф келтирилган: Иқтисодий ресурс – бу ҳуқуқ бўлиб, қайсики иқтисодий наф яратиш потенциалига эга бўлади (2018). Иқтисодий ресурсларнинг амалда намаён бўлиши корхоналарнинг активлари сифатида амалга ошади. Актив – олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинадиган мавжуд иқтисодий ресурс.

Иқтисодий наф келтириш потенциалига эга бўлиши учун абсалют ишонч талаб этилмасада ушбу ҳуқуқ амал қилиши ва алоҳида ҳолатларда компания учун бошқа барча томонлар кира олиши мумкин бўлган нафдан ошадиган иқтисодий наф ярата олиши талаб этилади. Иқтисодий ресурсларда мужассамлашган активларнинг таркибий қисмларини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий ресурс кўринишидаги активларнинг таркиби

Активлар таркиби	Оборотдан ташқари ёки оборот активлари
Табиий ресурслар	Оборотдан ташқари актив
Ер, бино ва машина ва асбоб-ускуналар	Оборотдан ташқари актив
Номоддий активлар	Оборотдан ташқари актив
Молиявий активлар	Оборот (жорий) активлар
Инвестициялар	Оборотдан ташқари актив
Биологик активлар	Оборотдан ташқари актив
Захиралар	Оборот (жорий) активлар
Савдо ва бошқа олинадиган счётлар	Оборот (жорий) активлар
Пул маблағлари ва пул эквивалентлари	Оборот (жорий) активлар

Биз учинчи йўналишдаги олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлашимиз лозимки, албатта иқтисодий самарадорлик иқтисодий ресурслар билан боғлиқ, уларни оптимал тақсимлаш, ресурслар таркибига кирувчи ҳар бир турдаги активлардан самарали фойдаланиш, ортиқча чиқимларга, йўқотишларга, бузилишларга ва бошқа турдаги самарасиз камайишларига йўл қўймасликни англатади.

Юқоридаги таърифларни ўрганиш асосида биз иқтисодий самарадорлик тушунчасига қуйидагича такомиллашган муаллифлик таърифни келтирамиз.

Иқтисодий самарадорлик деганда юқори даромад олиш, иқтисодий ресурсларни оптимал тақсимлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш харажатларини оптималлаштириш, ортиқча чиқимлар ва йўқатишларни минималлаштиришга эришиш ҳамда ресурслар кирими ва фойдаланилишининг оқилона комбинацияси, шунингдек самарали бошқарувни ташкил этиш, инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали сарфланган ресурслар ва харажатларнинг пул бирлига тўғри келадиган натижа (фойда ёки самара)ларни ҳамда самарадорик кўрсаткичлари тизимининг меъёрида ва ундан ортиқ бўлишини таъминлашга айтилади.

Ушбу таъриф бир қанча хусусиятларга эга. **Биринчидан**, таърифда юқори даромадликни таъминлаш эътироф этилган. Бунинг учун эса максимал ишлаб чиқариш ҳажмини ташкил этиш, маҳсулотларни сотиш жараёнини оптимал ташкил этиш, нархларни оптималлаштириш, одатдаги фаолиятдан ташқари даромадлар олишга эътиборни қаратишни англатади. Даромадларнинг максимал кўпайтиришнинг барча имкониятлари йўлга қўйилиши керак. **Иккинчидан**, юқори самарадорликка эришиш учун харажатларни минималлаштириш керак. Стандартдан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик керак. Бундан ташқари материалларнинг бузилиши ва бошқа йўқотишларни камайтириш керак. Уларни меъёрида бўлишини таъминлаш лозим. **Учинчидан**, ресурслардан оқилона фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, жумладан мавжуд бинолар, машина ва асбоб-ускуналар ва бошқа активлардан самарали фойдаланиш керак. Икки смена ишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бўш турган бино, станок, машина ва асбоб-ускуна бўлмаслиги керак. **Тўртинчидан**, инсон ресурслари ва интеллектуал мулкдан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали юқори меҳнат унумдорлигига эришиш лозим. Меҳнат унумдорлиги – иқтисодий самарадорликни таъминлашнинг бош омилидир. **Бешинчидан**, юқорида санаб ўтилган ресурслар ҳамда харажатлар ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш албатта сарфланган ресурслар ва харажатларлар бирлигига тўғри келадиган фойда суммаси ва самарадорликнинг комплекс кўрсаткичларини меъёрда ва ундан ортиқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу такомиллашган муаллифлик таърифи иқтисодий самарадорликнинг барча жиҳатларини ўзида қамраб олади ва унинг иқтисодий адабиётларга жорий қилиниши уларнинг мазмунини бойитишга, халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

5. Хулоса.

Тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар қилинди:

иқтисодий самарадорликка берилган таърифларни учта ёндашувга ажратилди. Биринчи ёндашув таърафдорлари иқтисодий самарадорликни натижа (самара, фойда) таъминланганлиги билан баҳолайди. Иккинчи ёндашувда эса самарадорлик олинган натижаларнинг ресурслар ва сарфларга нисбати билан баҳоланишини таъкидлашади. Ушбу ёндашувдаги таърифлар салмоқли ҳиссани ташкил этади. Учинчи ёндашувда, иқтисодий самарадорлик бу ресурсларни оптимал тақсимлаш эканлиги, уни битта кўрсаткич билан эмас, балки комплекс кўрсаткичлар тизими билан баҳолаш лозимлигини таъкидлашади;

тадқиқотда иқтисодий ресурсларга таъриф берилди, халқаро стандартларни ўрганиш асосида иқтисодий ресурс иқтисодий наф яратиш потенциалига эга бўлган ҳуқуқ сифатида тавсифланади. Иқтисодий ресурсларда мужассамлашган активларнинг таркибий қисмлари келтирилди;

иқтисодий самарадорликнинг такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Ушбу таърифда олдинги таърифлардан фарқли равишда унинг юқори даромад олиш, ресурсларни оптимал тақсимлаш, харажатларни қисқартириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойланиш орқали ресурслар ва харажатларнинг пул бирлигига тўғри келадиган фойда меъёрида ва ундан ортиқ бўлишлиги эътироф этилди.

Ушбу муаллифлик таърифи иқтисодий адабиётларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” Тошкент “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси” нашриёти 2006 йил, 244-бет.

Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили”. - С., 2007. - 154 б.

Абдуҳамидов С.А. Туризм корхоналарида иқтисодий самарадорликни аниқлаш усуллари. Диссертация. [//http://library.navoiy-univ.tj/files/turizm_korxonalarida_iqtisodiy_samaradorlikni_anqlash_usullari.pdf](http://library.navoiy-univ.tj/files/turizm_korxonalarida_iqtisodiy_samaradorlikni_anqlash_usullari.pdf)

Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти”. - Т.: “Меҳнат”, 2004. - 398 б.

Артем Моисенко Как рассчитать экономическую эффективность внедрения ЕСМ-систем

Бородин А.И. Экономическая эффективность предприятия как фактор его устойчивого развития. Ж. Экономика. <https://www.rshu.ru/university/notes/archive/issue25/uz25-163-171.pdf>

Николина Юлия. Расчет экономической эффективности //Ж. Финансовой директор. <https://www.fd.ru/articles/159436-kak-rasschitat-ekonomicheskuyu-effektivnost-predpriyatiya>

Предыбайло С.Д. ЛЕКЦИИ по дисциплине «Экономика организации (предприятия)» Гомель 2015 <https://core.ac.uk/download/pdf/76000883.pdf> 2 стр.

Оборина, О. Е. Экономическая эффективность: понятие и сущность / О. Е. Оборина. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 23 (313). — С. 427-429. — URL: <https://moluch.ru/archive/313/71251/> (дата обращения: 16.09.2023).

Хусанов Р.А., Дадабоев Т.Ю., Дадабоев Д.Ю. “Агросаноат комплекси иқтисодиёти”. Т.:Ўзбекистон, 2003 й, 27-бет.

Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси” (Дарслик) (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. – 41-43 б. 14.

Шодмонов Ш.Ш., Б.Э.Мамарахимов “Иқтисодиёт назарияси”. Иқтисод-молия 2016 йил. 65-бет.



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ МАСАЛАЛАРИ

и.ф.н., Тўлаев У.И., PhD, Болтаев А.С.

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Аннотация. Мазкур мақолада молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг фундаментал масалалари баён қилинган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган шахслар, уларнинг ахборотга бўлган талаблари ва бу талабларнинг молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнида қандай қилиб иноватга олиниши тадқиқ қилиб ўрганилган ва хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: корхонанинг ҳисоб тизими, молиявий ҳисоб, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот фойдаланувчилари, фойдали ахборот, фойдали ахборотнинг сифат тавсифлари.

Аннотация. В данной статье раскрыты фундаментальные проблемы подготовки и представления финансовой отчетности. В частности, в статье изучаются лица, заинтересованные в информации о хозяйствующих субъектах, их потребности в информации и то, как эти требования учитываются в процессе подготовки финансовой отчетности. По итогам исследования сформулированы соответствующие выводы.

Ключевые слова: учетная система предприятия, финансовый учет, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, пользователи финансовой отчетности, полезная информация, качественные описания полезной информации.

Abstract. This article is devoted to the consideration of fundamental problems of preparing and presenting financial statements. In particular, the article examines those concerned with the information about economic entities, their information needs, and how these requirements are taken into account in the financial reporting process. Relevant conclusions have been developed in reliance upon the research results.

Key words: enterprise accounting system, financial accounting, financial reporting, international financial reporting standards, users of financial reporting, useful information, qualitative descriptions of useful information.

1. Кириш.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри, яъни давлат кафолатисиз киритиладиган инвестицияларни фаол жалб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Давлат бу йўналишда қулай инвестицион муҳит яратиш, бизнесни

рўйхатдан ўтказиш ҳамда тугатиш тизимини соддалаштириш, солиқ тизимини такомиллаштириш, инвесторлар учун ишончли ахборот олиш механизмларини шакллантириш йўналишларида фаол ислохотларни олиб бормоқда. Хусусан, бизнес субъектларининг фаолияти тўғрисида барча инвесторларга сифатли ахборот тақдим этиш тизимини яратишга қаратилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни (2023) амалиётга жорий этилганини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Молиявий ҳисобот халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикасида жорий этилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 - йил 24 февралдаги ПҚ-4611- сон «Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим ҳуқуқий асосларни белгилаб берди. Ушбу қарорга биноан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши мажбурий қилиб белгиланди.

Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар ўзларининг миллий қонунчилик асосида ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқлаштириш бўйича амалий ишларни олиб бормоқдалар. Юқорида санаб ўтилган юридик шахсларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида қайта ташкил этишда мутахассислар томонидан халқаро стандартлар асосида тайёрланадиган молиявий ҳисобот билан боғлиқ фундаментал масалаларга эътибор бериш ва уларни тўғри талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга.

2. Адабиётлар шарҳи.

Албатта, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг назарий, ташкилий-усулбий жиҳатлари мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ қилиб ўрганилган. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлар Сигидов, Ясменко ва бошқалар (2022), Гетмана (2022) ва Кондраков (2023) ларнинг илмий ва ўқув-услубий асарларида молиявий ҳисоботнинг умумий методологик асослари, уни шакллантиришда ахборотга бўлган талаблар, молиявий ҳисоботни тузиш, тақдим этиш, эълон қилиш ва ундаги маълумотларни очиб бериш тартиблари норматив-ҳуқуқий асосларга мувофиқ ёритиб берилган. Жумладан, Сигидов, Ясменко ва Оксаничлар (2022) бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузиш ва тақдим этишнинг асосий қоидалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишади: 1. Ҳисобот даври принципига риоя қилиш; 2. Ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга қуйилган талаблар; 3. Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилиги; 4. Маълумотларнинг бетарафлиги; 5. Ҳисобот маълумотларининг таққосланувчанлиги; 6. Молиявий ҳисоботнинг очиқлиги ва ошкоралиги.

Иқтисодчи олим Гетмана (2022) бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг умумий методологик асосларини, уни тузиш тартибининг асосий босқичлари, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг мазмуни ва уларни шакллантириш тартиблари бўйича ёндашувларини келтириб ўтади.

Иқтисодчи олим Кондраков (2023) эса, бухгалтерия ҳисоботи тушунчаси, таркиби ва унга қуйиладиган умумий талаблар, бухгалтерия ҳисоботини шакллантиришда ахборотга қуйилган талаблар, уни тузиш тартиби, ошкоралиги ҳамда унда маълумотларни очиб бериш тартиби каби масалаларни тадқиқ қилиб ўрганган.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Каримов (2021), Ташназаров (2019), Ризаев (2022), Авлоқулов (2020), Хажимуратов (2020) ва Мамажонов (2022)лар ҳам молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг назарий, ташкилий-усулбий жиҳатларини тадқиқ қилиб ўрганишган. Хусусан, иқтисодчи олим Ташназаров (2019) томонидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг мақсади ва мазмуни, молиявий ҳисоботнинг ҳозирги ҳолати ҳамда унинг назарий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Иқтисодчи олим Хажимуратов (2020) нинг ёзишича, «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот тузишнинг асоси барча стандартлар ва норматив ҳужжатларга амал қилишдир. Ташкилотнинг бозордаги ҳақиқий ҳолатини, унинг барча фаолиятини акс эттирадиган ва хатолар, бузиб кўрсатишлар, нообъектив баҳолардан ҳоли бўлган ҳисобот МҲХС бўйича ишончли ҳисобланади. МҲХС бўйича молиявий ҳисобот тузишда ташкилот активлари жорий қиймат бўйича баҳоланади, бу бизнеснинг ҳақиқий қийматини акс эттиради, ахборот ишончилиги ва объективлиги эса бухгалтернинг профессионал ҳулосасидан келиб чиқиб шакллантирилади».

Иқтисодчи олим Ризаев (2022) таъкидлашича, «Халқаро стандартларга ўтиш ва шу асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш хорижий компаниялар билан шартномалар тузиш ҳамда инвестиция имкониятларини кенгайтириш имкониятини беради. Бу жараёнларни амалдаги миллий стандартлар билан амалга ошириб бўлмайди ва турли мураккабликларни келтириб чиқаради. Юқорида таъкидланганидек, молиявий ҳисоботларни тузишда биринчи навбатда унинг концептуал масалаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади».

Иқтисодчи олим Мамажонов (2022) эса, «Концептуал асос молиявий ҳисобот тайёрлашнинг ҳозирги амалдаги тамойилларини баҳолаш ва уни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. У фойдаланувчиларга қарор қабул қилиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботда айнан қандай ҳодисалар ҳисобга олиниши, улар қандай баҳоланиши ва ахборот қандай тартибда тақдим қилинишини белгилайдиган назарий асосдир» деб таъкидлайди.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий-услубий асарлари шарҳи шуни кўрсатадики, улар томонидан молиявий ҳисоботнинг мақсади ва мазмуни, молиявий ҳисоботнинг ҳозирги ҳолати ҳамда унинг назарий асосларини такомиллаштириш масалалари бир-бирига яқин бўлган турлича ёндашувлар келтирилган. Албатта, мазкур иқтисодчи олимларнинг ёндашувларини эътироф этган ҳолда, биз ушбу мақолада тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган шахслар, уларнинг ахборотга бўлган талаблари ва бу талабларнинг молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнида қандай қилиб инобатга олиниши тўғрисидаги ёндашувларимизни баён этамиз.

3. Тадқиқот методологияси.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг фундаментал масалаларини тадқиқ қилишда илмий-тадқиқот методологиясининг назарий ва эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.


Корхонанинг ҳисоб тизими молия-ҳўжалик фаолиятида содир бўлаётган операцияларни рўйхатга олади, улар билан боғлиқ ахборотларни турлари бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда умумлаштиради ва натижада тўпланган ахборотларни фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот шаклида тақдим этади. Ҳисоб тизимида қайд этилган ва умумлаштирилган ахборотлар асосида молиявий ҳисоботда корхонанинг молиявий ҳолатини ҳамда фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар шакллантирилади. Бундай ахборотлар асосида корхонадан манфаатдор бўлган

тарафлар муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилади. Шу сабабли, корхоналар томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисобот инвестор ва кредиторларга инвестиция киритиш мумкин бўлган корхоналарни танлай олиши учун зарур бўлган барча муҳим ахборотларни бериши лозим. Бу жараёнда инвестор ва кредиторлар мақбул инвестиция объектини танлашлари учун турли корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имконига эга бўлиши керак. Бундай таққосланувчанликни, молиявий ҳисоб юритиш ҳамда молиявий ҳисобот тайёрлашга оид стандартларни жорий қилиш орқали таъминлаш мумкин. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IAS, IFRS) турли давлатларда жойлашган корхоналарнинг молиявий ҳисоботларидаги тафовутларни йўқотиш ва уларнинг таққосланувчанлигини таъминлашга хизмат қилади.

Молиявий ҳисобот очиқ ҳужжат бўлганлиги сабабли унинг ахборотидан кенг доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин. Ҳар бир фойдаланувчи молиявий ҳисобот ахбороти асосида ўзининг ёки ўзи вакили бўлган бошқа шахсларнинг манфаатлари доирасида муайян қарорларни қабул қилади. Молиявий ҳисобот ахборотидан кенг доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин бўлса ҳам, у асосий фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини имкон қадар қондириш мақсадида тайёрланади. «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси»га кўра, мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ҳамда бошқа кредиторлар молиявий ҳисобот ахборотларининг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади (1-расм).

Молиявий ҳисобот айнан унинг асосий фойдаланувчилари учун тайёрланади. Молиявий ҳисоботдан асосий фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари куйидагича:

- *инвесторлар ва потенциал инвесторлар* киритилган ёки киритилиши режалаштирилаётган инвестицияларни фойда келтириш салоҳиятини ҳамда хавфсизлигини баҳолаш мақсадида корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини ўрганади. Жумладан, инвесторлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган ўтган ҳисобот даврларининг фаолият натижаларига қараб келгуси фойда ва зарарларни башорат қилиши мумкин. Шунингдек улар, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган ахборотлар асосида ўзларининг инвестицион даромадларини пулга айланиш салоҳиятини башорат қилиш имконига эга бўлади. Инвесторлар ва потенциал инвесторлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланиб, корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш асосида ўз инвестицияларининг хавфсизлигини ҳам баҳолашлари мумкин;



1-расм. Молиявий ҳисобот ахборотининг асосий фойдаланувчилари таснифи¹

- *мавжуд ва потенциал қарз берувчилар ҳамда бошқа кредиторлар* берилган (ёки бериладиган) қарз маблағларининг қайтишини баҳолаш мақсадида молиявий ҳисоботдан фойдаланадилар. Қарз берилган (ёки бериладиган) корхонанинг молиявий барқарорлиги ҳамда тўлов қобилияти кредиторлар учун энг муҳим кўрсаткичлар бўлиб, бу кўрсаткичлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ахборотлари ёрдамида аниқланади. Кредиторлар (қарз берувчилар) ҳам моҳиятан

¹ «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси»га мувофиқ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

инвесторлар ҳисобланади. Кредиторларнинг бошқа инвесторлардан фарқи улар корхонанинг фаолияти билан боғлиқ рискларни ўз зиммасига олмайдилар. Яъни, корхонанинг ўз фаолиятини фойда ёки зарар билан якунаши, қарз маблағлари тикилган лойиҳанинг муваффақиятли бўлиш ёки бўлмаслиги кредиторларнинг даромадларига таъсир ўтказмайди.

Молиявий ҳисобот ахборотидан асосий фойдаланувчилардан бошқалар ҳам қарорлар қабул қилиш жараёнида фойдаланишлари мумкин. Шунинг таъкидлаш керак-ки, молиявий ҳисоботни тайёрлашда бу гуруҳлардаги фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондириш мақсад қилинмайди. Шундай бўлсада, улар асосий фойдаланувчилар учун тайёрланган молиявий ҳисоботлардаги ўзлари учун зарур бўлган ахборотлардан фойдаланиши мумкин. Молиявий ҳисоботнинг асосий бўлмаган фойдаланувчиларини қуйида гуруҳларни ажратиб кўрсатиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг асосий бўлмаган фойдаланувчилари²


№	Таснифланиши	Ахборотдан фойдаланиш мақсади
1	Ходимлар, ишга киришни режалаштираётган шахслар ҳамда касаба уюшмалари	Ташкил этилган иш ўринларининг хавфсизлиги, меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши, ходимларга ваъда қилинаётган кафолат ва рағбатлантиришларни ўрганиш мақсадида корхонанинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим ахборотлар билан танишиш.
2	Давлат органлари	Иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим жиҳатларини ўрганишда солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда тўланишини назорат қилишда, давлат томонидан корхоналарга ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилаётганини баҳолаш. Давлат органлари бу жараёнда молиявий ҳолат тўғрисидаги, фойда ва зарарлар тўғрисидаги, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлардан ҳамда молиявий ҳисоботдаги изоҳлар ҳамда ёритишлардан фойдаланишлари мумкин бўлади.
3	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	Етказиб бериладиган товарлар ёки кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўланишини баҳолаш. Бунинг учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ёрдамида корхонанинг тўлов қобилиятини, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдан тўлаш учун эркин пул маблағлари мавжудлигини аниқланиши мумкин.
4	Харидор ва буюртмачилар	Корхона шартномада белгиланган товарларни етказиб бера олиши ва хизматларни кўрсата олишини баҳолаш. Бунда, молиявий ҳисоботдаги корхона фаолияти узлуксизлиги билан боғлиқ ахборотлар, низолар бўйича яратилган резервлар ҳамда ёритишлар муҳим ахборот бўлиб ҳисобланади.
5	Жамоатчилик	Корхонанинг иқтисодиётга, атроф муҳитга ҳамда жамиятга таъсирини баҳолаш. Бу жараёнда янги иш ўринлари, маҳаллий мол етказиб берувчилар билан ҳамкорлик тўғрисидаги ахборотлар муҳим ҳисобланади.

² «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси»га мувофиқ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

6	Корхона бошқарув ходимлари (менежмент)	Ишончли ахборотга асосланган иқтисодий қарорларни қабул қилиш. Лекин, молиявий ҳисобот ахборотлари уларнинг корхона кундалик фаолиятини бошқариш жараёнида самарали қарорлар қабул қилишлари учун етарли бўлмайди. Шу сабабли, улар учун асосий ахборот манбаси бошқарув ҳисоби тизими ҳисобланади.
7	Рақобатчилар	Рақобат жараёнида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш. Рақобатчилар корхонанинг молиявий ҳисоботларини синчковлик билан ўрганади. Бироқ, компания рақобатчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун молиявий ҳисобот тайёрламайди. Чунки, рақобатчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини имкон қадар қондирадиган ахборотларни тайёрлаш молиявий ҳисоботнинг мақсади ҳисобланмайди.

«Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асос» молиявий ҳисобот халқаро стандартларини ишлаб чиқишнинг ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг асосий ғоясини, тамойилларини ва тушунчаларини белгилаб беради.

У қуйидаги 2-расмда берилган кўрсаткичларни ўз ичига олади (2-расм).



2-расм. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси тавсифи³

«Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси»га кўра, молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг мақсади унинг асосий фойдаланувчиларига ҳисобот бераётган корхонани ресурслар билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдали бўладиган молиявий ахборотлар билан таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, унга мувофиқ молиявий ҳисоботнинг мақсади ҳисобот берувчи корхонанинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги молиявий ахборотни тақдим этишдан иборат ҳисобланади. Чунки, бундай ахборотлар молиявий ҳисоботдан

³ «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси»га мувофиқ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган


фойдаланувчиларга: корхонанинг келгуси пул тушумларини баҳолаш ва башорат қилишда; корхона раҳбариятининг иқтисодий ресурсларни масъулиятли бошқариш фаолиятини баҳолашда фойдали бўлади.

Шунингдек, ушбу ҳужжатга асосан сифат тавсифлари молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган ахборотни бошқалар учун фойдали бўлишини таъминловчи меъзонлардир (3-расм).

Фундаментал сифат тавсифлари ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

✓ **ўринлилик.** Ҳар қандай ахборот ўринли бўлиши учун: ахборотдан фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қила олиши ҳамда иқтисодий қарорларга таъсир қилиши учун ўз вақтида тақдим этилиши лозим.

Муҳимлилик тушунчаси ҳам ўринлилик сифат тавсифи доирасида ўрганилади. Муҳимлилик ахборотнинг ўринли бўлишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Агар ахборотни тушириб қолдириш, нотўғри кўрсатиш ёки яшириш фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилинадиган қарорларига таъсир кўрсатиши асосли тарзда кутилса, бундай ахборот муҳим ҳисобланади.



3-расм. Фойдали ахборотнинг сифат тавсифларининг таснифланиши⁴

Молиявий ахборот *прогноз қиймати*га ёки *тасдиқлаш қиймати*га ёхуд ҳар иккисига эга бўлса, у фойдаланувчиларнинг қарорларига аҳамиятли таъсир кўрсатишга қодир бўлади, яъни ўринли ҳисобланади. Агар ахборотдан келгуси натижа ва кўрсаткичларни баҳолаш ҳамда белгилашда асос сифатида фойдаланиш мумкин бўлса, бундай ахборот *прогноз қиймати*га эга деб ҳисобланади. Шунингдек, агар ахборотдан аввал амалга оширилган баҳолашлар ва прогнозларни тасдиқлаш ёки ўзгартириш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлса, бундай ахборот *тасдиқлаш қиймати*га эга деб ҳисобланади.

✓ **ҳаққоний тақдим этиш.** Молиявий ҳисоботда иқтисодий ҳодисалар рақамлар орқали акс эттирилади ҳамда сўзлар ёрдамида изоҳланади. Молиявий ахборот фойдали бўлиши учун у нафақат ўринли ахборотни ифодалаши, балки иқтисодий ҳодисаларнинг моҳиятини ҳам ҳаққоний (рўйи-рост) очиб бериши лозим. Кўп ҳолларда иқтисодий ҳодисанинг моҳияти ва унинг ҳуқуқий шакли бир хил бўлади. Шунингдек, айрим ҳолларда улар фарқланиши ҳам мумкин. Агар улар фарқ қилса, фақат ҳуқуқий шакли тўғрисидаги ахборотни молиявий ҳисоботга киритиш иқтисодий ҳодисани рўйи-рост ифодалаш деб ҳисобланмайди. Масалан, корхона ўз активини шартномага асосан сотсада, лекин унинг устидан назоратни сақлаб қолса, бу ҳодиса ҳуқуқий жиҳатдан сотиш операцияси сифатида расмийлаштирилсада,

⁴ «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси»га мувофиқ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

унинг иқтисодий моҳияти қарз олиш операцияси деб қаралади. Бу ҳолат, молиявий ҳисоботда қарз олиш операцияси сифатида кўрсатилиши керак бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, ўринлилик ва ҳаққоний (рўйи-рост) тақдим этиш молиявий ҳисобот ахборотларининг фойдалилигини таъминлайдиган фундаментал сифат тавсифларидир. Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда уларга амал қилиниши шарт ҳисобланади. Ўринлилик ва ҳаққоний (рўйи-рост) тақдим этиш талабларига риоя қилган ҳолда тайёрланган молиявий ахборот қарор қабул қилувчилар учун фойдали бўлади деб фараз қилинади. Шу билан бирга, «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси» молиявий ҳисобот ахборотларининг манфаатдор томонлар учун фойдалилигини янада оширувчи сифат талабларини белгилаб берган (2-жадвал).

2-жадвал

Молиявий ахборотнинг фойдалилигини янада оширувчи сифат тавсифлари⁵

№	Таснифланиши	Изоҳ
1	Таққосланувчанлик (қиёсийлик)	Молиявий ахборотнинг таққосланувчанлиги унинг фойдаланувчисига қуйидаги имкониятларнинг мавжуд бўлиши кераклигини англатади: корхонанинг турли даврлар учун тайёрланган молиявий ҳисоботларини бир бирига таққослаб ўрганган ҳолда корхона фаолияти натижалари ҳамда молиявий ҳолатининг даврлар бўйича ўзгариш трендини аниқлаш; турли корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини солиштириб ўрганиш асосида муайян корхонанинг молиявий ҳолати ҳамда фаолият натижаларини бошқа корхоналарга нисбатан баҳолаш. Молиявий ҳисобот ахборотлари таққосланувчан бўлиши учун уларни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича қоидалар турли даврларда изчиллик билан қўлланилиши, бу қоидаларда ўзгаришлар бўлганда молиявий ҳисоботнинг изоҳлар бўлимида ўзгаришнинг моҳияти ҳамда молиявий ҳисобот элементларига таъсири очиқ берилиши лозим.
2	Текширилувчанлик	Молиявий ахборотнинг текширилувчан бўлиши унинг иқтисодий ҳодисани ҳаққоний ифода этаётганлигига фойдаланувчиларни ишонтиришга ёрдам беради. Текширилувчан молиявий ахборот уни ўқиш бўйича малакага эга бўлган, бир-биридан мустақил шахсларга шу ахборотни ўрганиш асосида унинг ҳаққоний тақдим этилганлиги юзасидан умумий фикрга келиш имконини беради. Текширилувчанлик бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Бевосита текширилувчанлик молиявий ҳисоботда акс эттирилган сонли ёки изоҳ кўринишидаги бошқа ахборотни бевосита кузатиш йўли билан текшириш имконияти мавжуд бўлишини англатади. Билвосита текширилувчанлик молиявий ахборотни тайёрлашда қўлланилган модель, формулалар ва бошқа усуллардан фойдаланиб молиявий ҳисоботга киритилган кўрсаткичнинг тўғрилигини текшириш имконияти мавжудлигини билдиради.

⁵«Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси»га мувофиқ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3	Ўз вақтида тақдим этилиши	Молиявий ахборот ўз вақтида тақдим этилгандагина қарор қабул қилувчи учун фойдали ҳамда аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ахборот эскирган сари унинг фойдалилиги пасайиб боради. Масалан инвестор корхонага инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилаётганда унга корхонанинг уч йил олдинги молиявий ҳисоботларидан кўра охирги ҳисобот йилига тегишли молиявий ҳисоботлари аҳамиятли ва фойдали бўлади.
4	Тушунарлилик	Тушунарлилик молиявий ахборотнинг тақдим этиш шаклига ҳамда фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотни ўқиш ва тушуниш кўникмасига эга бўлишига боғлиқ бўлади. Ҳисобот берувчи шахс молиявий ҳисоботда ахборотларни тушунарли тарзда таснифлаши, акс эттириши ва стандартларда белгиланган ҳолларда тегишли изоҳларни ҳам ҳисоботга киритиши зарур.

5. Хулоса.

Шундай қилиб, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг фундаментал масалаларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

биринчидан, молиявий ҳисоботлар унинг ахбороти асосида қарор қабул қилувчи шахслар учун фойдали бўлиши лозим. Корхоналарнинг яхши ташкиллаштирилган ва сифатли ҳисоб тизими молиявий ҳисоботнинг фойдали бўлишида муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, корхоналар энг аввало ҳисоб тизимини тўғри йўлга қўйиши ҳамда унинг ишлашини доимий равишда танқидий баҳолаб бориши лозим;

иккинчидан, молиявий ҳисобот очиқ ҳужжат бўлиб, унинг ахборотидан кенг доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин. Аммо, у асосий фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини имкон қадар қондириш мақсадида тайёрланади. «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси»га кўра, молиявий ҳисоботнинг асосий фойдаланувчилари мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ҳамда бошқа кредиторлар ҳисобланади;

учинчидан, «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси» молиявий ҳисобот халқаро стандартларини ишлаб чиқишнинг ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг асосий ғоясини, тамойилларини ва тушунчаларини белгилаб беради. Унга кўра, молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг мақсади, унинг асосий фойдаланувчиларига ҳисобот бераётган корхонани ресурслар билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилишда, фойдали бўладиган молиявий ахборотлар билан таъминлашдан иборат бўлса, молиявий ҳисоботнинг мақсади ҳисобот берувчи корхонанинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги молиявий ахборотни тақдим этиш ҳисобланади;

тўртинчидан, «Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси» молиявий ҳисобот ахборотининг сифат тавсифларини белгилаб берган бўлиб, улар молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган ахборотни бошқалар учун фойдали бўлишини таъминловчи асосий меъзонлар ҳисобланади. Молиявий ҳисобот ахборотининг сифат тавсифлари фундаментал ҳамда молиявий ҳисобот ахборотининг фойдалилигини янада оширувчи меъзонларга ажратилган.

Адабиётлар:

Авлоқулов А.З. (2020) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни акс эттириш хусусиятлари. «Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Т.: 2020. — 243 б.

Гетмана В.Г. (2022) Бухгалтерский учет. – Москва: ИНФРА-М, – 467 с.

Каримов А.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Имамова Н.М. (2021) Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (Дарслик). -Т.: «Ниҳол принт» ОК, - 332 б.

Кондраков Н.П. (2023) Бухгалтерский учет (финансовый и управленческий): учебник. – 5-е изд., перераб. и. доп. – Москва: ИНФРА-М. -429 с.

Мамажонов А.Т. (2022) Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини назарий жиҳатлари. «Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш ва халқаро тажрибани Ўзбекистонда қўллашнинг долзарб масалалари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. Тошкент, ТДИУ, 2022 йил 6 апрель. 204-209 бетлар.

МҲХС (2023) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (2022) Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси. <https://lex.uz/docs/6312360> (20.09.2023.)

Ризаев Н.К. (2022) Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. «Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш ва халқаро тажрибани Ўзбекистонда қўллашнинг долзарб масалалари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. Тошкент, ТДИУ, 2022 йил 6 апрель. 285-297 бетлар.

Сигидов Ю.И., Ясенко Г.Н., Оксанич Е.А. [и др.] (2022) Бухгалтерская (финансовая) отчетност. – Москва: ИНФРА-М, -6 с.

Ташназаров С.Н. (2019) Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. (ДСс) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т. ТМИ. -14 б.

Хажимуратов Н.Ш. (2020) Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлаш йўналишлари. – Т.: Экономика и финансы, 3(135). – 76 б.



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИГА СОЛИҚ ЮКИ ДАРАЖАСИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Тураев А.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада солиқ юки ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги қўп қиррали муносабатлар ўрганилган. Асосий топилмалар солиқ таъсирининг мураккаблигини, далилларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқишнинг аҳамиятини ва глобал тенденцияларнинг солиққа тортишга таъсирини таъкидлайди. Тадқиқот солиққа тортишнинг иқтисодий ривожланишдаги муҳим ролини ва ўзгарувчан солиқ шароитига мослашиш зарурлигини ифодалаб, мавзу сўнгида хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, даромад, солиқ юки, хўжалик юритувчи субъект, солиққа тортиш.

Аннотация. В статье рассматривается многогранная связь между налоговой нагрузкой и субъектами предпринимательской деятельности. Ключевые выводы подчеркивают сложность налоговых последствий, важность разработки политики, основанной на фактических данных, а также влияние глобальных тенденций на налогообложение. В исследовании выражена важная роль налогообложения в экономическом развитии и необходимость адаптации к меняющимся налоговым условиям, а в конце темы был сформулирован вывод.

Ключевые слова: налог, доход, налоговая нагрузка, хозяйствующий субъект, налогообложение.

Abstract. The article examines the multifaceted relationship between the tax burden and business entities. Key findings highlight the complexity of tax impacts, the importance of evidence-based policymaking, and the impact of global trends on taxation. The study expressed the important role of taxation in economic development and the need to adapt to changing tax conditions, and a conclusion was formed at the end of the topic.

Key words: tax, income, tax burden, business entity, taxation.

1. Кириш.

Сўнгги ўн йилликда турли мамлакатларда умумий солиқ юкини камайтиришга қаратилган уларнинг солиқ тизимини кенг қўламли ислоҳ қилиш бўйича сезиларли тенденция юзага келди. Бу ислохотлар бизнес тузилмаларини оптималлаштириш, солиқларни ҳисоблаш ва ундириш усуллари қайта кўриб чиқишга қаратилган. Асосий мақсад иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва янги инвестициялар ва бизнес инновациялари учун янада қулай муҳит яратишдир.

Таъкидлаш жоизки, солиқ ислоҳотининг ушбу тенденциялари ўзгарувчан глобал макроиқтисодий манзара ва жаҳон бозорларининг ўзгарувчанлигига жавобдир. Иқтисодий ўсиш суръатлари нафақат тармоқ ва миллий миқёсда, балки бутун жаҳон иқтисодиётида ҳам секинлашди. Ушбу ҳолат жорий солиққа тортиш кўрсаткичларини оптималлаштириш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватловчи чора-тадбирларни амалга ошириш учун қайта кўриб чиқишни талаб қилди.

Турли мамлакатларда солиқ тизимининг ривожланишига тарихий, маданий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг мураккаб ўзаро таъсири таъсир кўрсатади. Бу омиллар ҳар бир давлатнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва хусусиятларига, жумладан, сиёсий тузилмаларга, ижтимоий демографик ва иқтисодий шароитларга мослаштирилган ягона солиқ тизимларини шакллантирди.

Мамлакат ичида солиқ тизимини яратишнинг асосий омили давлатнинг ўзи. Давлатлар солиққа тортишни тартибга солувчи қоидаларни ўрнатадилар, тарихий тажрибалардан келиб чиқиб, уларни миллий муҳитга мослаштирадилар. Вақт ўтиши билан давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи халқаро нормалар ва стандартлар ривожланди.

Замонавий шароитда давлатнинг иқтисодиётдаги ролига сезиларли урғу берилади. Бу республика бюджетларидаги солиқ тушумларининг улуши ортиб бораётганида, молиявий тартибга солишни кучайтириш бўйича қонунчилик базаси ислоҳ қилинишида ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатнинг ички ишлаб чиқариши ўсиши билан солиқ юки ортиб боради. Бу муносабатлар тасодифий эмас; у жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг даромадлари юқори бўлганлиги сабабли, улар солиқлар ва тўловлар орқали давлат эҳтиёжлари учун маблағ қўшиш имкониятига эга эканлиги ҳақидаги ғоядан келиб чиқади.

Моҳиятан жамият эволюцияси, иқтисодий тараққиёт ва солиққа тортиш ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Жамиятнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш кўпинча солиқ юкининг ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида кейинги ривожланишга ёрдам беради. Аммо моддий ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан муҳити ва молиявий тизимларнинг эволюцияси вақт ўтиши билан солиққа тортиш шакллари ва усуллари ўзгартиришга олиб келди. Ушбу давом этаётган эволюция солиқ тизимларининг динамик табиатини ва уларнинг алоҳида мамлакатларда ва глобал саҳнада иқтисодий натижаларни шакллантиришдаги муҳим ролини таъкидлайди.

Солиқ тизимларининг шаклланиши мамлакатнинг иқтисодий стратегияси ва унинг иқтисодий тизимининг табиати билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқлар нафақат давлат фаолиятини молиялаштиришнинг асосий воситаси, балки фуқароларнинг даромадлари даражасига таъсир қилувчи муҳим омил сифатида ҳам хизмат қилишини тан олиш жуда муҳимдир.

Иқтисодий тизимлар, шу жумладан бозор иқтисодиёти ҳам пасайиш, ҳам ўсиш даврлари билан белгиланадиган циклларга мойил. Ушбу иқтисодий цикллар давомида ҳукуматлар ушбу тебранишларга жавоб беришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Улар ҳўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юкини бартараф этиш, иқтисодий инқирозлар даврида уни камайитириш, ўсиш даврида эса ошириш бўйича тегишли чораларни кўришлари керак.

Шунинг учун солиқлар статик эмас, балки ўзгарувчан иқтисодий манзарага мослашиши керак. Иқтисодий таназзул ёки инқирозлар даврида ҳукуматлар кўпинча бизнес ва жисмоний шахсларнинг юкини енгиллаштириш, иқтисодий тикланишни рағбатлантириш учун солиқ имтиёзларини қўллайди. Аксинча, иқтисодий кенгайиш даврида солиқ сиёсати ўсиб бораётган иқтисодий фаолиятнинг катта қисмини қамраб олиш учун ўзгартирилиши мумкин.

